

ISSN 2181-8738

ВОДИЙНОМА

АПРЕЛЬ-ИЮНЬ

2018 йил

№2 (9)



«ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал
2018 йил №2 (9)

Муассис: «Мерос» халқаро илмий-амалий
экспедиция жамоат фонди

Хамкорларимиз: Андижон давлат университети,
Андижон вилоят телерадиокомпанияси,
«Андижоннома» газетаси тахририяти

Бош муҳаррир:
Рустамбек Шамсутдинов

Бош муҳаррир ўринбосари:
Абдулла Шаропов

Таҳрир хайъати:

Абдулҳамид Анорбоев – т.ф.д.
Азизбек Миркомиллов – Андижон вилояти
ҳокимияти котибияти мудири
Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор
Бахтиёр Расулов – т.ф.д.
Бахтиёр Ҳасанов – т.ф.д., профессор
Геннадий Богданович – катта ўқитувчи
Журазода Жамшид – т.ф.д., профессор
Мамбет Койгелдиев – т.ф.д., академик
Маъмуржон Саидхонов – ф.ф.н., доцент
Мирсодиқ Исроқов – т.ф.д., профессор
Наим Каримов – ф.ф.д., академик
Нуриддин Холиқназаров – Андижон вилояти бош
имом-хатиби
Ташманбет Кененсариев – т.ф.д., профессор
Шамсиддин Камолитдин – т.ф.д., профессор
Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент
Нурмонжон Гафуров – т.ф.д., профессор

Мусахҳих:

Шухратбек Қаҳҳоров

Техник муҳаррир:

Дилшодбек Хомидов

Андижон вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2016 йил 18 майда
№ 04-049 рақам билан рўйхатга олинган

Нашр индекси: 170112

Нашр учун масъул: Р.Т.Шамсутдинов

Таҳририят манзили: 170100, Андижон шаҳри
Университет кўчаси 129-уй.

Телефон: (99890) 253-26-32

Факс: (99874) 223-83-52.

Почта: vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

Қўғоз бичими 60x84 ¹/₁₆ Босма тобоғи: 13,5

Офсет босма. Офсет қўғози.

Адади: 2 000 дونا.

Баҳоси келишилган нархда.

Чоп этилган мақолаларда билдирилган
фикр-мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига
мос келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва
рақамларнинг аниқ ва ҳолислиги учун муаллиф
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr
NNM» МЧЖ томонидан тайёрланган. «Akademnashr
NNM» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри Чилонзор тумани
20^а-мавзе 42-уй

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Озарбайжон диёрида Чулпон меросини излаб2

ҚАДИМГИ ДАВР

Абдулҳамид Анорбаев

«Ахсикент» археология объектини ўрганиш ва муҳофаза қилиш
масаласига доир10

РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

Т.Кененсариев, Э.Авазов, С.Абдрахманов

Озодлик курашчиси Мамир Мерган тақдирига доир17

М.К.Койгелдиев

Алаш-Орда как альтернатива Советской власти22

С.Б.Шадманова

Фарғона водийси аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатилиши ва ундаги
трансформация жараёнлари (XIX аср охири – XX аср бошлари)34

Наим Каримов

Чулпон ГПУ-ОГПУ-НКВД исканжасида44

М.Ғ.Абдуллаев

Ўзбекистон қулоқ посёлкаларида тиббий хизматнинг аҳволи.....52

Г.Охунова

«Расстрелянный» без суда и следствия...

Жертва «Большого террора» Торокул Айтматов57

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ

С.Юсупова

Ҳозирги даврда Фарғона водийсидаги демографик жараёнлар:
ривожланиш тенденциялари62

ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

Р.Т.Шамсутдинов

Маърифатпарвар Ибрат ва озодлик курашчиси Носирхонтўра
тақдирига доир68

ЭСДАЛИКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАР

Отрывки из воспоминаний Гафура Хайдарова90

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ТАРИХИДАН

Р.Т.Шамсутдинов, М.Саидхонов, Ш.Қаҳҳоров

Бирпўстин – қадамжо, зиёратгоҳ, сайилгоҳ.....98

ТАБРИК

Ш.А.Хайитов

Содиқ дўст, забардаст олим, хайрли ва савоб ишлар сарбони106

ОЗАРБАЙЖОН ДИЁРИДА ЧЎЛПОН МЕРОСИНИ ИЗЛАБ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзuida ўтказилган халқаро конференцияда сўзлаган нутқида шундай деган: «Минг афсуски, жафокаш Афғонистон заминидаги бу тўқнашув қарийб 40 йилдан буён давом этмоқда. Маълумки, «уруш олови» афғон халқига четдан тиқиштирилди, бу унинг танлови эмас. Ана шу йиллар мобайнида юз минглаб тинч аҳоли уруш қурбонига айланди, миллионлаб инсонлар ўз уйлари ташлаб кетишга ва бошқа мамлакатлардан бошпана излашга мажбур бўлди».¹

Юртбошимизнинг бу теран, мантикий, лўнда фикри бизда кучли таассурот қолдирди. Чунки 1917 йили большевиклар ноқонуний йўл билан ҳокимиятга келганларидан бошлаб Ўрта Осиё халқларига «уруш олови»ни тиқиштирган эдилар, бу ҳолат Ўрта Осиё халқларининг ҳам танлови эмас эди. Большевизм сиёсати ва амалиёти оқибатида Ўрта Осиёда юз минглаб одамлар муҳожир сифатида Ватанни тарк этишга мажбур бўлдилар, озодлик ва мустақиллик учун олиб борилган кураш жабҳасида ўн минглаб, юз минглаб юртдошларимиз душман ўқидан вафот этдилар, фақат Ўзбекистоннинг ўзидан коллективлаштириш, қулоқлаштириш,

сургун қилиш, 1937 – 1938 йиллардаги «Катта қиргин», Иккинчи жаҳон уруши, урушдан кейинги йиллардаги қатагонда юз минглаб аждодларимиз қурбон бўлдилар.

Умуман, большевизм ўзининг мафкураси, гоёси, сиёсати, маслагини ўзга мамлакатларга тиқиштириш билан овора бўлганига бутун прогрессив инсоният шоҳиддир.

Ҳали мустақилликка эришилмаган 1991 йил 7 мартда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов шундай деганди: «Совет ҳокимиятининг ҳамма йилларида Ўзбекистон моҳият эътибори билан ўз давлатига эга бўлмаган. Биз капитализмнинг машаққатли боқичини четлаб социализмга ўтганимизни ҳамма жойда рўкач қилиб келишди. Аслини олганда, бошқалардагига қараганда ёмон бўлмаган ҳақиқий социализм қурганимизга ишонтиришмоқчи бўлишди. Бунинг устига, тараққиётнинг нокапиталистик йўлини танлаган мамлакатлардан вакиллар тақлиф этиб, бизнинг тажрибамиз мисолида уларни ҳам капитализмдан сакраб ўтишга ўргатиш саъй-ҳаракатлари бўлди. Энди қарасак, ҳаммаси ваҳшиёна бир нарсa экан...»²

Ўша Ленин нокапиталистик тараққиёт йўли назарияси ва сиёсатини жаҳон миқёсида тажриба синовидан ўтказиш, шу орқали большевизм, советлар гоёси, мафкураси амалиётини Шарқ халқлари тақдирига татбиқ қилиш, бу мазлум Шарқни жаҳон империализми ва унинг зарбдор кучи – Буюк Британия империализмига қарши кураш жабҳасига йўналтириш, Шарқ билан Ғарбни бир-бирига қайраш, шу аснода совет тажрибасини ўзга мамлакатларга андоза сифа-

¹ http://uzbekistonovozi.uz/articles/index.php?ELEMENT_ID=53959

² Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон. 2015. – 5.285.



тида таргиб этиб тиқиштиришдек революцияни экспорт қилиш доктринасини илгари сурган эди. Унинг 1919 йил октябрида «Туркистонлик коммунист ўртоқларга» хатида, жумладан, ўлка коммунистларидан: «...**Бутун кучингизни бошида Британия империализми турган жаҳон империализмга қарши астойдил курашиш**»га сафрлашни илтимос қилган.³

1919 йил 22 ноябрь – 3 декабрда Москвада Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг Бутунроссия 2-съездида ҳал қилувчи овоз билан 71, маслаҳат овози билан 11 вакил қатнашган. Съездда Туркистондан Ҳусайн Иброҳимов бошчилигида П.Кобозев, Ф.Отарбоев, Муҳаммаджон Бисеров, Ҳаққул Ҳусанбоев (Анджон), Г.Иванов, Абдуқодир Муҳиддиновдан иборат вакиллар қатнашган. Съездда Озарбайжон, Хива, Бухоро, Қирғизистон, Татаристон, Чувашистон, Бошқирдистон, Кавказ ва бошқаларнинг коммунистик ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашган. Туркистон вакилларнинг 1920 йил 28 февралда ёзган ҳисоботида ушбу сатрларни ўқиймиз: **«Съезднинг ишга доир қисми ўртоқ Лениннинг ҳозирги аҳвол ҳақидаги маърузаси билан бошланди. Совет Россиясининг Антантага қарши курашидаги мустаҳкам аҳволини умумий тарзда тасвирлаб, фронтлардаги галабаларни ва Россия ичкарасидаги коммунистик асосда олиб борилаётган совет қурилишининг ижобий томонларини кўрсатиб, ўртоқ Ленин ўз номидан жаҳон уруши майдонида Шарқнинг тутган ролини аниқлаб берди. Шарқ – бу ҳалигача фойдаланилмаган, ўзида туганмас кучни мужассамлаштирган резервдаги кучдир. Ана шу кучни уйғотиш ва уни империализмга қарши, инглиз капиталига қарши йўналтириш – Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг асосий вазифаларидандир. Ўртоқ Ленин нутқидан сўнг съезд Шарқ коммунистик ташкилотлари Марказий Бюроси ҳисоботини эшитишга киришди»**.⁴

Шарқ халқларининг Бокудаги съезди Коминтерннинг II конгресси миллий-мустамлака

масаласи бўйича қабул қилинган қарорлари билан уйғун эди.

Ленин 1920 йил 26 июлда Коминтерннинг II конгрессида қилган маърузасида: **«Коммунистик интернационал қолақ мамлакатлар илгор мамлакатларнинг ёрдами билан капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб совет тузумига ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин деган қондани белгилаб бериши ва назарий жиҳатдан асослаб бериши лозим»** деб кўрсатганди.⁵ ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 1920 йил 18 июнда **«Бокуда шарқ халқларининг съезди тўғрисида»**ги масалани кўриб, принцип жиҳатидан 3-Интернационал ташаббуси билан Бокуда съезд чақирилишини маъқул кўрган, бу иш бўйича Наримонов ва Сталинлардан **«фикр сўралсин, олинган жавоб Сиёсий бюрода кўрилсин»** деган қарор қабул қилган. 29 июнда Сиёсий бюро Бокуда Шарқ халқлари съездини чақиришни маъқул кўради, Оржоникидзе ва Стасова тегишли ўртоқларни кооптация қилиб, Бокуда съездни ташкил этиш бўйича бюро тузишга қарор қилган.⁶ Бу Лениннинг нокапиталистик тараққиёт йўли тўғрисидаги назарияси ва амалиёти большевикларнинг қистови билан Шарқ халқлари ҳаётига татбиқ қилиниши кўплаб йўқотишларга, қурбонларга олиб келганига мана энди жаҳон жамоатчилиги шоҳид бўлиб турибди.

Большевиклар Буюк Британияни капиталистик давлатларнинг энг қудратлиси деб билиб, жаҳон социалистик революциясининг галаба қилиши геосиёсий режасида, энг аввало, Британия империясини қулатиш мақсадида бўлганлар. Революцияни Шарққа экспорт қилишда большевиклар мусулмонларга таянишни маъқул кўрганлар. Британия мустамлакаси бўлган Ҳиндистон таркибида Покистон ва Бангладеш ҳам бор эди. Мусулмонлар бу мамлакат аҳолисининг бешдан бир қисмини ташкил этган, большевиклар уларни анча фаол сиёсий куч деб билган.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, большевиклар Туркистонга зўравонлик билан

³ В.И. Ленин. Асарлар. 30-том. – Б.134 – 135.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви. 60-фонд. 1-руйхат. 776-иш. 5-варақ.

⁵ В.И. Ленин. Асарлар. 31-том. – Б.247.

⁶ Политбюро ЦК РКП(б) – ВКП(б) и Коминтерн 1919 – 1943. Документы. – М.: РОССПЭН. 2004. – С.48, 144.



советлар гоёси сиёсатини тикиштиришига қарши курашувчи оз сонли бўлса-да кучлар юртимизда бор эди. Булар Туркистон зиёлилари, уларнинг энг илгорлари бўлган жадидлар эди.

1917 йил августида Андижон шаҳар думасига кўшпартиявийлик асосида ўтказилган сайловда миллий ҳаракат намояндалари Андижон думасидаги 97 ўриндан 84 тасини эгаллашга муваффақ бўлганлар, бу жуда катта галаба эди. Бунда Миркомилбой Мирмўминбоевнинг ўрни ва роли катта бўлган. Андижонлик тараққийпарварлар большевикларга, меньшевикларга, эсерларга хат йўллаб, уларнинг гоё ва дастурларини Туркистон мусулмон халқи қабул қила олмаслигини баён қилган эдилар: **«Сизнинг ва бизнинг ҳаёт тарзимиз бир-бирига сира тўғри келмайди, шунинг учун келгуси давлатчилик ҳаётини бирданига умум бир қолипга солиш керак эмас. Умум қолип андозасини бу ерда қўлаб бўлмайди... Бизда сизнинг соф русча маънодаги деҳқонлар йўқ. Ғарбий Европача маънодаги фермерлар ва ижарачилар ҳам йўқ. Бизда эркин деҳқон яшайди. Улар ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда крепостной қаролгина эмас ва балки ижарачи фермер ҳам бўлмаган, эркин мулкдор бўлиб келган. Муқаддас ислом бизни ҳеч қандай табақаларга ва синфларга бўлмаган, шунинг учун ҳам бизда синфий кураш учун асос йўқдир. Зотан, барча мусулмонлар, улар хоҳ фуқаро, ё мулкдор бўлишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлидирлар».**⁷ Андижонлик жадидлардан Латифжон Содиқбоев 1917 йил 26 – 29 ноябрда Кўконда бўлиб ўтган Туркистон ўлка мусулмонларининг IV Ғавқулодда қурултойида Туркистон Мухторияти тузилишига қарши турган большевикларни кескин танқид қилиб шундай деганди: «Большевиклар Туркистонни мухтор жамият деб эълон этмас эканлар, унда мухтор жумҳурият деб эълон қилишимизга қаршилиқ кўрсатмасинлар. Чунки Ислом дини давлатни демократик тарзда бошқаришга қарши эмас-ку».⁸

Хуллас, Бокудаги Шарқ халқларининг 1-съезди большевизм, 3- Коминтерннинг сиёсий, маф-

куравий ўйинларидан бири бўлгани мана энди ҳаммага аён. Большевиклар бошқа халқлар қатори Ўрта Осиё халқларини ҳам алдов йўли билан ўзларининг мудҳиш сиёсий доктринаси қуршовида ушлаб туриб, бу ердаги «советча» режимни ўзга Шарқ халқларига ҳам тикиштиришдек ёвуз мақсадни кўзлагандилар. Ленин бошлиқ большевикларнинг бу сиёсий ва миллий ўйинини Ўрта Осиёнинг таниқли миллий арбоблари, айниқса, жадидлар, тараққийпарварларнинг катта қисми тушуниб етган эди. Буни Бокудаги Шарқ халқлари 1-қурултойида иштирок этган ўрта осийлик делегатларнинг маълум қисми ғавқлаган ва съезд минбаридан туриб советларнинг бу сиёсатини фожиага ҳаракат қилган. Бу ўринда Тошпўлатбек Норбўтабековнинг 1920 йил 4 сентябрда съезднинг 3-мажлисидаги нутқини айнан келтирамиз:

«Менинг вақтим чегараланган, албатта, 15 минут мобайнида Шарқ меҳнаткаш оммасининг халқаро аҳволини тўлиқ тасвирлаб бериш мумкин эмас. Сўзимни қисқа қиламан. Мени диққат билан тинглашингларни ва сўзимни бўлмасликни сўрайман, овозим яхши чиқмаяпти.

Ҳозирги съезднинг вазифасини ўртоқ Зиновьев ўз нутқида аниқ ва равшан тасвирлаб берди. Мен бунга тўхталиб ўтирмайман. Шарқ халқлари меҳнаткаш оммасининг аҳволи фақат Шарқ халқлари учунгина эмас, балки совет ҳокимияти учун ҳам ғавқулодда зарурдир. Ваҳолонки, ҳар қандай ҳокимият кўпмиллионли Шарқ халқларининг орасида маълум мақсадларини амалга ошириш учун ўзига аниқ бир вазифани қўяди. Ушбу 53 га яқин тиллар ва шевааларга эга бу халқларнинг ўз овозига эга бўлишга эҳтиёжи бор, бизнинг делегат сифатидаги бурчимиз у ёки бу талабларни ҳукуматга аниқ ва равшан тақдим қилишдан иборат. Бизнинг мусулмон халқлари ва Шарқнинг бошқа халқлари Совет ҳукуматидан бошқа ҳукуматни хоҳламайдилар деб эълон қиламиз. Танлаш имкони йўқ: ё инглиз капиталистлари, ёки Россия ва бутун жаҳоннинг меҳнаткашлар оммаси. Ўртоқ Радек айтганидек, ё совет ҳукумати ҳалок бўлиши ва ҳамма қул бўлиши керак, ёки галаба қилиш керак, шундагина озод бўламиз. Бу сўзларни амалга ошириш учун биз, Шарқ халқла-

⁷ Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. – Toshkent: Sharq. 2016. – B.43.

⁸ Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.34.



ри, иккита дунё мавжудлигини аниқ айтишимиз керак: Ғарб дунёси ва Шарқ дунёси. Сизга маълумки, Ғарб ўзининг кўп асрлик тарихий тараққиёти давомида давлатчилик шаклини энг мустабид шаклдан то либерал-демократик республикагача бир неча марта ўзгартирган. Шарқда эса давлатчилик шакли ўзгармай келган. Европа давлатлари орасида Россия биринчи бўлиб янги давлатчилик шаклини – Совет ҳокимияти шаклини илгари сурди. Ўртоқлар, бу жиҳатдан Шарқ дунёси билан Ғарб дунёси бир-бирига мутлақо қарама-қаршидир. Шарқ алоҳида хусусиятга эгадир. Бу хусусият, аynиқса, руҳий, маданий-иқтисодий, диний, ижтимоий ва маиший томонларида намоёндыр. Буни инобатга олиш лозим. Николай II ва меҳнаткашларнинг бошқа кушандалари ҳеч қачон буни инобатга олмадилар. Бизнинг бу манфаатларимиз ҳамisha поймол бўлиб келди. Инқилобнинг дастлабки кунлари большевиклар Керенскийнинг «Ғалаба бўлгунча урушамиз» деган капиталистик шиорига қарши «Халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилашлари» шиорини кўтариб чиққанларида Россия давлатининг барча 53 миллати акс садо бердилар. Бу Керенскийнинг капиталистик шиори барбод бўлишининг энг асосий сабабларидан бири бўлган. Биз Шарқ халқлари ушбу «Халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилашлари» шиорига ишонган эдик ва ҳозирги кунгача ишониб келмоқдамиз, бутун дунё пролетарларининг гоявий раҳбарлари ва доҳийлари – Ленин, Троцкий, Зиновьев ва бошқа ўртоқларга ишонамиз, аммо аynи пайтда айтишимиз керакки, биз съездда мусулмон меҳнаткашлари ва Шарқ халқларининг овози эшитилишини хоҳлаймиз. Агар у эшитилса, давлат ҳокимиятининг Шарқдаги ижтимоий инқилобнинг буюк асосларини рўёбга чиқаришдаги мақсад ва вазифалари енгиллашади. Биз ҳақиқий озодлик, тенглик ва биродарлик нафақат қогозда, балки ҳаётда амалда бўлишини талаб қиламиз. Мен ишонманки, агар шундай бўлса, ҳеч бир мусулмон Совет ҳокимиятига қўл кўтаришга журъат қилмайди. Ўртоқлар, барчангизга маълумки, Шарқда асрлардан бери Чингизхон ва Темурдан бошлаб қонхўр Абдулҳамидгача «Осмонда

якка-ягона худо бор, ерда эса султон» деган мустабид тузумдан бошқа давлат бошқарув шакли бўлмаган. Давлат тузилиши Ғарбдагига ўхшаб ўзгармаган. Россия буюк инқилоби юз берганда биз бунга мутлақо тайёр эмас эдик. Биз барча урф-одатларимиз ва турмуш тарзимизни бирданига коммунизм қолипига сола олмадик. Шунинг айтмоқ керакки, Шарқ меҳнаткашлари оммасини капиталистлар қўлидан озод қилишда Шарқ учун Совет ҳокимиятидан бошқа ҳеч бири тўғри келмайди. Барчага маълумки, Ғарбга нисбатан Шарқ мутлақо ўзгача, унинг манфаатлари бошқача. Шу боис коммунизм гоясини тўғридан-тўғри қўллаш у ерда қаршиликка дуч келади. Шунинг учун биз 400 миллионли мусулмон дунёсини Совет ҳокимиятига мойиллаштиришни хоҳлар эканмиз, унга нисбатан алоҳида ўлчов керак. Партиясиз ўртоқларнинг хоҳиш-истаги шуки, Кавказ ва Туркистондаги ҳамда Россия давлатининг барча собиқ ўлкаларидаги турли манфаатлари ва ўзига хосликлар қатъий ажратилиши керак. Съезднинг мажбурияти эса уларни эътиборга олиши ва ҳукуматга етказиши керак. Ўртоқлар, мусулмонлар Совет ҳокимиятидан юз ўғирмайдилар, Шарқ халқларининг ўзига хос хусусиятларининг тан оlinиши, Совет ҳокимиятининг чора-тадбирлари бу борада қогозда эмас, балки амалда бажарилиши керак. (Ғулдурас қарсақлар.)

Ўртоқ Радек айтдики, гарбий европалик йиртқишлар Совет ҳокимиятини қизил империализмни ўтказаётганликда айбламоқдалар. Бу айбловни инкор этиш учун бизнинг ўртоқлар, Совет ҳокимиятининг коммунистик партияси раҳбарлари бу нарсанинг йўқлигини ва бўлмаслигини айтишлари керак. Биз, туркистонликлар, айтамызки, ўртоқ Зиновьевни ҳам, ўртоқ Радекни ҳам, инқилобнинг бошқа раҳбарларини ҳам бирор марта бўлсин кўрмадик. У ерда нима ишлар бўляпти, меҳнаткаш оммасини Совет ҳокимиятидан қайтараётган сиёсатни олиб бораётган маҳаллий ҳокимият аниқ нима ишлар қилаётганини бу ўртоқлар келиб кўришлари керак. Мен Совет ҳокимиятининг платформасида қатъий турибман деб айтишни ўзимнинг делегатлик мажбуриятим бўйича бурчим деб ҳисоблайман.

Сўзимни қисқароқ қиламан, чунки вақт оз. Ҳозирги съезддагилар буржуазиянинг тиргалари эмас, балки Совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлайдиган меҳнаткаш омманинг чин вакиллари дир. У чечен ё догистонлик бўлсин, ажар, қирғиз, қозоқ бўлсин, бу съезддагиларнинг барчаси ҳукуматга ўз эҳтиёжларини аниқ ва равшан айтишлари керак:

«Ўртоқлар ўзингизни олиб қочманг, меҳнаткаш халқ оммаси кўрсатган йўлдан тўғри боринг, чунки бундан бошқа чиқиш йўли йўқ. Агар Ғарбий Европа пролетариати Совет ҳокимиятини қўллаб-қувватламаса, уни мусулмонлар ва Шарқ халқлари қўллаб-қувватлайди».

Шунинг учун мен таъкидлаб айтаманки, Совет ҳокимияти ҳозирги вақтда меҳнаткаш Шарқдан кўра яхшироқ иттифоқчини топа олмайди. Негаки уч йил давомида жаҳон инқилобининг энг яхши раҳбарлари бўлган ўртоқларимизнинг чақириқларига қарамай, ҳозиргача Ғарбий Европа пролетариати фаол равишда қўллаб-қувватлагани йўқ.

Иш ташлашнинг 21 июлда бекор бўлиши Ғарбий Европа пролетариати ўзининг сиёсий ҳаётида яшаётган мавжуд шартлар асосида кела олмаслигини исботлади. Шунинг учун вақтни бой бермасдан Шарқдаги ишларни унинг диний, маиший, ижтимоий-иқтисодий шароитига мувофиқ ташкиллаштириш керак. Совет ҳокимияти учун бошқа йўл йўқ. (Қарсаклар).

Биз, туркистонликлар, айтамикки, Туркистон меҳнаткашлари оммаси Октябрь инқилобининг бошиданоқ Совет ҳокимиятига рус ўртоқлар билан тенглик асосида қўшилдилар. Биз Туркистон фронтларида Совет ҳокимиятининг душманларига қарши қонимизни тўкиб, ҳаётимизни бутун Россия меҳнаткаш оммаси билан яқиндан боғладик. Туркистонлик арбоблар шаънига айтилаётган шовинистик руҳдаги айбловлар улоқтириб ташланиши керак, чунки меҳнаткаш халқ бунинг аксини амалда ўз қони билан исботлади.

Уч йил давомида Туркистон меҳнаткаш халқи бу курашдан шараф билан чиқди. Аммо бунинг учун нима керак бўлди? Жуда оз нарса: Шарқ халқлари ҳаётига диққат-эътибор билан қараш лозим ва мазкур съезд вакиллари талаб этган чора-тадбирларни амалга ошириш керак.

Бу ерда ҳеч қандай аксилинқилобчилик йўқ, ҳатто шовинизм ҳам йўқ, чунки биз ўзимиз, меҳнаткаш халқимизнинг вакиллари ўзимизнинг тор миллатчилик тенденцияларимизни йўқ қиламиз. Негаки биз, Туркистоннинг биринчи инқилобчилари, ҳеч қандай уламо ва қора муллардан қўрқмаймиз. Биз биринчи бўлиб уларга қарши байроқ кўтардик (қарсаклар) ва бу байроқни охиригача қўлдан туширмаймиз: ё ҳалок бўламиз, ё галаба қозонамиз. Ўртоқлар, бизда Туркистон шароитида икки фронтда кураш олиб боришга тўғри келмоқда. Бир томондан, ўз муҳитимиздаги қора муллар билан, бошқа томондан, маҳаллий европаликларнинг тор миллатчилигига қарши курашмоқдамиз. Туркистоннинг ҳақиқий аҳволини ўртоқ Зиновьев ҳам, ўртоқ Ленин ҳам, ўртоқ Троцкий ҳам билмайди. Сўнгги уч йил мобайнида Туркистон ўлкасида нима ишлар бўлаётганидан хабарлари йўқ. Очiq айтиш керакки, Туркистон аҳволининг ҳақиқий манзарасини тасвирлаб бериш зарур ва шундагина бизнинг дохийларимизнинг кўзи очилади. Ҳамда Туркистонга келиб, ишни тўғри йўлга соладилар.

Мен буларни туркистонлик ўртоқларнинг барчасига, ҳам партиясизларга, ҳам партиячиларга ҳавола қилмоқдаман.

Туркистон тарихи мусулмон дунёсининг бошқа қисмларида такрорланмаслиги учун мен ҳукуматимизни огоҳлантираманки, сўнгги уч йил давомида олиб борилаётган сиёсатнинг барча камчиликларини ҳаммамиз биламиз. Сўзимиз шуки, аксилинқилобчиларингизни йигиштиринг, миллий адоват уруғини сочаётган келгинди унсурларингизни йигиштиринг, эндиликда коммунизм ниқоби остида ишлаётган мустамлакачиларингизни йигиштиринг! (Ғулдурас қарсаклар, «браво» олқишлари.)

Ўртоқлар, мен кўп гапирмайман, фақат бутунжаҳон дохийси ўртоқ Лениннинг унинг ёлғизлиги ва биз унга баҳоли қудрат ёрдам беришимиз кераклиги ҳақидаги муқаддас сўзларини эслатиб ўтаман, холос.

Қаршингизда унинг машҳур сўзлари ва сиз уларни қалбингизга жойлагансиз. Ҳамда бу сўзлардан кейин Совет ҳокимияти бизга ёмонликни раво кўради деб ким айта олади? Эҳтимол, улар-



нинг орасида иғвогар, сафсатабоз демагоглар бордир, бироқ уларни худди аксилинқилобчиларни йўқотганингиз каби аёвсиз қириш керак.

Ошкор аксилинқилобчилар бизга қўрқинчли эмас, улар билан уруш фронтларида юзлашганмиз. Лекин, ўртоқлар, ораларингизда шундай шахслар борки, коммунизм ниқоби остида бутун Совет ҳокимиятини барбод қиляпти, унинг Шарқдаги барча сиёсатини бузаяпти. Шунинг учун биз қўрқмасдан баралла айтишимиз керак: Совет ҳокимиятининг бош ғоясини бузаётган бу иғвогарлар, сафсатабоз демагоглар йўқолсин! (Гулдурос қарсақлар, «йўқолсин» ҳайқириқлари.)

Ушбу сўзлардан кейин қуйидагиларни айтишим керак: Совет ҳокимиятининг Шарққа нисбатан назарий позицияси Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашлари учун мурожаатида жуда аниқ ифодаланган. Халқ комиссарлари совети ўртоқ Ленин имзоси билан 1917 йил ноябрда Россия ва Шарқ мусулмон меҳнаткашларига махсус чақириқ билан мурожаат қилди. Ушбу тарихий чақириқда Туркиянинг бўлиниши ва ундан Арманистонни тортиб олиш хусусидаги келишув йиртилиб йўқолгани, Истанбулнинг мусулмонлар ҳукми остида қолиши кераклиги ҳақидаги масалалар билан бирга қуйидагилар ҳам мавжуд: «Бундан буён сизларнинг эътиқодингиз ва урф-одатларингиз, сизларнинг миллий ва маданий муассасаларингиз озод ва дахлсиз деб эълон қилинади. Миллий турмуш тарзингизни эркин ва бемалол йўлга қўяверинг. Бунга сизнинг ҳаққингиз бор.



Боку. 1920 йил 4 сентябрь. Суратда чапдан биринчи Тошпўлатбек Норбўтабеков, иккинчи Нариман Нариманов ва бошқалар съезд президиумида

Сизлар ўзингиз ўз юртингизнинг эгаси бўлишингиз керак. Сизлар ҳаётингизни ўзингизга мос шаклда ташкил қилинглар».

Бундай сўзлардан кейин биз Совет ҳокимиятидан юз ўгиришимиз мумкинми? Съездга келаётганимизда йўлда бизга мусулмонлар рўбарў келиб шундай дедилар: бизнинг эътиқодимиз оёқости бўляпти, ибодат қилишга имкон бермаяптилар, вафот этганларни динимиз ва урф-одатларимиз бўйича дафн этишга йўл бермаяптилар. Буниси қандай бўлди? Бу меҳнаткашлар оммаси орасига аксилинқилобчиликни ёйишдан бошқа нарсаси эмас.

Балки, худди шундай ҳолат бошқа жойларда ҳам рўй бераётгандир, аммо мен партиясизлар номидан айтаманки, эҳтимол, коммунистлар ҳам бунга қўшилар, шу бугунги машҳур съезддан бошлаб бизнинг Совет ҳокимиятимиз Шарққа нисбатан муайян сиёсат олиб бориши зарур. Ўшанда Шарқ халқлари нафақат қоғозда, балки қўлларида қурол билан Совет ҳокимиятига қўшиладилар. Ана ўшанда дунёдаги бирон-бир мамлакат кўпмиллионли Шарқ халқлари оммасига, Россия пролетариати ва деҳқонларига қарши чиқа олмайди.

Яшасин мазлум Шарқ!

Яшасин бу бошланган ишларни сўзсиз бажарадиган ҳақиқий коммунистлар!

Яшасин бизнинг доҳийлар, жаҳон пролетариати доҳийлари Ленин, Троцкий, Зиновьев ва бошқа ўртоқлар».

Таджаев туркий тилга, бошқалар турк, форс ва чечен тилларига таржима қилган.

Тошпўлатбек Норбўтабековнинг бу жозибали, ниҳоятда адолатли нутқи съезд аҳлида жуда катта таассурот уйғотди. Ҳатто Туркиядан келган Анвар пошшога бу нутқ жуда кучли таъсир қилган ва унинг большевизм ҳақидаги фикрлари ўзгаришига кучли туртки берган. Буни хорижда яшаётган муҳожир Мустафо Чўқаевнинг Анвар пошшо вафотининг 10 йиллиги муносабати билан рус тилида битган мақоласидаги кичик бир лавҳадан ҳам аниқ билиш мумкин: «В России большевистский переворот... Брест-Литовский мир... Турецкие войска на Кавказе. Освобождение Баку... Провозглашение независимости Азербайджана... В Туркес-



А 328
ЛИЧНАЯ АНКЕТА. 328W

1. Имя и фамилия Ташпулат Нарбутабеков
2. Возраст 35
3. Национальность Турк
- 3а. На каком языке говорите, кроме родного Русский язык
4. Религия Мусульман
5. Семейное положение не замужем
6. Образование высшее
- 6а. Из какой страны Туркестанской автономной республики / Ташкент
7. В какой губернии родился Сыр-Дарьинская
- 7а. В деревне или в городе в городе
8. В какой губернии живете или работаете в Оренбургской
- 8а. В деревне или в городе в городе
9. К какому сословию или классу принадлежите интеллигент
10. Чем занимаетесь высший курс
11. Служили ли вы в армии и в какой нет
12. Принимали ли вы участие в революционном движении
 - а) когда 1915, 1917, 1918 где Самарканд, Астрахань
13. К какой партии принадлежите нет
14. Какой партии сочувствуете Абсолютно не сочувствую

Ташпулат

тане устанавливается кровавая диктатура русского хулиганствующего большевизма... Взоры нашего народа обращены в сторону Кавказа: может быть, оттуда придет турецкая помощь. Энвер пришлет свои войска... поражение Турции... Отход турецких войск из Кавказа... Пропавший было без вести Энвер очутился вдруг в Москве... Какое ликование у большевиков и какое разочарование у наших!.. Сентябрь 1920 г ... В Баку Съезд Народов Востока, организованный большевиками. Тогда Энвер еще не знал правды боль-

шевистской политики в Туркестане... Мне передавали, что речь туркестанского делегата Ташпулата Нарбутабекова на съезде произвела на Энвера большое впечатление и заставило его призадуматься над вопросом о возможности дальнейшего его прибывание в советской столице...

И вот поздней осенью 1921 г. Энвер внезапно появляется в Бухаре...»⁹

Тошпулат Норбутабековнинг ўзи ким эди?

⁹ Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жинағы. Он екі томдық, Алтыншы том. – Алматы, 2013. – С.301 – 302.



Акмал Икромов Ўзбекистон Компартияси V пленумида (1932 йил 13 июнь) сўзлаган маърузасида Ўзбекистонда инқилобга қадар ўзбеклар орасида атиги биргина олий маълумотли киши бўлиб, у Тошпўлат Норбўтабеков эканлигини айтганида залдагилар кулишганди. У, асли, тошкентлик бўлиб, 1898 йили Олмазор маҳалласида Тўраҳон домла хонадонидида қосиб оиласида туғилган, эски мактабда ўқиган, рус-тузем мактабини битирган, Тошкент гимназиясини тамомлаган, Петербург университети юридик факультетини, шунингдек, Ярославль музейини ҳам битирган. Қўқонда нашр этилаётган «Садои Фаргона» рўзномасининг 1915 йил 15 май саҳифасида Ашурали Зоҳирийнинг «Туркистонда биринчи юрист» мақоласи Тошпўлатбек Норбўтабековга бағишланади:

«Тошпўлатбек афанди шу йил 13 мартда 18-нчи рақамли фармойиш ила Тошкент шаҳрининг судьялик мансабига тайин бўлиниб, ҳозирдан тажриба (практика) учун Тошкент судейный палатасига қотиб (секретарь) вазафасини адо қилиб турадургон бўлди.

Тошпўлатбек афанди миллий тилни бир туркистонлик шаклий (яъни ўрисча аралашмасдан) гапиргани каби ўқимоқ, ёзмоқ, тўғрисида ҳам бир мулладан яхшироқ билади. Тошпўлатбек афанди Туркистоннинг туб ерли халқидан эллик йилнинг етиштирган мевасидир. Гарчанд шул қадар йилга нисбатан бу биргина қаноатлантиргудек бўлмади. Бу инсондаги йигитлардан 50 – 100-нчи умид этган бўлсак ҳам, бу Туркистоннинг Шўрои заминлигига қаралса, мақоламиз аввалидаги сўзлардек халқнинг ҳиссиз, шуурсиз, яна тўғриси, илм қадрини билмайдиргонлигига қаралса, шул биргинаки, минг баробарида суюниб, миллий ижтимоий минг ҳаёл шахримизда онгнинг ёрдамига таяниб ифтихор этмоғимиз ила баробар табрик этамиз. Шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, Тошпўлатбек афанди шахримизнинг Россия мансабдорлари, улуғ савдогарлари ораларида эътибори зиёда бўлгонидек, мусулмон савдогарлар ва ён шаҳар наздларида ҳам ҳурмати зиёдадир».

Кўриниб турибдики, Тошпўлатбек Норбўтабеков ўз даврининг етук билимдон кишиларида бири бўлган. 1924 йилда тўлдирган шахсий варақасидаги «Қайси тилларда эркин гаплаша

оласиз?» деган саволга: «Форс, рус, турк, қozoқ, ўзбек, француз, лотин тилларини биламан», – деб жавоб қайтарган. «Россиянинг қайси жойларини биласиз?» деган саволга жавобан эса: «Марказни, Москва, Петроград, Қрим, Одесса, Ярославль, Кавказорти, Батуми, Боку, Тифлисларни биламан», – деб ёзган экан. Тошпўлатбек Норбўтабековнинг сўнгги тақдири нима бўлганлиги тўғрисида бирор-бир аниқ маълумот йўқ. Шу муаммога айрим жавобларни Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати архивида сақланаётган Т.Норбўтабеков фаолиятига оид айрим ҳужжатлардан топишга муяссар бўлдик. Унда айтилишича, 1926 йил 25 мартда Самарқанд шаҳридаги (Ўзбекистон пойтахти – Р.Ш.) Ленин қўчасида Зиёвутдинов, Норбўтабеков, Исақулов (Ёқубжон – Р.Ш.), Холботиров (Шохрухмирза – Р.Ш.) ва фаргоналик бир киши кофе ичишади. Уларнинг олтинчиси хабар берувчилардан бири, «Миршаб» агентура марказининг ходими эди. Кофе ичилганидан сўнг улар «Қизил Ўзбекистон» редакциясига боришиб, суҳбатлашиш учун алоҳида бир хонани эгаллашади. Суҳбатда биринчи бўлиб Исақулов гап бошлайди. Шу суҳбатда агентнинг хабар беришича, Тошпўлатбек Норбўтабеков шундай деган: «Русларнинг ҳозирги сиёсати асрий миллий низо билан боглиқдир. Мусулмонларга нисбатан бу нафрат, низо узоқ даврлардан бери юз бермоқда. Улар Темурнинг Москвага ҳужум қилиб киргани ва кўплаб русларни ўлдирганини хотирадан ҳеч қачон чиқара олмайдилар. Шу боисдан биз учун бирдан-бир энг ишончли умид хорижий давлатлардир, биз улардан ёрдам ҳам кутмоғимиз зарур. Агар худо хоҳласа, улар бизларни бу мустамлакачилар зулмидан халос этадилар. Файзулла Хўжаев ва Хидиралиевлар гафлатда қола олмайдилар, масалани кенгроқ қўядилар ва масала ижобий маънода ҳал этилажак». Тошпўлатбек Норбўтабеков ижтимоий-сиёсий портретига оид бу каби чизиқлар ҳали кўп топилишига шубҳамиз йўқ. Кимда-ким унинг кейинги тақдиридан хабардор бўлса, ана шулар ҳақида ёзиб, «Водийнома» журнали таҳририятига юборишини илтимос қиламиз.

Давоми келгуси сонда



«АХСИКЕНТ»

АРХЕОЛОГИЯ ОБЪЕКТИНИ ЎРГАНИШ ВА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Абдулҳамид АНАРБАЕВ, тарих фанлари доктори

Фаргона водийси илк палеолит давридан бошлаб ибтидоий одамлар яшаган макон бўлган. Бу ҳақида Жанубий Фаргонанинг Сўх воҳасидан топилган тош қуроллар гувоҳлик беради. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларга қараганда, Шимолий Фаргона, яъни ҳозирги Наманган вилояти ҳудуди сўнгги палеолит давридан ўзлаштирила бошланган. Аниқроқ қилиб айтганда, бундан 40 – 50 минг йил аввал Ғовасой ва Косонсой ирригация районларида сўнгги палеолит даври одамлари яшаган.

Милоддан аввалги III мингинчи йилларнинг иккинчи ярмида Ғовасой ирмоқларидан бири ҳисобланган Чустсойнинг адирорти микровоҳасида Фаргона водийсида биринчи бўлиб илк сугорма деҳқончилик йўлга қўйилади ва ҳозирги Чуст шаҳрининг шимолидаги Буванамозор ёдгорлиги ўрнида дастлабки деҳқончилик манзилгоҳи шаклланади (Анарбаев, 2017. С.89). Милоддан аввалги II мингинчи йилларнинг иккинчи ярмига келиб водийнинг бошқа дарё ва сойлари ҳавзаларининг адирорти микровоҳаларида ҳам энг қулай ерлар ўзлаштирилиб, сугорма деҳқончилик йўлга қўйилади ва қатор манзилгоҳлар пайдо бўлади. Шу

асосда Чуст, Далварзин, Ашқолтепа каби илк шаҳар типидagi қароргоҳлар («протогород») шаклланади (Заднепровский, 1997. С.102 – 103; Анарбаев, 2013. – С.9). Милоддан аввалги X – IX асрларда Шарқий Фарғонада Оқбура ва Аравонсой, Шимолий Фарғонада Косонсойнинг ирмоқлари асосида илк каналлар қурилади (Анарбаев, 2017. С.101). Натижада юзлаб гектар янги ерлар ўзлаштирилади. Хусусан, Сирдарёнинг ўнг соҳили бўйлаб ястаниб ётган унумдор пасттекисликларнинг сугориш учун қулай ерлари ўзлаштирилиб, деҳқончилик қилинади. Бу ҳақда Эски Аҳси ёдгорлиги тагидан ва унинг атофида аниқланган агроирригацион қатламлар ҳамда топилмалар гувоҳлик беради. Бунга ўхшаш ҳолат Фарғона водийсининг қолган ҳудудларида ҳам юз беради. Оқбура ва Аравонсойнинг дельта қисмидаги ирмоқлари ўрнида Андижонсой ва Шаҳрихонсой каби каналлар қурилади. Маргилонсой воҳасининг Симтепа микровоҳасидаги Симтепа ёдгорлиги тагидан ҳам ушбу даврга оид агроирригацион қатламлар топилган. Кейинчалик, илк темир давридан бошлаб водийнинг дарё ва сойлари ҳавзаларида шаҳарлар ҳамда урбанизациялашган қароргоҳлар қурилади. Бунга Чуст маданияти негизида шаклланган Эйлатан, Қирқхўжа ва Симтепа ёдгорликлари ўрнидаги шаҳар ва шаҳар типидagi қароргоҳлар яққол мисол бўла олади. Милоддан аввалги III – II асрлардан бошлаб Фарғона водийсининг дарё ва сойларининг адир оралиқ ва дельта қисмларида янги ерлар ўзлаштирилиб, янги шаҳарлар ва урбанизациялашган қароргоҳлар қури-



лади. Улар ичида Эски Ахси ёдгорлиги ўрнида милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярмида 40 гектардан зиёд майдонда Фаргона давлатининг пойтахти Фаргона (хитойча «Юан») шаҳри қурилганлиги алоҳида аҳамият касб этади. Маълум бўлишича, Ахсикат (Ахсикент) шаҳри қадимдан то IX асрнинг биринчи ярмигача Фаргона, IX асрнинг иккинчи ярмидан то XI асрнинг ўрталаригача Фаргона-Ахсикат, XI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мўғуллар босқинигача Ахсикат деб аталган. Мўғуллар босқинидан сўнг шаҳар ҳозирги Ахси қишлоғи яқинидаги Янги Ахси ёдгорлиги ўрнига кўчади. Бу ерда шаҳар то XVII асрнинг ўрталаригача, яъни кучли зилзилагача фаолият кўрсатиб, манбаларда Ахсикат, Ахси, баъзида Ахсикент деб тилга олинади. Ҳозирги кунларда ушбу шаҳарнинг номи маҳаллий халқ орасида Эски Ахси, Янги Ахси, Ахси ёки Ахсикент номи билан сақланиб қолган (Анарбаев, 1988; Анарбаев, 2013).

Дастлаб шаҳар икки қисмдан иборат бўлган: арк (қалъа) ва шаҳристон (Ахси IA, Ахси IB), кейинчалик, милоддан аввалги II асрда 10 гектарга яқин майдонда ҳунармандлар шаҳри «рабод» (Ахси II) пайдо бўлади. Натижада шаҳар 3 қисмдан иборат бўлиб, майдони 50 гектардан ошиб кетади. Илк ўрта асрларда шаҳар шарқ томонга кенгайиб, майдони тахминан 70 гектарга яқинлашади. Ривожланган ўрта асрларда унинг майдони 400 гектардан ошиб кетиб, ўз даврининг «мегаполиси»га айланади. Ҳозирги кунларда ундан 60 гектарга яқин жой сақланиб қолган, холос.

Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқ билан Ғарбни богловчи муҳим бўғин вазифасини ўтаб келган Ахсикент шаҳри ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихининг ажралмас қисми сифатида ўзига хос тарих ҳамда ривоятларга эга. Ушбу пойтахт шаҳар асосида 2017 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «**Ахсикент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуасини** ташкил қилиш тўғрисида 831-сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарордан келиб чиқиб Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Ахсикент ёдгорлиги асосида

«Ахсикент» археология мероси объектини муҳофаза қилиш ва тадқиқ этиш ёдгорлик мажмуаси ташкил этилди. Мажмуа, асосан, икки қисмдан иборат бўлади: **музей ва осмон остидаги кўргазма.**

I. Музей.

II. Осмон остидаги кўргазма.

I. Музей экспозициясининг асосий мақсади:

- Шимолий Фаргонанинг Ғовасой ва Косонсой воҳаларининг сўнгги палеолит давридан бошлаб инсон томонидан ўзлаштирилиш тарихини археологик материаллар билан кўрсатиш;

- Ғовасой ва Косонсой воҳаларида илк сугорма деҳқончилик маданиятининг шаклланиш ва ривожланиши тарихини кўрсатиш;

- Шимолий Фарғонада урбанизация жараёнларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини бериш;

- Фарғона (Ахсикат-Ахсикент) шаҳрининг пайдо бўлиши ва тарихий топографиясини кўрсатиш;

- Шаҳарнинг моддий, маданий меросини ҳар томонлама ёритиб бериш;

- Шаҳарнинг этномаданий ва диний бағрикенглик ва ижодий ҳамжиҳатлик маркази бўлганлигини акс эттириш;

- Фарғона-Ахсикент, Боб (Поп) ва Косон шаҳарларининг Буюк ипак йўлидаги ўрнини акс эттириш;

- Шаҳарнинг ўзбек миллий ҳунармандчилиги ривожланишида тутган ўрнини кўрсатиш.

Музей 3 қаватли бўлиб, биринчи қаватда Фарғона-Ахсикент шаҳри харобаларидан топилган архитектура қолдиқларининг (мудофаа деворлари, ерости водопроводи, ерости гумбазли хона, тураржойлар, устахоналар, тураржойлар, казарма, ҳаммом, тазарлар) тикланган кўринишдаги нусхалари (копия) замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда берилади. Шу ернинг ўзида ёдгорликнинг кўринишлари, қазишма жараёнларининг рангли расмлари ҳам кўрсатилади. Фарғона водийсидаги қадимги шаҳарлар ва уларнинг Буюк ипак йўлидаги ўрни даврма-давр рангли карталарда берилади. Қадимги Поп (Боб) шаҳри харобалари бўлиши Қирққужра, Баландтепа



ва Мунчоқтапа ёдгорликларида топилган олов ибодатхонасининг кўриниши, саганаларнинг очилиши ва Муттепа-Муғқалғадаги қадимги Косон шаҳрининг жойлашуви ҳамда кўринишлари замонавий технологиялар ёрдамида акс эттирилади. Шу билан бирга, Фаргона-Ахси-кентда тугилиб вояга етган йирик алломаларнинг расмлари ва уларнинг асарларидан парчалар берилади.

Музейнинг иккинчи қаватида Марказий Фарғонадаги мезолит-неолит даврига оид ибтидоий деҳқончилик (термачилик), Чуст маданиятига тегишли илк суғорма деҳқончилик ва урбанизация жараёнлари космосдан олинган расмлардан фойдаланган ҳолда карта-схемалар ва тикланган ландшафтлар кўринишда замонавий технологиялар ёрдамида кўрсатилади. Ғовасой ва Косонсой воҳаларидаги урбанизация жараёнлари, Эски Ахси (Ахси-кент) ёдгорлиги ва унинг атрофидаги шаҳарлар харобаларидан қазиб олинган археологик топилмалар даврма-давр хронологик тарзда намоиш қилинади.

Қадимги давр

Марказий Фарғона мезолит-неолит даврларидаги илк ибтидоий деҳқончилик (термачилик) рангли расмларда қадимги давр ландшафти кўринишда берилади.

Ғовасой ва Косонсой воҳаларининг адирорти қисмидаги энг қулай ерларнинг ўзлаштирилиши, суғорма деҳқончилиكنинг йўлга қўйилиши ва ривожланиши намоиш этилади. Хусусан, Ғовасой воҳасида Чустсой микровоҳасининг ташкил топиши, Бувонамозор ёдгорлиги ўрнида милoddан аввалги III мингинчи йилларнинг иккинчи ярмида илк деҳқончилик қароргоҳининг пайдо бўлиши карта-схема ва ўша давр ландшафти кўринишда берилиб, уларни тушунтириш текстлар билан таъминланади. Милoddан аввалги II мингинчи йилларнинг иккинчи ярмида Фарғона водийси дарё ва сой ҳавзаларининг адирорти қисмидаги энг қулай ерлар ўзлаштирилиб, суғорма деҳқончилик йўлга қўйилади ва аста-секин кенгаяди. Жумладан, Қорадарё ва Ғовасой во-

ҳаларининг адирорти микровоҳаларида урбанизация жараёнлари шаклланиб, Чуст, Далварзин, Ашқолтепа каби илк шаҳар типидagi қароргоҳларнинг (протогород) пайдо бўлиши ва жойлашиши ўша давр ландшафти ва карта-схема кўринишда берилади. Шу даврга оид археологик топилмалар ҳам намоиш этилади.

Милoddан аввалги X – IX асрлардан бошлаб Ғовасой, Косонсой, Оқбура, Аравонсой каби дарёларнинг дельта қисмлари ўзлаштирилиши ва илк каналларнинг пайдо бўлиши карта-схемаларда берилади. Бундай улкан ишларнинг бошида сиёсий уюшмалар, яъни илк давлатлар турган бўлиши керак. Булар музей кўргазмасидан карта схемалар кўринишда жой олади. Милoddан аввалги VI – V асрларда Ғовасойнинг ирмоғи Олмоссойнинг дельта қисмида Қирқхужра ёдгорлиги ўрнида 20 гектарга яқин майдонда Боб (Поп) шаҳри қурилади. Космосдан олинган расмлар ва топографик карталар ёрдамида Олмоссой дельта қисмининг ирригация схемаси, шаҳарнинг жойлашиши ва топографияси замонавий технологиялар ёрдамида берилади. Шаҳарнинг космосдан олинган расми, топографик картаси, археологик объектлар ва улардан топилган артефактлар даврма-давр замонавий кўринишда намоиш этилади.

Антик давр

(милoddан аввалги IV асрнинг охири – милoddнинг IV асри)

Милoddан аввалги III асрнинг иккинчи ярмида Фарғона давлатининг («Дайюан», «Давон») пойтахти, Сирдарёнинг ўнг соҳили бўйлаб ҳозирги Эски Ахси ёдгорлиги ўрнида 40 гектардан зиёд майдонда Фарғона (хитойча «Юан») шаҳри қурилади. У дастлаб арк ва шаҳристондан иборат бўлган. Шаҳристоннинг ўзи иккига бўлинган (Ахси IA, Ахси IB). Милoddан аввалги II асрда шаҳристоннинг гарбида 10 гектарга яқин майдонда ташқи шаҳар («рабод») шаклланади. Энди шаҳар 3 қисмдан иборат бўлиб, майдони 50 гектардан ошиб кетади. Ушбу антик давр шаҳри ўрта асрлар шаҳрининг та-



гида бўлганлиги учун уни ўрганиш анча қийин. Лекин, шунга қарамай, шаҳарнинг 5 та ерида стратиграфик қазилмалар ёрдамида унинг қадимги давр топографияси ва хронологияси ўрганилди. Натижада арк ва иккинчи шахрстонда маҳобатли мудофаа девор қолдиқлари топилган. Қазилмалар вақтида моддий маданият қолдиқлари ҳам қўлга киритилган. Буларнинг ҳаммаси космосдан олинган расмлар ва топографик карта-схемалар ёрдамида даврма-давр замонавий технологиялар ёрдамида ва керакли тушунтирувчи текстлар билан таъминланган ҳолда намойиш этилади. Шу билан бирга, бу ерда Қирқхужра (қадимги Поп) ёдгорлигидан топилган артефактлар ҳам ўрин олади.

Милоддан аввалги I асрнинг 90-йилларидан кейин Фаргона давлатининг сиёсий ҳаётида ўзгаришлар юз бериб, унинг тепасига кўчманчи юечжи қабилаларининг вакиллари келади. Янги ҳукмдорлар Муғтепа (қадимги Косон) ёдгорлиги ўрнида ўзларига пойтахт қурадилар. Ёдгорлик топографиясига қараганда подшо шаҳарнинг ўртасида махсус шоҳона чодирда яшаганга ўхшайди. Бу ерда шаҳарнинг жойлашиши, топографияси ва кўриниши янги технологиялар ёрдамида берилади.

Хитой манбаларида берилган маълумотлар ва археологик тадқиқотларга асосланиб Буюк ипак йўлининг Фаргона орқали ўтган тармоги шимолий, жанубий йўналишлари ва уларнинг ўзаро боғланишлари рангли картада кўрсатилади. Бу даврда Фаргона Хитойга самовий тулпорлар, ҳар хил мевалар ва пахта етказиб берган. Хитойдан эса ипак матолар ва бронзадан ясалган ҳар хил буюмлар олинган. Хитой йилномаларида Фаргонанинг самовий тулпорлари ва узуми ҳақида қуйидагилар таъкидланади: фаргоналиклар узумдан тайёрланган майни (вино) қандай яхши кўриб ичса, уларнинг отлари («тяньма») ҳам бедани («мус су») худди шундай яхши кўриб еган. Хитойликлар Фаргонадан фақат самовий отлар эмас, балки уларнинг емиши бедани ва фаргоналикларнинг сеvimли меваси узумни ҳам олиб бориб император саройига экишган. Буларнинг ҳаммаси кўргазмада ўз аксини топади.

Пойтахт шаҳар Фаргона-Ахсикент ва унинг атрофидаги шаҳарлар илк ўрта асрларда

Милоднинг VII асри бошларигача Фаргона водийсининг сиёсий пойтахти Муғтепа-Мугқалъада жойлашган бўлишига қарамай, Фаргона (Ахсикент) шаҳри Фаргона водийсининг иқтисодий ва маданий маркази бўлиб қолаверган. VII – VIII асрларда Фаргона шаҳри ўз сиёсий мавқеини тиклаб олади. Бу даврда шаҳар шарқ томонга кенгаяди. Кўргазмада шаҳар топографияси: тарх, мудофаа деворлари, тураржойлар берилади. Шу даврга оид археологик артефактлар (сопол идишлар, жанговар қуроллар, меҳнат қуроллари ва бошқалар) намойиш этилади. Қадимги Косон (хитой манбаларида «Гуйшуан») харобалари Муғтепа ва Муғқалъанинг топографияси (плани, мудофаа деворлари ва бошқалар) қадимги давр ландшафти кўринишида кўргазмада акс эттирилади.

Илк ўрта асрларда Поп Баландтепа ва Мунчоқтепа ёдгорликлари ўрнида бўлган, яъни милоднинг IV асри охириларида Қирқхужрадан шаҳар бу ерга кўчади. Кўргазмада Баландтепа ва Мунчоқтепанинг тарҳи, у ерда очилган хумдонлар, шаҳар некрополи ва қазилмаларнинг кўринишлари берилади. Шаҳар некрополдан топилган бой археологик топилмалар намойиш қилинади. Жумладан, сопол идишлар, хилма-хил тўқилган саватлар, жанг ва меҳнат қуроллари, аёлларнинг буюмлари ва ранг-баранг зебу зийнат буюмлари кўрсатилади. Улар орасида Ҳиндистон, Қора денгизбўйи мамлакатлари ва Узоқ Шарқдан келтирилган мунчоқлар ҳам бор. Маҳаллий ва хитой ипак матоларининг қолдиқлари ҳам намойиш этилади. Шу билан бирга, Мунчоқтепа материаллари асосида Фаргона халқларининг диний багрикенглиги ҳам ўз аксини топади. Бу даврда Евроосиё халқларининг ўзаро алоқалари янада кенгаяди. Суғд-турк савдогарлари шарқда Хитой орқали Курия-Силла (Корея) ва Япониягача, гарбда Ўрта ер денгизибўйи давлатларигача, Эрон, Ҳиндистон, Цейлонгача бориб, ўзаро савдо алоқаларини доимий мулоқот йўлига айлантиришга эришадилар. Буюк ипак йўли



орқали ипак матолар, қимматбаҳо буюмлар, рангли шишадан тайёрланган мунчоқлар, дори-дармонлар, ҳар хил ичимликлар, самовий тулпорлар ташилган. Афсоналарга бой бу йўл бўйлаб дин тарғиботчилари, қўли гул ҳунармандлар, муסיқачилар ва актёрлар саёҳат қилишган. Бунда Фаргонанинг ҳам ўзига хос ўрни бўлган. Хусусан, Фаргонадан Хитойга мевалар, пахта ва пахта матолари, самовий тулпорлар жўнатиш давом этган (Анарбаев, 2013. С.2 – 14). Буларнинг ҳаммаси кўргазмада ўз аксини топади. Буюк ипак йўлининг йўналишлари ва ундаги Фаргонанинг ўрни рангли хариталарда берилади.

Фаргона-Ахсикент ривожланган ўрта асрлар даврида

Араблар босқинидан кейин Тоҳирийлар, сўнгра Сомонийлар давлатининг ташкил топиши Фаргона халқлари ҳаётида ҳам сиёсий барқарорликни таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ва маданий юксалишга олиб келади. Бундай вазият Қорахонийлар давлати даврида ҳам ўзгармайди. Цивилизациянинг асосий мезони ҳисобланган шаҳарлар, айниқса, пойтахт шаҳарлар тез тараққий этади. Хусусан, пойтахт шаҳар Фаргона-Ахсикент бу даврда гуллаб-яшнайдди. Унинг майдони 400 гектардан ошиб кетиб, ўз даврининг «мегаполиси»га айланади. Кўргазмада шаҳар топографияси даврма-давр берилиб, унда шаҳарни сув билан таъминлаган ерости водопроводи, ҳовузлар, дунёга «Дамашқ қиличлари» номи билан машҳур бўлган қуроллар ясалган устахоналар, бозорлар, мудофаа иншоотлари, ерости қурилмалари, жомеъ масжиди, тураржойлар, ҳаммомлар, канализация иншоотлари ва бошқаларнинг қазиишмадан кейинги кўринишлари, чизмалари ва тикланган нусхалари берилади. Хусусан, X асрда шаҳарга 16 км масофада ҳозирги Тўрақўргон шаҳри ичидан оқиб ўтаётган Косонсойдан пишиқ гиштдан тунел кўринишда қурилган ерости водопроводи орқали сув олиб келинган. Шаҳар ичида ҳам сув худди шундай ерости водопроводи орқали тақсимланган. Шаҳар ичидаги водопровод ҳозирги метро услубида қурилганлиги кишини

ҳайрон қолдиради. Унинг қолдиқлари шаҳристоннинг 3 жойида очиб ўрганилган бўлиб, улар кўргазмада ўз аксини топади.

Бу даврда Фаргона-Ахсикентда тошга урса кесадиган, дунёга «Дамашқ қиличлари» номи билан машҳур қуроллар тайёрланган. Бундай қуролни ясаш учун тоза пўлат («булат») керак бўлган. Тоза пўлатни Ахсикент металлурглари ўта мураккаб технология орқали қўлга кириштишган. Шунинг учун уни сир сақлашган. Устаси фаранг Ахсикент ҳунармандлари тайёрлаган қуроллар Шарқда Хитой, Фарбда Дамашқ бозорларида сотилган. Бундай қуролларни тайёрлаган устахоналар ва пўлат ишлаб чиқаришнинг қолдиқлари ёдгорликнинг 50 гектардан зиёд майдонида кузатилган. Археологик қазиишмаларга асосланиб устахоналарнинг макетлари ясалади, уларнинг ички интерьерлари тикланади. Буларнинг ҳаммаси кўргазмада замонавий технологиялар ёрдамида ўз аксини топади. Шу билан бирга, қазиишмалар даврида топилган археологик артефактлар даврма-давр, керакли тарихий текстлар билан таъминланган ҳолда намойиш этилади.

Надо заметить, что царская власть подходила к этому вопросу несколько осторожно, тогда как советская власть была настроена агрессивно, заявляя, что она ведет решительную борьбу в Казахстане и других национальных республиках Союза с самым реакционным проявлением национализма. Первый руководитель казахстанской партийной организации Ф.Голощекин, выступая на 6-ой Всеказахской конференции ВКП(б) (1927 г.), в резких тонах высказывается о своем неприятии по отношению к патриотически настроенной части национальных кадров в республиканском руководстве. Он, разумеется, не смог бы этого сделать, не получив одобрения со стороны московского высшего руководства. Он говорил: «Ну, а национализм наших баев, буржуазной интеллигенции, у них он какой, невиненький? Не наступательный? Посмотрите, как в период Октября и после Октября этот националистический щенок вырастает в очень большую националистическую собаку (смех). Есть разные национализмы. Есть «национализм» в ковычках, т.е. стремление к равноправию, здоровый, правильный и мы ему

должны помогать, а по националистической верхушке байских идеологов надо бить» [16].

На этой же конференции Ф.Голощекин проявляет крайнее раздражение по поводу того, что якобы А.Байтурсунов, руководитель Академического центра, имеет больше влияния на Народный комиссариат просвещения, чем Краевой комитет партии, находя в этом что-то неладное [17]. Ф.Голощекин, однако, не сказал, в чем выразилось это влияние. Скорее всего, его раздражали слухи, связанные с поведением С. Садвокасова³, Наркома просвещения республики, который выступал основным оппонентом первого секретаря в составе бюро Крайкома и отличался независимым нравом.

Кстати, с подачи Ф.Голощекина и казахстанского ОГПУ советские силовые органы по казахской интеллигенции били так, что казахский народ потерял свое политическое руководство, сложившееся в процессе длительной и неравной борьбе с царизмом. Первое поколение политических деятелей по-настоящему давало народу веру в свои силы и уверенность, они как бы зажгли в его душе огонь надежды на будущее. И все это жестоко и цинично было загублено самонадеянными действиями большевистской власти. Это должно быть оценено как беспрецедентное насилие над здравым смыслом. Как верно заметил профессор Кельнского университета А.Каппелер, после политических репрессий 20 – 30-х гг. казахский народ надолго лишился своей политической элиты и был поставлен под опеку со стороны Центра [18].

Теперь о том, в чем разошлись лидеры казахского национально-освободительного движения с большевизмом. Как известно, советская власть, сняв с повестки дня вопрос о предоставлении казахскому народу самоопределения на национальной основе, навязали ему автоно-

³ Садвокасов Смагул (1900 – 1933 гг.) – в 1921 – 1927 гг. занимал различные ответственные должности в республиканском руководстве, в 1925 – 1927 гг. Нарком просвещения республики. Он автор известного письма в Президиум ВЦИК и ЦК РКП (б) (декабрь 1921 г.), где он имея в виду человеческие потери в Казахстане и Туркестане в результате голода 1918 – 1921 гг. и в этом контексте подвергая резкой критике проявления великорусского шовинизма на местах, отметил, что «ни в какой марксистской литературе не сказано, что через трупы угнетенных наций рабочий класс цивилизованных народов достигает царства коммунизма». Архив КНБ РК по г. Алматы. Ф.6. арх. №04693. Т.14. Л.13.



мию на классовой основе. Насколько правомерно было решение вопроса с этой позиции?

Да, в этом вопросе лидеры казахского национально-освободительного движения старались быть понятыми новой властью в своих намерениях, т.е. они стояли на позиции возрождения своей национальной государственности на автономных началах, что казахское общество совершенно не готово к немедленному размежеванию на основе классовых различий.

Тем не менее, уже в первые месяцы советские органы приступили к ликвидации казахских комитетов и других национальных учреждений, появившиеся в казахских областях после падения царского режима. Эти меры сопровождались репрессиями по отношению к активистам национальных организаций. В связи с чем с различных центров казахского края в центральные органы власти поступали протесты с требованиями остановить эти необоснованные действия. Вынужденный считаться со сложившейся сложной ситуацией в казахских областях Народный комиссар по национальным вопросам И.Сталин 4 апреля 1918 года из Москвы вызывает на переговоры по телефону А.Букейханова. На переговоры со Сталиным от правительства Алаш-Орды выходит Х.Габбасов [19]. Позже, т.е. в 1929 году находясь в тюрьме, Х.Габбасов, излагая содержание переговоров со Сталиным, показывает: «Я подтвердил, во время переговоров по проводу, тов. Сталину ранее поданные жалобы на действия местного Совдепа и настаивал на необходимости скорейшего осуществления идеи самоопределения наций, согласно провозглашенной Соввластью декларации о самоопределении. Точно не помню, но я выдвинул 14 пунктов, заключавших, в основном восстановление ликвидированных казахских учреждений, организацию национальной автономии в рамках Советов, освобождение арестованных деятелей казахского народа» [20].

Существенным фактом в показании Х.Габбасова является следующее положение, где он в определенной степени излагает общую позицию руководителей казахского освободительного движения на тот момент: «Общая моя

идеология в то время, – писал он начальнику Восточного отдела ОПП ОГПУ Петрову, – питалась и обуславливалась общественной психологией того времени, формировавшейся на фоне исторической обстановки, векового гнета казахского народа в целом и низком уровне культурно-экономического его бытия. Этим основным моментом определялось то, что народ в моем представлении тогда был целым и неделимым и то, что я в своей политической деятельности (совместно с другими) руководствовался исключительно общенациональными мотивами, хотя я внутренне сознавал и отчетливо знал и наличие внутри его (народа) социальных неравенств и ... характерных черт классового общества.

Кроме того, указанным обстоятельством и неверием в созидательную силу Октябрьской революции, обуславливается так же те уклоны, которые в прошлом мы допустили в поисках возможностей для самоопределения казахского народа как необходимой базы для его действительного раскрепощения и культурно-экономического роста в дальнейшем» [21].

А.Байтурсунов в 1919 году, находясь в Москве и работая в составе Казахского военно-революционного комитета, опубликует статью «Революция и киргизы (казахи)», где он также останавливается на этом вопросе.

«Первая революция (февральская 1917 г. – М.К.) была правильно понята, – писал он, – и с радостью встречена киргизами потому, что, во-первых, она освободила их от гнета и насилий царского правительства и, во-вторых, подкрепила у них надежду осуществить свою заветную мечту – управлять самостоятельно. То, что вторая революция (октябрьская 1917 г. – М.К.) показалась киргизам непонятной, объясняется просто: у киргизов нет капитализма, ни классовой дифференциации; даже собственность у них не так резко разграничена, как у других народов: многие предметы потребления считаются у них общественным достоянием» [22].

Следует отметить, что именно это положение в статье А.Байтурсунова вызвало резкую критику и дискуссию со стороны идеологов со-



ветской власти. На самом деле здесь не было ни тени скрытности, наоборот оно веяло открытостью, желанием быть понятым. Автору статьи было важно донести до советского руководства мысль, что казахское общество нуждается не в изгнании из своей среды баев-эксплуататоров, в классовой борьбе, а в большей степени нуждается в освобождении от насилия царских чиновников, быть защищенными на своей земле, решать свои проблемы через восстановление своих государственных учреждений.

Однако, с первых дней своей власти большевистское руководство было настроено против казахской интеллигенции с дореволюционным опытом видя в ней конкурента на власть и продолжал принимать по отношению к ней репрессивные меры. Решительно протестуя этим необоснованным действиям властных органов, ряд интеллигентов (Ермеков, Ауэзов и др.) 13 марта 1920 года обратились в Казревком с телеграммой, где было заявлено, что казахская интеллигенция «органически связана со своим народом», что она «стоит на национальной платформе» и преследование ее несет непоправимый ущерб строительству нового общества [23].

Здесь нетрудно заметить несовпадение взглядов и позиций большевистского руководства и лидеров казахского национально-освободительного движения в вопросе о характере политической власти. Противоречие между ними носило принципиальный характер и оно, как показал ход событий, нашло решение не демократическими путями, а насильно, через репрессивные меры, принятые со стороны советской власти.

Между тем, позиция лидеров Алаш с неизбежностью вытекала из природы освободительного движения на этом историческом этапе борьбы и находилась в русле национально-освободительных движений в других странах. Так, например, Аугусто Сесар Сандино, лидер никарагуанского народа, достаточно ясно и убедительно заявлял, что имеются силы, которые хотели бы придать освободительному движению, руководимый им, клас-

совую направленность, тогда как оно носит антиимпериалистический, антиколониальный характер [24].

Таким образом, руководители Российской коммунистической партии, пользуясь своим военно-политическим превосходством, сделали все, чтобы отлучить казахское национально-освободительное движение от его конечной цели – возрождение национальной государственности. При этом намеренно искажив суть явления, назвав освободительное движение народа за свою независимость буржуазно-националистическим движением. Прав был А.Валиди Тоган, который в своем письме В.И.Ленину, отмечая об открытом попрании прав тюркских народов Советской властью, писал, что «РКП лучше говорить о спасении народов в далеких от России странах Азии и Африки» [25].

Прямое отношение к рассматриваемой теме имеет вопрос о легитимности правительства Алаш-Орды. Советская историография казахских съездов, состоявшихся в 1917 – 1918 гг., созданных по решениям этих съездов казахских комитетов, партию Алаш и правительство Алаш-Орды назвала образованиями националистического, контрреволюционного содержания, с целью приостановления «триумфального шествия Советской власти в Казахстане, отрезать Казахстан и Среднюю Азию от центра страны, а затем использовать людские и материальные ресурсы региона для развертывания наступления на Советскую Россию» [26].

В «Очерках истории коммунистической партии Казахстана» отмечается, что образование правительства Алаш-Орды якобы «вызвало возмущение большинства казахских трудящихся», назвав ее создателей злейшими врагами казахского народа [27].

Сегодня, конечно, ни у кого не вызывает сомнения, что советская историография, прибегая к этим утверждениям, выполняла идеологический заказ партии. В этом контексте мы пока что находимся на начальном этапе распутывания множества узелков, сплетенных советской историографией в прошлом веке. И один из этих узелков связан с историей Алаш. В этой связи следует отметить следующее.



Во-первых, организация и проведения второго общекзахского съезда 5-13 декабря 1917 года было вызвано необходимостью.

Во второй половине 1917 года в результате внутренних беспорядков и поражения в войне в огромной Российской империи происходил процесс распада. К концу октября Временное правительство пало и приход к власти большевиков еще не означал установления единовластия в стране. Страна шла к гражданской войне между враждующими силами. В условиях всеобщей анархии политическому руководству казахского общества ничего не оставалось кроме как проявить инициативу и созвать очередной общекзахский съезд для принятия решения по защите национальных интересов.

Аналогичное явление наблюдалось во всех национальных регионах империи. В этом контексте переход казахской, башкирской и других политических элит к мерам по защите общенациональных интересов являлось вполне обоснованным явлением.

В российской империи происходил распад общества, как это верно заметила профессор Семенникова Л.И., по линиям межцивилизационных границ [28]. Районы, заселенные тюркскими народами, отходили под угрозой обрусения. Помимо этого, казахов пугала массовая передача плодородных, пригодных для земледелия земель переселенцам из внутренних губерний России.

Во-вторых, второй общекзахский съезд, образовавший правительство Алаш-Орды, был создан традиционно принятых в казахском обществе с древних времен, условиях. Примерно в октябре 1917 года была создана комиссия из пяти человек (А.Букеханов, А.Байтурсунов, М.Дулатов, С.Досжанов и Е.Омаров), на которую была возложена обязанность организации общекзахского съезда. Позже комиссия была дополнена еще несколькими лицами. В газете «Казах» было опубликовано обращение организационной группы казахскому и кыргызскому народам [29], в котором была изложена цель и задачи съезда. В обращении была выражена просьба делегировать на съезд для обсуждения

неотложных для общества вопросов своих достойных представителей. Кроме этого были отправлены персональные приглашения на имя лиц, пользующихся в обществе авторитетом и влиянием. Газета «Казах» опубликовала протокол заседания общекзахского съезда, где по фамильно были названы все участники съезда. Внимательно ознакомившись со списком делегатов съезда можно легко убедиться в широкопредставительном их характере и преднамеренном искажении социального состава съезда советской историографией [30].

В-третьих, общенациональный курултай принимает решение об образовании автономии Алаш и избирает ее правительство под названием Алаш-Орда в составе 15 человек с председателем А.Букейхановым. Десять мест в составе правительства было предоставлено русским и другим народам, живущим среди казах-киргиз. В постановлении съезда отмечалось, что в условиях, когда «анархия растет с каждым днем и угрожает распространиться на территорию тех областей, где живут казах-киргизы, что волна анархии угрожает опасностью жизни и имуществу населения областей казах-киргизского народа... «Алаш-Орда» должна немедленно взять в свои руки всю исполнительную власть над казах-киргизским населением» [31].

Здесь напрашивается вопрос: намерения и деятельность национальной интеллигенции насколько была понята народом? В этой связи приводим результаты выборов депутатов во Всероссийское учредительное собрание от партии Алаш.

Список кандидатов в депутаты в Учредительное собрание от партии Алаш с приложением краткой характеристики к каждому из них были опубликованы в газете «Казах» от 19 и 28 октября 1917 года. В числе кандидатов в депутаты были русские (Шебакин, Шендриков, Шкапский, Бабкин, Пропков), кыргызы (Дур Сауранбаев) [32].

В результате выборов, прошедших в конце ноября и начале декабря 1917 года за блок партии «Алаш» отдали свои голоса по Семиреченской области – 57,5%, по Тургайской и Уральской областям – 75,0% избирателей. В

отдельных уездах эти показатели были еще выше. Так, например, в Семипалатинском уезде кандидатам в депутаты от блока партии «Алаш» отдали свои голоса 85,6% избирателей [33]. Блок партии «Алаш» во всех областях и уездах, где по численности преобладали казахи, одержали убедительную победу.

Таким образом, созыв второго общеказакского съезда в декабре 1917 года был ответом казахской интеллигенции во главе с А.Букейхановым на российскую колонизацию казахской территории, на русификаторскую политику царизма. Одновременно с усилением колонизации в обществе возрастает уровень осознания необходимости избавления от наступающей опасности. Бурное развитие получает литература, периодическая печать, просветительская деятельность, публицистика. Интеллектуальный всплеск наблюдается особенно в политической деятельности. В течение каких-то 15 – 20 лет национальная интеллигенция набирает опыт работы в Государственной думе, сотрудничестве с органами Временного правительства, организуется в политическую партию, проводит общеказакские, областные, уездные и волостные съезды, создает первоначальные органы государственной власти (казахские комитеты), успешно проводит выборы во Всероссийское учредительное собрание, и наконец, демократическим путем избирает временное правительство. Самым значительным итогом ее деятельности является, конечно, попытка возрождения национальной государственности.

Созданное в этот ответственный момент в истории казахского народа правительство Алаш-Орды, в отличие от Советской власти, формировалось на легитимной основе. И его ликвидация российскими политическими силами, безусловно, было актом великодержавности и антигуманизма.

И, если, наши сегодняшние соотечественники не в состоянии понять, то что отстаивали алашординцы в 1917 году является естественным и логическим продолжением борьбы наших героических предков (И.Тайманова, К.Касымова и многих других) за свободу и не-

зависимость своего народа, тогда нам остается пожелать им еще раз проверить аутентичность их знания по истории своей родины. А мы уверены в том, что тогда борьба шла, как писал Хосе Марти, «не между цивилизацией и варварством, а между ложной ученостью и самобытностью» [34].

Примечания

1. Большевики в Казахстане – зло или благо? – Султанов <https://365info.kz>
2. Қойгелдиев М. Алашқозғалысы. Кн. 1. – Алматы, 2008. – 434 с; Ескендір (Әбдешев) М. «Алаш Орда» Министрлері. Министры «Алаш Орды». – Алматы, 2008. – 114 с; Кенжетәев Б.А. Казанские учебные заведения и процесс формирования казахской интеллигенции в середине XIX нач. XX вв. – Алматы, 1998. – 88 с; Энциклопедия. – Алматы, 2009. – 544 с; Алаш. Алаш Орда. Энциклопедия. – Алматы, 2009. – 544 с. Тілешов Е., Қамзабекұлы Д. Алаш қозғалысы. Энциклопедиялық анықтамалық. – Алматы, 2014. – 528 с.
3. Алаш қозғалысы/Движение Алаш. Сборник документов и материалов. – Алматы: Алаш, 2004. Т.1. – С.438 – 441; 504 – 505.
4. Там же. Т.3. Книга первая. – Алматы, 2007. – С.59.
5. Там же. С.60 – 61.
6. Заключение Комиссии Президиума Верховного Совета Республики Казахстан // Казахстанская правда. 1992 г. 22 декабря.
7. Женис Байқожа. Как могло бы сложиться жизнь казаков не случись Октябрьской революции? // Центральная Азия Монитор. 2017 г. 31 октября.
8. Бочаров А.К. Алаш-Орда. Краткий исторический очерк. – Кызыл-Орда: Казгосиздат, 1927; Мартыненко Н. Алаш-Орда. Сб. документов. – Кызыл-Орда, 1929; Тогжанов Г.О. Байтурсунов и байтурсуновщина. – Алма-Ата-Москва: Казгосиздат, 1932; Брайнин С., Шафиро Ш. Очерки истории «Алаш-Орды». – Алматы: Казгосиздат, 1935 и др.
9. Хобсбаум Э. Век революции. Европа 1789 – 1848. – Ростов-на-Дону, 1999. – С.192.



10. Государственный архив Российской Федерации. Ф.Р-8409. Оп.1. Д.994. ЛЛ.15 – 17.
11. Там же. ЛЛ.49 – 49 об.
12. Шоқай М. Шығармаларының толық жинағы. 5 т. – Алматы, 2013. – 130 – 131 б.б.
13. Шейх Анта Диоп. Слагаемые культуры // Курьер. 1986 г. июнь-июль. – С.58.
14. Архив департамента КНБ РК по городу Алматы. Ф.6; дело №011494. Т.6. Л.24.
15. Там же. Л.82.
16. 6-я Всеказахская конференция ВКП (б). 15 – 23 ноября 1927 года. Стенографический отчет. – Кзыл-Орда, 1927. – С.130 – 131.
17. В тексте доклада: «Для нас не было ясным – кто руководит народным просвещением – Крайком или Академический центр, в котором руководящую роль играет Байтурсунов. Мне передали, что Байтурсунов говорил: «Что вы меня обвиняете, я не виноват в том, что все, что я предлагаю, Садвокасов принимает без критики». Там же. С.124.
18. Каппелер А. Россия – многонациональная империя. Возникновение. История. Распад. – М., 1997. – С.280. В трудах, посвященных вопросам репрессий в Казахстане встречаются следующие данные: «начиная с 20-х гг. и кончая 50-ми, в республике по политическим мотивам были осуждены 103 тысячи человек, а из числа репрессированных свыше 25 тысяч человек расстреляно по приговорам троек ОГПУ-НКВД и других внесудебных и судебных органов» // См. Козыбаев М.К. Казахстан на рубеже веков: размышления и поиски. Книга вторая. – Алматы, 2000. – С.169.
19. Алаш қозғалысы. Движение Алаш. Сборник документов и материалов. Т.1. – Алматы, 2004. – С.472 – 482, 504 – 505.
20. Архив департамента КНБ РК... Дело №011494, Т.1. Л.318.
21. Там же. Л.Л.386 – 386об
22. Движение Алаш. Сборник материалов судебных процессов над алашевцами. Авторское издание профессора Т.К.Журтбая. Кн.1. – Алматы, 2011. – С.142.
23. Алаш қозғалысы. Движение Алаш. Сборник документов... – Алматы, 2005. – С.414 – 415.
24. Идейное наследие Сандино. Сборник документов и материалов. – М., 1985. – С.25, 52, 57, 63, 70, 263, 272.
25. Заки Валиди Тоган. Воспоминания. – М, 1997. – С.366.
26. История Казахской ССР. В пяти томах. Т.4. – Алматы, 1977. – С.433.
27. Очерки истории Коммунистической партии Казахстана. Изд. второе. – Алматы, 1984. – С.70 – 71.
28. Семенникова Л.И. Россия в мировом сообществе цивилизации. – М., 1994. – С.213.
29. Койгелдиев М. Алаш қозғалысы. 1-книга. – Алматы, 2008. – С.426.
30. Алаш қозғалысы. Движение Алаш. Сборник документов... Т.1. – С.446 – 451.
31. Там же. С.476 – 473.
32. Там же. С.446 – 451.
33. Спирин Л.М. Россия. 1917 год. Из истории борьбы политических партий. – М., 1987. – С.308 – 309, 311, 317.
34. Марти Х. Наша Америка. Цит. соч. – С.274.



ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИҒА ТИББИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛИШИ ВА УНДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ

(XIX аср охири – XX аср бошлари)

С.Б. Шадманова, т.ф.д., ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими

Резюме

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона вилоятида европача тиббий муассасаларнинг ташкил этилиши, уларнинг турлари ва фаолияти, маҳаллий аҳолининг ушбу тиббий хизматлардан фойдаланиши ва уларга бўлган муносабати масалалари таҳлил этилган. Шунингдек, йилдан-йилга аҳолининг уларга мурожаат этиши ошиб бориши сабаблари, европача тиббиёт ходимларининг халқ табобатидаги муносабати масаласи ёритилган. Бундан ташқари, тиббий муассасалар фаолиятидаги муаммолар ҳам очиб берилган.

Калит сўзлар: тиббиёт, шифохона, шифокор, халқ табобати, мустамлака, Фарғона вилояти, Туркистон, Россия империяси.

Оказание медицинской помощи населению Ферганской долины и процессы трансформации (конец XIX – начало XX вв.)

Резюме

В данной статье анализируются вопросы создания европейских медицинских учреждений, показаны различные типы учреждений и их деятельность, то, как пользовалось данной медицинской услугой население и отношение местного населения Ферганской области в конце XIX – начале XX вв. Также, освещаются причины увеличения числа обращений за медицинской помощью, отношение представителей европейской медицины к медицине народной. Кроме того, раскрываются проблемы в деятельности самих медицинских учреждений.

Ключевые слова: медицина, амбулатории, врач, народная медицина, колония, Ферганская область, Туркестан, Российская империя.

Providing medical assistance to the population of the Fergana Valley and the transformation processes (late XIX – early XX centuries).

Resume

This article analyzes the establishment of European medical institutions, shows the different types of institutions and their activities, how this medical service was used and the attitude of the local population of the Fergana region in the late 19th and early 20th centuries. In addition, the reasons for the increase in the number of applications for medical care, the attitude of representatives of European medicine to folk medicine are highlighted. In addition, problems in the activities of the medical institutions themselves are revealed.

Keywords: medicine, dispensaries, doctor, folk medicine, colony, Fergana region, Turkestan, Russian Empire.



Фаргона вилоятида замонавий шифохоналарнинг вужудга келиши

XIX аср охирида ўлка аҳолиси ҳаётида тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам баъзи ўзгаришлар рўй беради. Ўлка мусулмонлари учун янгилик бўлган европача замонавий тиббиётга дуч келади. Дастлаб аҳоли учун мутлақо бегона бўлган ушбу шифо масканларини қабул қилиши қийин кечса-да, кейинчалик унинг фойдаларини кўриб, уларга тиббий ёрдам сўраб мурожаат қила бошлади.

XIX асрнинг 60 – 70-йилларида аҳоли учун тиббий хизмат гоят секин ривожланган. Масалан, 1876 йилда ҳам 1867 йилдагидек Тошкент «янги» қисмида барча аҳолига битта врач ва иккита фельдшер тўғри келган.¹ Шунингдек, 1876 йилда Қўқонда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун шифокор ва фельдшер ажратилган, 1881 йилдан эса уезд ва шаҳарга алоҳида биттадан шифокор тайинланган.²

Хотин-қизлар ва болалар шифохонаси. XIX асрнинг 80-йилларидан Туркистон маҳаллий аҳолиси учун шаҳарларда шифохоналар очила бошлади. Ўша давр шароити ва аҳолининг менталитети ҳисобга олиниб хотин-қизлар ва болалар учун алоҳида амбулаториялар, эркаклар учун алоҳида амбулаториялар очилган. Лекин хотин-қизлар зарурият туғилганда эркаклар учун очилган амбулаторияга ҳам тиббий ёрдам сўраб мурожаат этишган ҳамда хотин-қизлар фақат аёл шифокорлар хизматидан эмас, балки эркак шифокорлар ёрдамидан ҳам фойдаланишган. 1883 йилда Тошкентда ўлкадаги дастлабки маҳаллий хотин-қизлар ва болаларга мўлжалланган шифохона очилган бўлса, кейинчалик ўлканинг бошқа шаҳарларида ҳам бундай шифохоналар иш бошлайди. Хусусан, Андижон (1888 й.), Наманган (1889 й.), Қўқон (1887 й.), Маргилон (1891 й.) каби шаҳарларда бундай шифохоналар фаолият юрита бошлади. 1887 йил 1 сентябрда Қўқонда ўлкада-

ги тўртинчи ва Фаргона водийсидаги дастлабки амбулатория очилди, унга Қазоли шифокори М.И.Шишова мудира этиб тайинланди. 1888 йил 9 февралда шифокор О.И.Солнишкина иштирокида Андижонда хотин-қизлар ва болалар амбулаторияси иш бошлади. 1903 йилда мазкур амбулаторияда ёш шифокор М.С.Голошевская фаолият юрита бошлади.

1889 йил 30 майда Наманганда маҳаллий хотин-қизлар ва болалар амбулаториясини очиш учун рухсат берилди ва у 1889 йил 23 сентябрда иш бошлади, унга шифокор М.К.Филиппова мудиралик қила бошлади, 1891 йилда у шундай амбулатория очилган Эски Маргилонга кетди, унинг ўрнига шифокор М.А.Гейштор ишлай бошлади.³

Мазкур амбулаторияларга хотин-қизлар ва болаларнинг тиббий ёрдам сўраши йилдан-йилга кўпайиб борди. Масалан, Қўқондаги хотин-қизлар ва болалар учун очилган амбулаторияда 1887 – 1897 йилларда 71961 нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилган бўлса, улардан 57128 нафари маҳаллий аҳоли хотин-қизлари ва болалари, 5154 нафари руслар, 3142 нафари яҳудийлардан иборат бўлган. Шунингдек, уларнинг ичида хотинлар 47841 нафарни, 24120 нафари болаларни ташкил этган.⁴

Шифохонада фақат аёл тиббий ходимлар хизмат қилишган. Ёрдам сўраб мурожаат қилган аёллар ва болаларга бепул ёрдам кўрсатилган, шу жумладан, дорилар, сув муолажалари, оддий операция ва боғлаш ишлари бепул амалга оширилган. Аёл шифокорлар зиммасига нафақат маҳаллий хотин-қизларга тиббий ёрдам кўрсатиш вазифаси, балки уларнинг олдида мусулмон хотин-қизларининг ичига кириб бориш вазифаси қўйилган. Мусулмон жамиятида хотин-қизлар орасида иш олиб бориш, уларнинг дунёқарашларига таъсир қилиш аёл шифокорлар зиммасига юклатилган. Бошқа томондан, ўлканинг аксарият аҳолисини ташкил қилган қишлоқ аҳолисида аҳвол ўзгача эди. Қишлоқ

¹ ЎзР МДА. И.17-фонд. 1-руйхат. 28928-иш. 196-варақ.

² История Коканда (с момента присоединения Средней Азии к России до настоящего времени). – Ташкент: Фан. 1984. – С.31.

³ Махмудов М. История медицины и здравоохранения Туркестана. Бухары и Хорезма (1865 – 1924 гг.). –Тараз: BIG NEO-SERVICE. 2015. – С.49 – 50.

⁴ Туркестанские ведомости (кейинчалик ТВ). 1889 г. 11 декабрь.



аёллари фақат истисно тариқасидагина русийзабон шифокорларга мурожаат қилишган.

1908 йилда Фаргона вилояти хотин-қизларига 9 нафар шифокор, 4 фельдшер аёл, 8 нафар фельдшер акушерка аёл, 25 нафар доя аёл тиббий ёрдам кўрсатган.⁵

XIX аср охири – XX аср бошларида бутун ўлкада бўлгани каби Фаргона водийсида ҳам аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш аксарият ҳолда амбулатория орқали амалга оширилган. Жумладан, 1908 йилда Фаргона вилоятида 177368 нафар киши тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган бўлса, шундан 171326 нафарига (96,5%) амбулаторияларда, 3992 нафарига (2,1%) стационар, 2050 нафарига (1,4%) хусусий тартибда тиббий ёрдам кўрсатилди.⁶ Аҳоли орасида Н.Б.Биркин, Б.Д.Гамбург, М.Ф.Филиппова каби шифокорлар катта обрў қозонган.

Стационар даволаниш масканлари. Фаргона вилояти амбулаторияларида стационар равишда даволаниш учун ўринлар ҳам ажратилган. Жумладан, 1890 йилда Қўқондаги маҳаллий хотин-қизлар ва болалар амбулаториясида стационар даволаниш учун 4 та ўрин, икки йилдан сўнг уларнинг сони 10 тага етди.⁷

Бундан ташқари, стационар ҳолатда даволаниш учун махсус шифохона очилади. 1876 йилда Фаргона вилояти шаҳарларида русийзабон ва маҳаллий аҳолига ётиб даволаниб тиббий ёрдам олиши учун шифохоналар очиш кўзда тутилган эди. Натижада 1883 йилда вилоятда 115 ўринли 5 та шифохона фаолият олиб борди, жумладан, Янги Маргилон ва Қўқонда 20 ўринли, Андижон ва Эски Маргилонда 15 ўринли, Наманганда 10 ўринли, шунингдек, Ўшда ва Чустда 5 ўринли шифохоналар очилди.⁸ Бундан ташқари, 1890 йилда Қўқонда шундай шифохона очилади, 1898 йилда ундаги ўринлар сони 20

тани ташкил этган бўлса, 1905 йилда уларнинг сони 40 тага етди.⁹ Жами Туркистон ўлкасида 1896 йилда 2018 ўринга эга бўлган 38 та шифохона фаолият юритди.¹⁰

Шунингдек, Фаргона вилояти аҳолиси Тошкентда 1901 йилда очилган 95 ўринли шаҳар шифохонасида ҳам даволанган. Бу ерда терапевтик, жарроҳлик, аёллар ва юқумли касалликлар бўлими ишлаб турган. У шаҳар думаси ихтиёрида бўлиб, маблаг билан таъминлаб турилган. Шифохона пуллик бўлиб, бемордан бир кеча-кундузга 50 тийиндан олинган, бундан ташқари, овқат учун ўртача 31 тийин сарфланган.¹¹

Ўлка аҳолиси орасида тарқалган касалликлар. Туркистон аҳолиси орасида кенг тарқалган касалликлардан бири малярия (безгак) эканлигини шифохоналар ҳисоботидан ва газета хабарларидан кўриш мумкин.¹² Масалан, 1888 йилда Қўқон аёллар ва болалар шифохонасига мурожаат қилган беморларнинг 10% дан ошигини безгак билан огриганлар ташкил этган бўлса, 1893 йилда бундай беморлар 15% дан ошиқни ташкил этган.¹³

Безгак касалига чалинганлар сони бошқа йилларда ҳам деярли шундай бўлиб, 1898 йилда Қўқон аёллар ва болалар шифохонасига мурожаат қилган 4480 беморларнинг 12% дан ошиги юқумли касалликлар билан огриганларни ташкил этган бўлса¹⁴, булар асосан безгакга чалинган беморлар, фақат 0,77% бошқа юқумли касалликлар билан огриганлар эди. Безгакка чалинган беморларни жаҳон тиббиётида ўша даврда кенг қўлланилган хинин препарати билан даволашган.¹⁵ Қўқон

⁵ История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг.). Том 2 / Составители Шамсутдинов Р.Т., Хашимов С.А., Базаров К. – Ташкент: Sharq. 2012. – С.299.

⁶ Ўша жойда.

⁷ ТВ. 1889 г. 11 декабрь.

⁸ Махмудов М. История медицины и здравоохранения Туркестана. Бухары и Хорезма (1865 – 1924 гг.). – Тараз: BIG NEO-SERVICE. 2015. – С.74.

⁹ Туркестанский край. – Ташкент. 1913. – С.18; ЦГА РУз. И.300-фонд. 1-руйхат. 175е-иш. 1-, 4-, 13-варақлар.

¹⁰ Махмудов М. История медицины и здравоохранения Туркестана. Бухары и Хорезма (1865 – 1924 гг.). – Тараз: BIG NEO-SERVICE. 2015. – С.74.

¹¹ ЎзР МДА. И.37-фонд. 1-руйхат. 451-иш. 15-варақ.

¹² Малярия в Ташкенте // Украина. 1896. № 88; Ковалевский И. Борьба с малярией крупного скота в Ташкенте // ТВ. 1907. №124; Малярия в Тахта-Базаре // Асхабад. 1907. №179; Значение посевов риса на заболевания малярией в Туркестанском крае // ТВ. 1909. №190 – 193; П.В. О влиянии рисовых полей на здоровье населения // На рубеже. 1909. №108.

¹³ Шишова М. Санитарные очерки города Коканда // ТВ. 1899. №25.

¹⁴ Шишова М. Санитарные очерки города Коканда // ТВ. 1899. №21.

¹⁵ Шишова М. Санитарные очерки города Коканда // ТВ. 1899. №23.



аҳолиси бу препаратни имкон қадар захира қилиб қўйишга интилан, бошқа шаҳарларга иш билан борган ўзбек бойлари ёки яҳудий бойлар у ерлардан хинин препаратини олиб келишган.

Туркистоннинг бошқа жойларида ҳам аҳвол шундай эди. Масалан, Жиззах уездида 1889 – 1891 йилларда безгак касаллигидан 1892 йил вабо касаллигига қараганда бир неча баробар кўпроқ аҳоли қирилиб кетган эди.¹⁶ Бундай ми-солларни кўплаб келтириш мумкин.¹⁷

Бундан ташқари, Туркистонда огир юкум-ли касалликлар эпидемияси ҳам бўлиб турган. Шулардан бири 1892 йилдаги вабо эпидемияси-дир.¹⁸ 1892 йил 1 июнида Жиззах уездида вабо касали пайдо бўлганлигидан хабар топган Фар-гона вилояти маъмурияти Самарқанд вилоя-ти билан чегарадош бўлган Қўқон уездининг Қароқчиқум қишлоғида назорат пунктини ташкил этишга киришди. Уни ташкил этиш тўғрисида 1892 йилнинг 3 июнида қарор қабул қилинди ва зудлик билан бу ишга киришилди, 12 июнда назорат пункти тайёрланди. Ўтов ва чодирлар тикланиб, улар ўринлар, тўшаклар, чойшаб, идишлар билан таъминланди. 8 июн-дан мазкур пунктга одамлар қабул қилина бош-лади ва уларнинг сони 100 нафарга етди. Баъзи кунларда уларнинг сони 500 – 1000 нафар ки-шини ташкил этди. Уларни озиқ-овқат билан таъминлаш учун бу қишлоққа яқин бўлган Конибодом ва Бешариқ қишлоқларидан озиқ-овқат ҳамда ем-хашак савдоси уюштирилди. 19 июнда бу пунктда вабо касалига чалинган дастлабки икки бемор пайдо бўлди. Жами 19 июндан 28 июлгача вабо билан касалланган 61 нафар маҳаллий кишилар ва 21 нафар русийза-бон кишилар пунктда тўхтатилди, улардан 18 нафар русийзабон ва 36 нафар маҳаллий аҳоли кишилари тузалиб кетишди, қолган кишилар эса вафот этишди.¹⁹

1892 йилда қанчадан-қанча аҳолининг ёс-тигини қуритган вабо эпидемияси Қўқонда ҳам 1903 кишининг ўлимига сабаб бўлган эди. Умуман, ушбу шаҳарда 1949 киши бу касалга чалинган бўлса, 46 тасигина тирик қолган эди. Андижонда эса рўйхатга олинган беморлар 2635 кишини ташкил этган бўлса, шулардан фақат 31 таси касалликни енгганлиги маълум бўлади.²⁰

Шуни таъкидлаш жоизки, юкумли касаллик-ларга чалинган беморлар тиббий ёрдам сўраб шифохоналарга камдан-кам ҳолларда муро-жаат қилишган. Чунки маҳаллий аҳолида баъ-зи юкумли касалликлар (қизамиқ, чечак) билан ҳамма огриши шарт деб ҳисоблашган. Бундан ташқари, уй буюмларини дезинфекция қилиш ва карантин эълон қилиш зарурияти ҳам ушбу касалликлар билан тиббий ёрдам сўраб муро-жаат этмаслик сабабларидан бири бўлган. Ма-ҳаллий аҳоли кўпроқ чечак асорати юзасидан шифохоналарга мурожаат қилишган. Мута-хассис шифокорлар маълумотларига қараган-да, Қўқонда чечак ҳам буқоқ каби эндемик²¹ касаллик ҳисобланиб, қиш кириши билан бу касаллик аҳоли орасида анча кенг тарқалган. Умуман олганда, Фаргона вилоятида чечакка қарши эмлаш йўлга қўйилган бўлса-да, ундан маҳаллий аҳоли камдан-кам ҳолларда фойда-ланган. 1898 йилда Қўқон уездида 365410 нафар аҳоли яшаган бўлса, бу ерда 4 та чечакка қар-ши эмловчилар фаолият юритган²² ва уларнинг ҳар бирига 91353 киши тўғри келган. Манбалар-да кўрсатилишича, Фаргона вилояти уездлари ичида Қўқон уездида чечакка қарши эмловчи-лар сони энг кам бўлган. Масалан, Маргилон уездида 65230 кишига, Андижон уездида 70253 кишига, Наманган уездида 59504 кишига, Ўш уездида 52375 кишига битта чечакка қарши эм-ловчи мутахассис тўғри келганлиги кўринади.²³

¹⁶ Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд: Товари-щество. 1902. – С.178.

¹⁷ Рисовые поля и лихорадки // Справочная книжка Самаркандской области. – Самарканд. 1902. – С.170.

¹⁸ ТВ. 1892. №20. 21. 22. 25. 31. 32. 34. 36. 39. 51. 101.

¹⁹ Холера в Ферганской области // Окраина. 1892. №108.

²⁰ Шульгин К. Холерная эпидемия в Туркестанском крае в 1892 г. // ТВ. 1893. №101.

²¹ Эндемия – бирор жойда юкумли касалликнинг ҳамиша мавжуд бўлиши.

²² Бу даврда Туркистонда 91 та чечакка қарши эмловчилар иш олиб борган.

²³ Б.К. Медицинская помощь населению в Туркестане // ТВ. 1898. №84.



Тарихий манбаларда таъкидланишича, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Туркистонда сифилис (захим) касали ҳам кўп учраб турган. Масалан, Қўқон шаҳар маҳаллий аёллар ва болалар шифохонасига мурожаат қилган аёлларнинг 7,6 фоизини, болаларнинг 5,6 фоизини бу касаллик билан огриганлар ташкил этган.²⁴ Маргилондаги бу касаллик билан мурожаат қилган беморларнинг бошқа касалликлар ичида 4-ўринда туриб, 1893 йилда 126 та аёл, 31 та бола бу касалликдан азият чеккан.²⁵

Маҳаллий аёллар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатган аёл шифокорлар кўп йиллик кузатишлари, ўрганишлари натижасида бу касалликнинг кенг тарқалишига сабаб маҳаллий аҳоли бу касалликнинг юқумли эканлигини билмаганида ҳамда шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаганида, яъни кўпинча бир идишдан овқат ейиши, битта сочиққа артиниши, бошқаларнинг болаларини аёллар бемалол эмизиши натижасида биридан иккинчисига ўтади деган хулосага келганлар.²⁶

Аҳоли орасида юқумли касалликлар тарқалишининг ҳам бир қанча сабаблари мавжуд эди. Масалан, Қўқонда юқумли касалликлар кенг тарқалишига асосий сабаблар, бир томондан, иқлим шароитидан келиб чиққан бўлиб, тупроқнинг ўта ифлосланиши ҳамда тупроқнинг ўта захлиги (16% сувдан иборат)²⁷ инсон соғлигига салбий таъсир этишида бўлса, иккинчи томондан, аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланмаганлигида эди. Бундан ташқари, уйларнинг захлиги ва совуқлиги ҳамда аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланиши ва тиббий ёрдам кўрсатилиши етарли даражада эмаслиги тиббий аҳволнинг ёмонлашувига олиб келувчи омиллардан бўлган.

Халқ орасида турлича тери касалликлари билан огриганлар кўпчиликини ташкил этган. 1885 йилда Тошкент маҳаллий аёллар ва бо-

лалар шифохонасида учрайдиган болалар касаллиги ичида тери касалликлари 60 фоизни, аёллар ичида бу кўрсаткич 29 фоиздан ортиқни ташкил этган.²⁸ Шунингдек, Туркистонда Европага номаълум бўлган касалликлар ҳам учраб турган. Пенде яраси (афгон яра, паша хўрда)²⁹ ва ришта³⁰ касалликлари шулар жумласидан бўлиб, бу касалликлар Гейденрейх, Рапчевский, Боровский каби русийзабон шифокорлар томонидан ўрганилган. Федченко риштани келтириб чиқарадиган гижжалардан ҳовузни тозалаш учун балиқлар кўпайтиришни таклиф этган.³¹

Шунингдек, ўлкада, жумладан, Фаргона вилоятида ҳам баъзи касалликлар эндемик характерга эга бўлган. Жумладан, Қўқонда кўп тарқалган касалликлардан бири буқоқ касали бўлиб, бу касаллик билан кўпроқ қизлар огриган. 10 йил мобайнида Қўқондаги тиббий вазиятни кузатиб борган ва бу борада фаолият юритган мутахассисларнинг маълумотларига кўра, беш ёшгача бўлган бемор ўгил ва қиз болаларнинг сони деярли бир хил, 5 – 10 ёшгача касалланган болалар ичида қиз болалар кўпроқни ташкил этса, 10 – 15 ёшгача бўлган беморлар ичида қизлар ўгил болаларга қараганда 4 барабар ортиқ эканлиги кўринади. Бундан ташқари, 5 ёшдан кейин болаларнинг бу касаллик билан огриши кўпайса (5,56%), 10 – 15 ёшдаги ўсмирлар ўртасида шиддат билан ўсган ва уларнинг сони умумий ҳисобдан беморларнинг 18.63% ни ташкил этган.³²

Аёллар ўртасида ҳам ушбу касалликка чалинганлар кўпчиликини ташкил этган, 15 – 20 ёшдаги қизлар ва аёллар ўртасида бу касаллик кенг тарқалган. 20 – 25 ёшдан 40 ёшгача эса беморлар сони камайиб борган. Аммо 70 – 90 ёшли қариялар ҳам буқоқ билан касаллангани

²⁴ Шишова М. Санитарные очерки города Коканда // ТВ. 1899. №34.

²⁵ Извлечение из отчета Маргиланской амбулаторной лечебницы для туземных женщин и детей за 1891 год // ТВ. 1893. № 9. 82.

²⁶ Извлечение из отчета Маргеланской ... // ТВ. 1893. №9. 82.

²⁷ ТВ. 1899. №64.

²⁸ Отчет о деятельности амбулаторных лечебниц г. Ташкенте // ТВ. 1885. №16.

²⁹ Сатанский А. Ташкентская язва или сартовская болезнь // ТВ. 1877. №46. 47, 48.

³⁰ Свяжский И. К изучению о происхождении и развитии ришта // ТВ. 1882. №39.

³¹ Колосов Г.А. Медицинская помощь инородцам... – С.107 – 108.

³² Шишова М. Санитарные очерки города Коканда // ТВ. 1899. №19.



учун тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилиб туриш ҳолатлари учраб турган.

Бундан ташқари, ўлканинг табиий иқлим шароити билан боглиқ ҳолда баъзи касалликлар бошқа жойларга қараганда узоқ давом этган. Масалан, Ғарбий Европа ва Россия шаҳарларида болаларнинг ичбуруғ касалига чалиниши кўпроқ ёзнинг фақат июлига тўтри келса, Қўқонда асосан бутун ёз фаслида болалар ичбуруғ касалидан катта зиён кўрганлар ҳамда бу касаллик кўпинча болалар ўлимига сабаб бўлган эди.

Қадимдан баъзи касалликларга чалинган кишилар аҳолидан ажратилган ҳолда яшашига мажбур бўлишган. Шундай касалликлардан бири мохов касаллиги бўлиб, ўлкада улар аҳолидан ажратилган алоҳида жойларда яшаган. 1900 йил маълумотларига қараганда, Туркистонда 1000 яқин киши бу касалликдан жабр кўрган.³³ Бу даврда Қўқонда махсус мохов касаллигига йўлиққан кишилар яшайдиган жой бўлиб, у ерда 34 кишидан иборат 10 та оила яшаган. Аммо бу ерда яшовчиларнинг ичида баъзан соглом болалар ҳам яшаган. Уларнинг аҳволи аянчли бўлиб, асосан, тиланчилик билан кун кўришган.

Умуман, Туркистондаги тиббий аҳволни яхшилаш учун тиббий ходимлар томонидан қатор таклифлар қилинади, шулардан бири аҳолининг сифатли ичимлик суви билан таъминланиши масаласи эди.³⁴ Маълумки, аҳоли асосан ичимлик суви сифатида ариқ сувидан, баъзилар қудуқ сувидан фойдаланар эди. Мутахассислар жаҳон тажрибасига таянган ҳолда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ҳисобига кўпгина касалликларнинг олдини олиш мумкинлиги, сув қувурлари ва канали ўтказилган мамлакатларда аҳоли ўлими кескин камайганлиги ҳақида маълумот берадилар. Масалан, Парижда сув фильтри ўрнатилганидан

кейин ич терлама касалидан ўлиш 3 мартага камайгани аниқланган.³⁵

XX асрнинг бошларида миллий матбуот саҳифаларида ҳам аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминлаш соғлиқнинг гарови эканлиги ҳамда кўп касалликлар ичимлик сувининг ёмонлигидан ва ботқоқларнинг ҳавога таъсиридан инсонлар орасига тарқалиб мингларча одамларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлаётгани тўғрисида мақолалар чиқа бошлаган. Хусусан, 1914 йил 24 июнида «Садои Туркистон» газетасида Рауф Музаффарзоданинг «Ичар сувларимизга бир назар» номли мақоласида аҳоли сув ичадиган ариқларнинг суви юзларча, ҳатто мингларча ҳовлилардан оқиб ўтиб, аҳоли уни ифлослантириши ҳар хил ахлатлар ташлаши натижасида ичишга яроқсиз ҳолга келаётганини ёзади.³⁶ Муаллифнинг таъкидлашича, бу сувлар шаҳарга кирган пайтда ниҳоят тоза ва соф ҳолда оқади. Шаҳарнинг юқори тарафида яшайдиган аҳоли тоза сув истеъмол қилгани ҳолда, шаҳарнинг ўрта ва қуйи тарафида яшовчи аҳоли эса ифлосланган сувларни ичишга мажбур бўлганлар. Рауф Музаффарзода сувни тежаб ишлатишга ҳамда ифлос нарсаларни сувга ташламасликка чақиради, агар акси қилинса, «саломатлик жиҳатдан миллатга улуг бир жиноят қилинган бўлади».³⁷ Чунки ифлосланган сув кўпгина юқумли касалликларнинг сабабчиси бўлиб, мингларча одамларимизнинг қирилишига олиб келади. Мақола муаллифи «саломат ва сиҳатнинг даражаси миллий тозалик ва покликнинг даражаси ила мутаносибдир»³⁸ деб ёзар экан, халқнинг соғлиги масаласини юқори даражали миллий вазифа деб билади. Рауф Музаффарзода келтирган маълумотлар Тошкент шаҳрига тегишли бўлса-да, ўлканинг бошқа шаҳарларида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин эди.

Шунингдек, аҳолининг тиббий маданиятини кўтариш зарурияти мутахассислар томони-

³³ ТВ. 1893. №35.

³⁴ О рациональном водоснабжении г. Ташкента // ТВ. 1893. №65. 69; Габбин Н. Несколько цифр к вопросу об устройстве водопровода в Ташкенте // ТВ. 1900. №20; Васильев Н. Наша общая беда и как помочь ей // Окраина. 1895. №61. 62. 64. 66. 68. 71. 73; Шишмарев И.А. Несколько строк о Ташкенте // ТВ. 1891. №20. К вопросу о санитарном состоянии Ташкента // ТВ. 1897. №7.

³⁵ О рациональном водоснабжении г. Ташкента // ТВ. 1893. №65. 69.

³⁶ Музаффарзода Р. Ичар сувларимизга бир назар // Садои Туркистон. 1914. №21.

³⁷ Ўша жойда.

³⁸ Ўша жойда.



дан таъкидланиб, аҳоли орасида тиббий мавзуда маърузалар ташкил таклиф қилинади ва маҳаллий аҳолининг тиббий маданиятини кўтаришда мулла ва мударрислар алоҳида ўринга эга эканлиги таъкидланади. Халққа бундай билимларни тарқатиш учун уларнинг ўзлари махсус ташкил этилган курсларда таълим олиши керак ҳамда олган билимларини халқ орасида ёйиши лозимлигини айтади.

Тиббий кадрлар масаласи ва бу соҳадаги муаммолар. XIX асрнинг 90-йиллари бошларида бир йил ичида Сирдарё вилоятида 44004 киши шифохоналарга тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган³⁹, Самарқанд вилоятида 27928 марта, Фаргона вилоятида 34479 киши мурожаат қилган⁴⁰. Бу кўрсаткичлар аҳолининг умумий сонига қараб ҳисобланганда тахминан ўртача ҳисобда Сирдарё вилоятида ҳар 33 кишидан бири, Самарқанд вилоятида ҳар 29 кишидан бири, Фаргона вилоятида ҳар 25 кишидан бири мурожаат қилган. 1895 йилда Н.Васильев «Окраина» номли газетанинг бир неча сонларида эълон қилинган «Бизнинг умумий фожиамиз ва уни тузатиш йўллари» мақоласида маҳаллий аҳолининг рус врачлари ёки фельдшерига бундай кам мурожаат қилишига сабаб рус тиббиётига ишончсизлик эмас, балки тиббиёт ходимларининг сони камлигидандир⁴¹ деб ёзади. Бу фикрни маҳаллий маъмурлар ҳам тасдиқлайди.⁴²

Туркистон ва Россия губернияларидаги врачлар ва фельдшерлар сони қиёсий таҳлил этилса, Туркистоннинг 3 вилоятида ҳаммаси бўлиб 25 та врач, 60 та фельдшер борлиги, Россиянинг уч губерниясида 243 врач, 399 фельдшер, ҳаммаси бўлиб 642 та тиббиёт ходими бўлганлиги аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, Сирдарё вилоятида 135500 кишига, Самарқандда 97100 кишига, Фарғонада 100000,

Тула губерниясида 18000, Вятская губерниясида 35000, Харьковда 21000 кишига битта врач тўғри келади. Архив ҳужжатларида келтирилишича, 1908 йилда Фарғона вилоятида 53017 кишига 1 нафар шифокор тўғри келган, яъни 13 йил ичида ўлкада тиббий хизмат ходимлари сони кўпайган. Умуман, 1908 йилга келиб Фарғона вилояти аҳолисининг 9 фоизи тиббий ёрдам муассасаларига ёрдам сўраб мурожаат қилган.⁴³

Агар фельдшерлар сони ҳам қиёсланса, ўлка вилоятлари Россия империяси марказий қисмидаги губерниялардан анча орқада қолиб кетганлиги кўринади. Жумладан, Сирдарё вилоятида 31300 кишига, Самарқандда 34000, Фарғонада 30770, Тула губерниясида 7512, Вятскаяда 13880, Харьковда 7150 кишига 1 фельдшер тўғри келади.⁴⁴ Ўша давр муаллифларидан бирининг ёзишича, «Биринчидан, кўп давлатларнинг майдонидан Туркистон ер майдонининг катта эканлигини ҳисобга олганда, бошқа томондан эса шаҳар ва уезд врачлари зиммасига аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишдан ташқари яна бошқа вазифалар ҳам юклатилганлиги ҳисобга олинса, Туркистондаги... тиббий аҳволнинг қандай аянчли аҳволда эканлигини тасаввур этиш мумкин».⁴⁵

Бунинг устига, Туркистонда тиббиёт соҳасидаги баъзи қилинган ўзгартиришлар аҳволни янада мураккаблаштиришга олиб келган эди. 1905 йилда Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 44 та участка врачлари лавозими таъсис этилиб, уезд врачлари вазифасига суд-медицина экспертизасига жавобгарлик ҳам қўшилди ҳамда уларга иш сафарига бориш учун йўл ҳақи берилмайдиган бўлди. Участка шифокорларининг маоши уезд шифокорлариникига нисбатан баланд қилиб белгиланди. Шунинг учун ҳам уезд врачлари лавозими пастроқ бўл-

³⁹ Бу рақамга Тошкент шаҳри аҳолиси ва ҳарбий қўшин киритилмаган.

⁴⁰ Обзор Сырдарьинской области за 1891 год. – Ташкент. 1893. – С.145; Обзор Ферганской области за 1892 год. – Новый Маргелан. 1894. – С.76; Обзор Самаркандской области за 1894 год. – Самарканд. 1895. – С.93.

⁴¹ Васильев Н. Наша общая беда и как помочь ей // Окраина. 1895. №61. 62. 64. 66. 68. 71. 73.

⁴² Обзор Самаркандской области за 1893 год. – С.88.

⁴³ История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг.). Том 2 / Составители Шамсутдинов Р.Т., Хашимов С.А., Базаров К. – Ташкент: Sharq. 2012. – С.300.

⁴⁴ Васильев Н. Наша общая беда и как помочь ей // Окраина. 1895. №61. 62.

⁴⁵ Ўша жойда.



са-да, участка врачлигига ўтиб кета бошлади.⁴⁶ Уезд врачлари лавозими баъзи уездларда икки йиллаб бўш турган ва бу ўринда ишлашни хоҳловчи тиббий ходимлар топилмаган.

1886 йилдаги Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги қонунга кўра 14 уездда уезд врачлари лавозими тасдиқланган. XX аср бошларигача улар ўлканинг унчалик катта бўлмаган шаҳарларида ягона тиббий ходимлари бўлган. Уезд шифокорларига бир йилда 1500 руб. иш ҳақи белгиланган, бундан ташқари, 1906 йилгача уларга қўшимча равишда сафар харажатлари учун 300 руб. ажратилган. 1905 йилнинг охиридан Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида 44 нафар участка шифокорлари тайинланиб, уларга бир йилда 2200 руб. 59,5 коп. иш ҳақи белгиланди ва сафар харажатлари учун 240 руб. ажратила бошланди.⁴⁷ Мазкур қоида кучга киргач, уезд шифокорлари фақат суд-медицина ва суд-полиция қисмларига жавоб берадиган бўлди, уларга сафар харажатлари учун маблағ ажратилмайдиган бўлди. Шунинг учун ҳам уезд шифокорлари лавозими пастроқ бўлса ҳам, участка шифокорлигига ўтиб кета бошладилар ва баъзи уезд шифокорларининг иш ўринлари икки йил бўш турган. XIX асрнинг охирида Фарғона вилоятида 10 та шифохона бўлган бўлса, шулардан икkitаси Қўқонда жойлашган бўлиб, шаҳар шифохонаси 20 та ўринга, маҳаллий аҳоли учун очилган шифохона 10 та ўринга мўлжалланган эди.⁴⁸

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашда Россия империяси марказий шаҳарларида таълим олган русийзабон шифокорлар бебаҳо ёрдам берганлар. Аммо уларнинг кўплаб ташаббуслари ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланмаган. Агар XIX аср иккинчи ярмида шаҳардаги врачлар сони бир нечта бўлса, XX аср бошига келиб шифокорлар ва бошқа тиббий ходимлар сони сезиларли ортди. Бу даврда ўлкага, жумладан, Фарғона вилоятига олий маъ-

лумотли шифокорлар келиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда ўз ҳиссаларини қўшишди. Жумладан, 1895 – 1911 йилларда Петербург тиббиёт-хирургия академияси битирувчиси Мали Антонин Вацлович (1864 йилда туғилган) Андижонда шаҳар шифокори сифатида хизмат қилди, шу билан бирга, у Фарғона тиббиёт жамияти аъзоси ҳам эди. Шифокор Кошурников Василий Васильевич (1878 йилда туғилган) 1910 йилда Маргилонда, 1911 йилдан эса А.В.Мали ўрнига Андижонда шаҳар шифокори бўлиб хизмат қила бошлади.

Молиявий аҳвол. Туркистондаги тиббий аҳвол тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун медикаментларга кетган харажатларга ҳам эътибор берсак. Масалан, 1891 йилда Сирдарё вилоятида медикаментларга 7354 руб. 63 коп. ажратилган. Бундан Тошкент аҳолисига бепул тарқатилган 5045 руб. дорини олиб ташланса, уездларда 33327 беморни даволаш учун 2309 руб. 63 коп., яъни бир бемор учун 6,9 тийин сарфлангани кўринадилар!⁴⁹

Умуман, халқ соғлигини сақлаш учун қанча маблағ сарфланган деган савол туғилади. Давлат солиқлари ўша йилларда Сирдарё областида 336908 руб., Фарғонада 730034 руб., Самарқандда 393423 руб. йигилган бўлса, шулардан: Сирдарё вилоятида 33130 руб., Фарғонада 33471 руб., Самарқандда 23000 руб. аҳоли соғлигини сақлаш учун ишлатилган, яъни ҳар бир тўлов рублдан Сирдарёда 9,8 тийин, Фарғонада 4,5 тийин, Самарқандда 5,8 тийиндан шу мақсадда фойдаланилган.⁵⁰ Бундай ҳолат XX аср бошларида ҳам давом этган. Жумладан, 1908 йилда Фарғона вилоятидаги қишлоқ врачлик пунктига бир йилда 6000 бемор мурожаат қилса, дори-дармон учун 300 рубль ажратилган, яъни ҳар бир бемор учун 5 коп. ажратилган.⁵¹ Битта оддий шишача 5 коп.дан арзон турмаган. Бу эса жаҳоннинг бошқа мамлакатлари

⁴⁹ Васильев Н. Наша общая беда и как помочь ей // Окраина. 1895. № 61, 62.

⁵⁰ Ўша жойда.

⁵¹ История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917 гг.). Том 2 / Составители Шамсутдинов Р.Т., Хашимов С.А., Базаров К. – Ташкент: Sharq. 2012. – С.300 – 301.

⁴⁶ Медицинское дело в крае // Ташкентский курьер. 1908. №18.

⁴⁷ Ўша жойда.

⁴⁸ Медицинская помощь инородцам Туркестана и их отношение к русским врачам. – СПб., 1903. – С.93.



эмас, балки Россия империяси марказий қисмидаги ҳолат билан таққосланса, медикаментлар учун деярли маблаг сарфланмаганлигини кўрсатади.

Хусусий шифохоналар. Туркистонда давлатга қарашли шифохоналардан ташқари хусусий кишиларга қарашли амбулаториялар ҳам фаолият юритган. Бу амбулаториялар солиқни муҳофаза қилишнинг барча қоидаларига риоя қилиб ишлаган. 1914 йилда «Садои Фаргона» газетасининг хабарига кўра, Қўқонда Ч.Ю.Норвилло ва Н.С.Качхоев томонидан биринчи хусусий шифохона фаолиятини бошлаган. Унда юқумли касалликлардан бошқа барча касалликлар даволанган, ҳатто доялик ҳам қилинган. Шифохонага эркалар, аёллар ва болалар мурожаат қилиши мумкинлиги таъкидланиб, муолажалар нархи ва қабул соатлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.⁵² Ушбу хусусий шифохона иши ҳақида 1916 йилда «Туркестанский край» газетасида ҳам эълон қилинган.⁵³ «Садои Фаргона» газетасида аёл шифокорлардан Е.С.Мастеркова болалар ва аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиши ҳақида хабар берган.⁵⁴

1911 йилдаги маълумотларга кўра⁵⁵, ўлкада 48 шифокордан атиги 18 таси касалхона ва амбулатория ходимлари ҳисобланган, қолган 30 шифокор эса хусусий тартибда ишлаган. Тиш врачлари сони анча ортган. Ўша йили фельдшерлар сони 36 тага, доялар 19 тага етган.

Умуман олганда, ташкил этилган шифохоналарга мурожаат этган беморлар сони йилдан-йилга ошиб борган. Аммо баъзи бир касалликлар бўйича, хусусан, ўткир юқумли касалликлар бўйича аҳоли шифохоналарга кам мурожаат қилишган.

Бу борада русийзабон шифокорларга табиблар, маҳаллий суяк солувчилар рақобатдош бўлган. Табибларнинг шикастланган органни вақтинча қимирлатмаслиги тўғри чора

эканлиги, умуман, табиблар бу борада Европа тиббиётидан илгарилаб кетгани, яъни улар шикастланган органни қимирлатмасдан узоқ ушламасдан, уқалашга ва фаол ҳаракатга ўтишини европача шифохоналар ходимлари тўғри деб ҳисоблашган.⁵⁶

Маҳаллий аҳоли русийзабон шифокорларнинг жарроҳлик амалиётидан фойдаланиши ҳам ошиб борди. Бу ҳақда ўлкада узоқ вақт аҳолига тиббий хизмат кўрсатган шифокорлардан бири А.Л.Шварцнинг таъкидлашича, маҳаллий аҳоли тақдирга тан берса-да, катта операциялар қилдиришга розилик берганлар. Улар «аввало Оллоҳ, кейин сен (доктор)» деган ҳолда операция столига ишонч билан ётардилар. Бу ҳолдан доктор А.Л.Шварц, русийзабон шифокорлар хирургия соҳасида маҳаллий аҳолининг ишончини қозона олганлар деган хулосага келади.⁵⁷

Аммо юқоридаги шифохоналардан кўпроқ шаҳар аҳолиси фойдаланар эди. Туркистон аҳолисининг кўпчилигини ташкил қилган қишлоқ аҳолиси XIX аср охиригача тиббий ёрдам кўрсатиш тизимидан четга чиқиб қолганди. Шунингдек, аҳолига фақат амбулаториялар орқали ёрдам кўрсатиш етарли эмас эди. Чунки амбулаторияга ёрдам сўраб келувчи беморларнинг кўплигидан врач уларни яхшилаб текширишга жисмонан имконияти етмас эди. Маҳаллий аҳолига бир неча ўн йиллар тиббий ёрдам кўрсатган врач А.Л.Шварц бу ҳақда «беморлар шифокорнинг олдида қанчалик тезлик билан қисқа муддатга кўриниш беришлари ва врачлар шундай тезликда ҳаракат қилишлари, жуда зийрак ва тажрибали бўлишлари кераклигини тасаввур қилиш мумкин. Табиийки, бундай шовилинч ишлаш натижасида керагича тиббий ёрдам кўрсатиш иложи йўқ эди»⁵⁸ деган хулосага келади. Шунини айтиш керакки, Туркистонда замонавий тиббий билимга эга бўлган биронта киши бўлмаган.

⁵² Садои Фаргона. 1914. №35.

⁵³ Туркестанский край. 1916. №7.

⁵⁴ Садои Фаргона. 1914. №35.

⁵⁵ УЗР МДА. И.17-фонд. 1-руйхат. 38010-иш. 1 – 3-варақлар.

⁵⁶ Успехи русской медицины среди туземцев // Туркестанский курьер. 1909. №172. 173.

⁵⁷ Ўша жойда.

⁵⁸ Ўша жойда.



Русийзабон шифокорлар маҳаллий тилларни билмаслиги ва кўпинча таржимонлар йўқлиги ҳам маҳаллий аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни қийинлаштирган. 1914 йилда «Садои Фаргона» газетасида чоп этилган «Табибга муҳтожлик» мақоласи ҳам фикримизни тасдиқлайди. Унда ёзилишича, маҳаллий кишилар касал бўлиб қолса, докторга ёрдам сўраб мурожаат этишга иккиланишига сабаблардан бири тил билмаслиги бўлиб, шунга қарамай, бориб аҳволини ишора билан тушунтиради, докторнинг айтган сўзларини тушунмайди, берган дорисини қандай ичишни билмасдан тўтри келганда ичади. Мақоланинг номаълум муаллифи маҳаллий аҳолидан доктор йўқлигидан афсунадомат чекар экан, болаларни мактабда ўқитмагандан кейин аҳвол шундай давом этишини тушунтириб, «биз учун неча юз мусулмон доктор бўлса камлик қилур» деб ёзади.⁵⁹

Хулоса қилиб айтганда, XIX аср охирида ўлкада замонавий европача типдаги шифохоналар ташкил этилиб, дастлабки бундай шифохона хотин-қизлар ва болаларга мўлжалланганлиги ўлкадаги шароитдан келиб чиқиб ташкил этилганлигини кўрсатади. Шифохоналар сони йилдан-йилга ошган бўлса-да, уларнинг сони талаб даражасида бўлмаган ва улар молиявий томондан огир аҳволда эди. Шунга қарамай, амбулаториялар ёрдамида маҳаллий аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш Туркистонда кенг тарқалган бўлиб, ўлка аҳолисига замонавий тиббий ёрдам кўрсатишнинг деярли ягона

имконияти эди. Фаргона вилоятида вужудга келган шифохоналарда олий маълумотли русийзабон шифокорлар, ўрта маълумотга эга бўлган фельдшерлар, таржимонлар фаолият юритишган. Баъзи шифокорлар узоқ йиллар водий аҳолисига тиббий хизмат кўрсатган.

Бундан ташқари, XIX аср охири – XX аср бошларида ташкил этилган амбулаторияларда стационар ҳолатда ва, аксинча, шифохоналарда амбулатор ҳолатда даволаниш имконияти бўлган. Газета саҳифаларида Фаргона вилоятида ташкил этилган хусусий тиббий муассасалар фаолияти ҳақида ҳам эълонлар бериб борилган. Умуман, ўлкада фаолият юритган шифокорларнинг аксарияти XX аср бошларида хусусий шифохоналарда иш олиб боришган. XX аср бошларида эса ўлкадаги хусусий шифохоналарда кўп ҳолларда давлатга қарашли шифохоналарда хизмат қилган шифокорлар томонидан очилган. Бу даврда маҳаллий аҳоли орасидан битта ҳам шифокор етишиб чиқмаган, аммо баъзи юқумли касалликларга қарши эмлаш учун маҳаллий аҳоли орасидан мутахассислар тайёрланган.

Тиббий муассасаларга давлат томонидан кам маблағ ажратилиши ва ночор моддий аҳволи, тиббий кадрлар етишмаслиги, уларнинг сони Россия империясининг бошқа губерниялари билан солиштирилганда ниҳоятда кам эканлиги ҳамда шифокорларнинг маҳаллий тилни билмаслиги аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда қатор қийинчиликлар тугдирган.

⁵⁹ Табибга муҳтожлик // Садои Фаргона. 1914. №55.



ЧЎЛПОН

ГПУ-ОГПУ-НКВД ИСКАНЖАСИДА

Наим Каримов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

Хар қандай мустамлакачи давлат мустамлака ўлкасида яшаган илғор фикрли, ўз халқи ва мамлакати манфаати йўлида жон куйдирган кишиларни доим назорат қилиб келган. Шу маънода XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёни забт этган Россия империяси истисно бўлмаган. У Туркистон генерал-губернаторлигида фавқулодда катта ваколатларга эга бўлган махфий муҳофаза бўлимини тузиб, миллий халқларнинг «ўзгача фикрловчи» барча вакиллари доимий назорат, таъқиб ва тазйиқ остига олган. Халқ орасида «Чор оҳранкаси» номи билан машҳур бўлган шу ташкилот Туркистон халқини уйғотиши, маърифатлаштириши мумкин бўлган янги усул мактабларининг, миллий матбуот ва миллий театрнинг шаклланишига қарши жон-жаҳди билан курашган.

1917 йил ноябрида Петербургдаги давлат тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига келган большевиклар «Чор оҳранкаси» ва унинг тажрибали айгоқчилардан иборат корхонасини сақлабгина қолмай, 20-йиллар аввалидан бошлаб «оҳранка» архивида тўпланган махфий маълумотлар асосида ўзбек халқининг илғор ва ҳур фикрли фарзандларининг ҳар бир қадами доимий назорат остига олдилар. Шундай кишилардан бири эрк ва ҳуррият жарчиси, оташнафас шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпондир.

Чўлпон 1918 йил февралда Туркистон мухторияти ҳукуматини тугатиш баҳонасида Қўқон шаҳрини қонга ботирган, 1919 йилда Шарқ халқларининг Бокуда бўлиб ўтган анжуманида СССРдаги Шарқ халқлари зиёлиларининг ўзаро яқинлашишига тиш-тирноги билан қаршилиқ кўрсатган, 20-йиллар арафаси ва бошларидаги очлик йилларида, шунингдек, «босмачилик ҳаракати»га қарши кураш даврида ўн минглаб фаргоналикларнинг ёстигини қуритган Совет давлатининг зулм ва зўравонликка асосланган давлат эканлигини ўз кўзи билан кўрди. «Бузилган ўлкага» сингари шеърлари билан юрт-

дошларини шу давлатга қарши курашга даъват этди. Совет давлатининг ГПУ-ОГПУ-НКВД органлари буни яхши билган. Шунинг учун ҳам бу органларнинг айгоқчилари Чўлпоннинг ҳар бир қадами кечаю кундуз кузатиб юрганлар. У ёзган асарлар сиёҳи қуримасдан туриб айгоқчилар томонидан ўғирланган ва йўқ қилиб юборилган. Чўлпон ҳатто 1923 йили «Туркистон» газетаси таҳририятига мурожаат этиб, қуйидаги хатини эълон қилишларини илтимос қилган:

«Истакли муҳаррир ўртоғим!

Яқинда меним бир дафтарчам (тетрадь) йўқолди. Қовоз муқовалик ул дафтарчага сўнг вақтда ёзгон шеърларимни йигиб кўчирган эдим. Агар янглишмасам, ул дафтарчада «Ўйнамоқ ва кулмоқ истар экан», «Қиш олдида», «Қора рўмолликка», «Эчки ўйнатгучи қизга» номлик шеърларим бор эди.

Шуни кўрган, билган ўртоқлар бўлса, ўзимга қайтармоқларини сўрайман. Шунинг йўқлиги иккинчи шеърлар мажмуасининг чиқмаслигига сабаб бўлуб турадир.

Тўла эҳтиром ила,

Ч ў л п о н.



Чўлпон замондошларининг 1937 – 1938 йиллардаги қама-қама вақтида НКВД терговчиларига берган маълумотларига қараганда, унинг сара шеърлари ёзилган «олтин дафтари» ҳам бўлган. Айгоқчилар шу дафтарни ҳам ўгирлаб, шоирнинг узоқ вақт азоб ва изтироб оташида яшашига сабабчи бўлишган. Комил Яшиннинг хотирлашича, шундай шармандали воқеа ва ҳодисалардан кейин Чўлпон ёзган янги асарлари қўлёзмасини ёстиги жилдига яшириб, қаерга борса шу ёстигини ўзи билан бирга олиб юрган. Афсуски, кунларнинг бирида Чўлпонга яқин ва сирдош кимсалардан бири шу ёстиқни ичидаги барча қўлёзмалар билан бирга ўгирлаб, ГПУ-ОГПУнинг қора сандигига олиб бориб берган. Шундай жиноий ишларни шапка кийган малласоч изкуварлар эмас, Чўлпоннинг теварак-атрофида дўппи кийиб, кўк чой ичиб юрган зиёлилар – юртдошлари қилишган.

Бу ГПУ-ОГПУ органлари томонидан Чўлпонга қарши уюштирилган ички таъқиб ва тазйиқдир. Аммо бу воқеа мазкур органлар ташкил этган таъқиб ва тазйиқларнинг «ҳолва»си.

1927 йилда Октябрь давлат тўнтаришининг содир бўлгани ва совет давлатининг тарих саҳнасига келганига 10 йил тўлган. Ун ёшли давлат ўзини азамат чинордек ҳисоблаб «ички душманлар»ининг пайига тушган. 1929 – 1930 йилларда Ўзбекистонда дастлаб суд ва прокуратура ходимлари, кейин Мунаввар қори Абдурашидхонов раҳбарлигидаги «Миллий иттиҳод» ташкилотининг собиқ аъзолари, сўнгра Боту бошчилигидаги Маориф халқ комиссарлиги ходимлари устидан намунавий суд жараёнлари ўтказилиб, ҳибсга олинган маҳбусларнинг бир қисми Москвада отиб ташланган, қолган қисмига эса 10 йиллик қамоқ жазоси берилиб, совет давлатининг «борсакелмас» жойларига бадарга қилинган. Ботудек Москва Давлат университетида таълим олган, шу ерда рус қизига уйланган, совет давлатига ўта садоқат билан хизмат қилаётган йигитки миллатчиликда айбланиб қамалган бўлса, ашаддий «миллатчи» Чўлпоннинг озодликда юриши амри маҳол эди. Буни Чўлпон яхши билган. Буни Чўлпоннинг шапка кийган рақиблари ҳам, дўппи кийган дўстлари яхши билишган.

1927 йил 14 февралда «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Айн» (Олим Шарафиддинов)нинг «Ўзбек ёш шоирлари. Чўлпон» мақоласининг босилиб чиқиши маданий Ўзбекистонни ларзага келтирди. Асарлари «Ўткан кунлар» романидек севиб ўқилган, ўзбек халқининг ор-номуси бўлган Чўлпон «Айн» томонидан «миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоири» деб эълон қилинган эди. Чўлпонни устоз сифатида қадрлаган Ойбек шу газетанинг 17 май сонида «Айн» мақоласига қарши «Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?» деган мақола билан чиқиб, рус халқи йўқсиллар шоири бўлмагани учун Пушкиндан воз кечмаганларидек, биз ҳам Чўлпон яратган бадиият намуналаридан завқ олишда давом этамиз деган ҳақ сўз билан устозни вульгар танқидчи чангалидан қутқариб олишга интилди. Кўп ўтмай Усмонхон (Эшонхўжаев) шу газетанинг 22-, 23- ва 27-сонларида «Мунаққиднинг мунаққиди» номли мақоласини эълон қилиб Ойбекнинг Чўлпон ҳақидаги фикрларини чиппакка чиқармоқчи бўлди. Ойбек «Мунаққиднинг мунаққиди» мақоласининг эгасига» (ўша газета, 28 август) деган яна бир мақола билан чиқиб, «Айн» ва Усмонхоннинг вульгар социологизм руҳи билан сугорилган фикрларини тамомила рад этди. Гарчанд газета баҳсга Ойбек мақоласи билан нуқта қўйган бўлса-да, марказком «Айн» билан Усмонхон тарафини олди. Шунинг натижаси ўлароқ «Қизил Ўзбекистон» газетасида Комил Алиевнинг «Ақлли жинни» (1937 йил 12 октябрь), «Қора кийинган қизил тўй» (1928 йил 27 июль), Олтойнинг «Қаршибоев» қуруқ «хужум» учун» (1929 йил 27 декабрь), «Чўлпончилик кайфияти билан курашайлик» (1930 йил 27 июнь), С.Холдорованинг «Қаршибоев» – саҳнамизга ярарликми?» (1929 йил 17 декабрь), «Правда Востока» газетасида эса Эль-Регистаннинг «Лай цепных собак Кокандского хана» (1929 йил 17 апрель) каби мақола ва фельетонлари эълон қилинди. Бу мақолаларнинг аксар қисми биз билган ташкилотлар буюртмаси билан ёзилган эди.

Чўлпон орқасидан қўйилган айгоқчилар орасида «Енисей» лақаблиси ҳам бўлган. У 1928 йилга оид рус тилидаги чакувномаларининг бирида ОГПУга шундай маълумотни берган:



«28/VIII да «Қизил Ўзбекистон» таҳририятига кирдим. Жулқунбой, Чўлпон ва Санжар ҳузурида Шоҳид Эсон ҳақида гап очдим. Жулқунбой бу воқеадан норози бўлган худди Зуннун билан Элбекдек гапирди. Чўлпон киноявий оҳангда «Шоҳид Эсон рус тилини билмайди, жуда яхши бўпти. Истанбулда тарбия кўрган кишининг шўро мактабида ўқитувчилик қилиши мумкин эмас; бинобарин, ҳозирги вақт Эсоннинг ҳам, бошқаларнинг ҳам обрў-эътибори кўтариладиган вақт эмас», – деди.

Шундан кейин туркийчиларнинг Боку курултойи тўғрисида сўз борди. Хонаси келганда мен Чўлпондан у ерга бориш ё бормаслигини сўрадим. «У ерга боришдан ва «пантуркист» деган лақаб орттиришдан Худо сақласин. Ким пантуркизм билан заҳарланган бўлса, ўша Бокуга интиляпти. У ерга Фитрат бора қолсин, у шунга мос», – деди Чўлпон.

Чўлпон пантуркизм масаласида Фитратдан ошиб тушади. Унинг ўзи боролмаслиги учун Фитрат сафарига ҳасад қилиб шундай сўзларни айтди.

Чўлпон яқинда Москвага боради».

Юқорида келтирилган чақувномадан шу нарсаси аён бўладики, биринчидан, «Енисей» сингари турли лақабли айгоқчилар Чўлпон сингари миллат фидойиларининг ҳар бир қадамини туну кун кузатиб, ҳар бир айтган сўзини зудлик билан ГПУ-ОГПУ-НКВД органларига етказиб турганлар. Иккинчидан, Чўлпон ва унинг зийрак маслакдошлари бу кимсаларнинг айгоқчи эканлигини яхши билишган ва уларни ёлгон маълумотлар билан «таъминлаб» туришган.

Яна шу нарсани айтиш керакки, 1938 йилда бўлиб ўтган тергов жараёни ва «учлик»нинг суд йиғилишларида «Енисей» сингари айгоқчилар томонидан НКВДга берилган маълумотлар, шунингдек, 1937 – 1938 йиллардаги қатагон қурбонларидан қийноқ остида олинган кўрсатмалар ўн минглаб, балки юз минглаб кишининг «халқ душмани», «аксилинқилобчи» ва «миллатчи» деган айблар билан отиб ташланиши ёки 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинишида ашъвий далил вазифасини бажарган.

Қуйида илк бор матбуотда эълон қилинаётган тергов баённомаси, биринчидан, ўзбек хал-

қининг эрк ва ҳурриятга эришиши йўлида ижод қилган Чўлпоннинг қандай огир ижтимоий-сиёсий шароитда яшагани ҳақида тасаввур уйғотса, иккинчидан, Чўлпон ҳаётининг айрим номаълум саҳифаларини тушунишимизга ёрдам беради, учинчидан, ГПУ-ОГПУ-НКВД ходимларининг ҳар бир миллатсевар зиёлини доимий сиёсий қузатув остига олгани, келажакда шу миллатсевар зиёлиларнинг барчасини гумдон қилиш учун улар ҳақида рост ва ёлгондан иборат сандиқ-сандиқ материалларни тўплани ва уларни шу материаллар асосида қириб келганини яққол кўрсатади.

Терговни НКВДнинг қонхўр терговчиларидан бири Агабеков олиб борган.

Леон Андреевич Агабеков 1903 йили Ашхобод шаҳрида туғилган. 1930 йили большевиклар партиясига аъзо бўлиб кирган. 1937 – 1938 йилларда ЎзНКВД Давлат Хавфсизлиги Бошқармасининг IV бўлими бошлиги бўлиб ишлаган. 1939 йил 21 январда ўз вазифасини суиистеъмол қилганликда айбланиб ҳибсга олинган.

ЎзНКВД Тошкент вилоят бўлими бошлиги В.М.Бриль Агабеков ҳақида бундай кўрсатма берган:

«Агабековнинг душманлик иши асосан шундан иборатки, у 1937 йили бир неча марта оммавий тадбир ўтказган: ўша пайтда оммавий ишларни ўтказиш вазифаси IV бўлим зиммасига юкланган бўлиб, тадбир давомида Тошкент вилояти бўйича минг (1000)тагача киши ҳеч қандай далил-исботсиз қамоққа олинган. Агабеков Тошкент вилоятининг барча туманларида ана шундай тадбир ўтказган. Жиноятга мутлақо алоқаси йўқ кишилар ҳам ҳибсга олинаверган... Кўрсатмада «жосус», «ташқилот аъзоси» деб ёзиларди-ю, аммо бунинг тасдиқлайдиган ҳеч қандай далил бўлмасди. Натижада сохталаштирилган ишлар юзага келарди...»

«Султон суягини хорламас» деганларидек, 1942 йил 21 ноябрь куни бўлиб ўтган СССР НКВД йиғилишида 1939 йили Агабековга берилган жазо муддати қисқартирилади ва шу кунгача қамоқхонадан озод қилиб юборилади. 1944 йил 19 августда эса СССР НКВДнинг махсус йиғилишида Агабеков бўйнидан судлангани ва шу билан боглиқ барча чекловлар олиб ташланади.



Абдулҳамид Сулаймоновнинг 1937 йил 23 июлдаги тергов баённомаси

С а в о л: Сиз аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлганликда айбланасиз, шуни тан оласизми?

Ж а в о б: Мен ўзбек адабиётидаги аксилинқилобий миллатчиликнинг мафкурачиларидан бири бўлман, бу йўлга Октябрь инқилобининг дастлабки кунларида кириб, Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқидан ажралиб мустақил бўлиши учун Совет ҳукуматига қарши курашиб келмоқдаман. Мен таниқли эски ўзбек жадид ёзувчиларидан таркиб топган аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси эканлигимни тан оламан [1].

С а в о л: Ёзувчилардан иборат аксилинқилобчилар гуруҳининг таркиби ва шу гуруҳнинг қачон юзага келгани ҳақида кўрсатма беринг.

Ж а в о б: Ёзувчиларнинг аксилинқилобий миллатчилар гуруҳида бўлганлар: мен, профессор Фитрат, адабиётшунос Ғози Юнус, Санжар Сиддиқов, Жулқунбой ва Ғулом Зафарий. Бу гуруҳ 1934 йил охирида, Москвадан қайтиб келганимдан кейин, аксилинқилобий миллатчилик мавзусидаги бир неча бор учрашувимиз ва мунтазам суҳбатлар ўтказишим натижасида юзага келган [2], аммо мен бу шахслар билан аввал ҳам бир неча йил мобайнида алоқада бўлганман. Зикр қилинган бу шахсларнинг ҳар бири Совет давлатига нисбатан гаразли кайфиятда бўлган ва амалда тил, адабиёт ва рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш соҳасида аксилинқилобий миллатчилик ишларини олиб борган.

С а в о л: Сиз санаб ўтган шахслар маданий жабҳада қандай амалий аксилинқилобий-миллатчилик ишларини олиб боришган?

Ж а в о б: Ўзимдан бошлайман. Мен Октябрь инқилобидан бошлаб узоқ йиллар давомида аксилинқилобчи-миллатчи бўлиб келдим, гарчанд айрим даврларда менда ўзимдаги эски қарашларни қайта кўриб чиқиш масаласида тебранишлар кўринган бўлса ҳам. Аммо бу ҳолат узоқ давом этмаган ва мен аввалгидек аксилинқилобчи ва миллатчи бўлиб юравердим.

Ёшлигимда жадидларга қўшилиб, ҳамиша ўта аксилшўровий кайфиятдаги шахслар даврасида бўлдим ва шу ҳол кейинчалик менинг бутун ҳаётимда ўз изини қолдирди. Мен 1921 йилдаёқ Қизил Армиянинг қурбони бўлган аксилинқилобчи-авантюрист Анвар Пошага бағишланган «Балжувон» сарлавҳали «ўлган қаҳрамонлар йигиси» шеърини ёзганман [3]. Бу шеър аксилинқилобий мазмунга эга. Анвар Пошани миллат қаҳрамони сифатида талқин қилганман. Сўнгги йилларда мен матбуотда ўта аксилинқилобий-миллатчилик йўналишидаги асарлар билан чиқиб, Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг душмани бўлганим учун уларга асарларимни ўқувчи кишиларга Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун курашиш лозим, Совет ҳокимиятининг маҳаллий халқларни эзишига қарши курашиш лозим, Совет Иттифоқиде яшаётган Шарқ халқларининг Совет ҳокимиятига қарши курашда бирлашишлари лозим деган фикрни сингдирганман. Шу билан бирга, Туркияни, Туркиядаги давлат тузумини мақтаб, бу фикрни теварак-атрофимдаги шахсларга сингдирганман, қисқаси, пантуркист бўлганман.

Менинг советларга қарши асарларим қуйидагилар: «Бузилган ўлкага», «Амалнинг ўлими», «Қушнинг ҳадиги, «Қилич қа қон», «Виждон эрки», «Эпоха», «Азы» [4], «Севги ва салтанат» ва бошқалар, ҳозир ҳаммасини эслай олмайман, аммо мен аксилшўровий шеърларни кўп ёзганман. Айтишим керакки, мен таниқли аксилинқилобчи-миллатчи бўлишимга қарамай, Ўзбекистондаги раҳбар ходимлардан бирининг маънавий ва моддий мададидан баҳраманд бўлганман.

С а в о л: Ким сизни моддий ва маънавий жаҳатдан қўллаб-қувватлагани ҳақида кўрсатма беринг.

Ж а в о б: Бу шахс – Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг собиқ раиси Файзулла Хўжаев [5]. У аксилинқилобий миллатчилик гуруҳимизнинг энг таниқли қатнашчиларига – мен билан Фитратга ҳомийлик қилиб, бизни қўллаб-қувватлаган, Бухоро амирлиги ва Бухоро Халқ Совет Жумҳурияти давридан бошлаб Фитрат билан яқин алоқада бўлган.



Мен Файзулла Хўжаев билан илк бор 1919 йилда танишганман. Унга тахминан 1931 йилда рўпара келдим. 1930 йили Боту, Рамзий ва бошқа бир қанча миллатчи-аксилинқилобчилар ҳибсга олинганида мен ҳам қамоққа олинишим мумкинлигидан хавотирга тушдим. Бироқ Фитрат Файзулла Хўжаев билан унинг богида учрашганидан сўнг менинг хавотирланишим ўринсиз, зеро, мен билан унга, Фитратга тегмасликларини маълум қилган.

Мени матбуотда буржуа миллатчиси ва аксилинқилобчи сифатида фош этишга зўр беришганида мен 1931 йили Файзулла Хўжаевга шикоят қилиб, ёрдам сўраб бордим. Файзулла Хўжаев мени тинчлантириб, 300 сўм берди ва вақтинча Тошкентдан чиқиб кетиб, Москвага боришимни ва жамоатчилик хийла унутганидан сўнг қайтиб келишимни маслаҳат берди, мен унинг айтганини қилдим.

1932 – 1934 йилларда Москвада бўлганимда Файзулла Хўжаев келиб-кешиб турган кунларда унинг ҳузурида уч марта бўлганман, у мени доим хушмуомалалик билан кутиб олиб, қўлимга пул берган.

Тошкентга қайтиб келганимдан кейин, 1934 йил охирида Файзулла Хўжаев менга 500 сўм пул ва яхшигина квартира олиб берди. Файзулла Хўжаев 1936 йили мен билан хасталигим масаласида сўзлаша туриб, менга менинг ҳаётим кераклигини, мени энг яхши шоир сифатида қадрлашини айтди. Файзулла Хўжаев: «Биз сиздан жудо бўлолмаймиз», – деб менга энг яхши шифокорларда даволанишни маслаҳат берган.

Бундан ташқари, Фитрат билан бўлиб ўтган суҳбатларда Фитрат бир неча марта ўзимизни сақлашимиз керак, таниқли артист Қори Ёкубов эса мен билан учрашган чоғларида Файзулла Хўжаев мени жуда ҳурмат қилишини айтди.

Шу айтилганлар асосида ўйлайманки, Файзулла Хўжаев мени ва Фитратни фаол аксилинқилобчилар сифатида билганига қарамай [6], бизни қўллаб-қувватлаган ва бунга унда қандайдир фикр-мулоҳазалар бўлган.

С а в о л: Москвада яшаган пайтингизда хорижий фуқаролар билан алоқада бўлганмисиз?

Ж а в о б: Йўқ, мен хорижий фуқаролар билан алоқада бўлмаганман.

С а в о л: Сизнинг кўрсатмаларингиз ёлгон. Терговда сизнинг Москвада хорижий элчихоналарга бориб юрган хорижий фуқаролар билан алоқада бўлганингиз ҳақида маълумотлар бор. Тергов сиздан ҳаққоний кўрсатмалар беришни талаб қилади.

Ж а в о б: Тан оламан, мен Хитой элчихонасига кириб-чиқиб юрган Хитой фуқароси, уйгур Акбар Собиров [7] билан алоқада бўлганман, у гўё Москвада қандайдир савдо-сотик ишлари билан машғул бўлган.

С а в о л: Қачон ва ким сизни Собиров билан таништирган?

Ж а в о б: Собиров билан 1932 йили танишганман, мени у билан собиқ савдогар Қутбиддин Нажмиддинов таништирган, у Собировни квартирамга олим келган. Нажмиддинов билан ҳеч қачон таниш бўлмаганман. Собиров билан Нажмиддинов яшаш жойимни библиб, мени шоир сифатида зиёрат қилишган.

С а в о л: Хитой фуқароси Собиров билан тез-тез учрашиб турганмисиз ва шундай учрашувлар чоғида нима ҳақида суҳбатлашгансиз?

Ж а в о б: Мен кейинчалик Собиров билан бир неча марта учрашганман, бизнинг ўрта-миздаги суҳбат адабиёт ҳақида бўлган.

С а в о л: Собиров сизга ўзи ҳақида нималарни айтган?

Ж а в о б: Собиров яқинда Туркияда бўлгани, икки биродари Нанкинда яшаб, аллақандай сиёсий мактабда ўқиётгани, ўзи эса Москвага савдо ишлари билан келгани ва ўқтин-ўқтин Хитой элчихонасига бориб туришини айтган. Собировнинг айтишича, у инқилобга қадар савдо ишлари билан Син-Цзян вилоятига бориб юрган отамни билган [8]. Биз Собиров билан мулоқотда японпарастлик руҳидаги сўзларни айтганмиз. Хусусан, мен япон халқининг маданияти ва ҳамжиҳатлигини мақтаб, японларнинг «Осиё осийликлари учун!» [9] деган шиори-га ижобий муносабатда бўлганман.

С а в о л: Собировнинг сизни жосуслик ташкилотига қандай шароитда ёллагани ҳақида кўрсатма беринг.



Ж а в о б: Собиров мени очикдан-очик жосуслик ташкилотига ёлламаган ва менга шундай ташкилотнинг борлигини ҳам айтмаган. Аммо шу нарсани тан оламанки, мен Собировга уни қизиқтирган айрим маълумотларни берганман ва у шу маълумотдан жосуслик мақсадида фойдаланган бўлиши эҳтимол. Тушунаман, у мени амалда ўз тузогига илинтирган, ҳатто мен танг аҳволда яшаганим учун ундан пул олганман.

С а в о л: Собировдан қанча пул олгансиз?

Ж а в о б: Собировдан 200 сўм ва Собиров билан алоқада бўлган шахс – Ҳусайновдан 5 сўмлик торгсин бонисини олганман.

С а в о л: Собировга жосуслик характеридаги қандай маълумотларни бергансиз?

Ж а в о б: Собиров мен билан суҳбатда Хитой Туркистонида миллий ҳаракатга раҳбарлик қилиши ва мамлакатда маърифатга раҳбарлик қилиши мумкин бўлган маданий кишиларнинг озлигини айтиб, менга Син-Цзянга муҳожир бўлиб боришни таклиф қилган. Мен бу таклифга кўнмаганман. Шундан кейин Собиров мендан Совет ҳокимиятига мурасасизлиги билан танилган эски миллатчилар рўйхатини беришни сўради. Мен Собировга Абдулла Қодирий Жулкунбой, Шоҳид Эсон Мусаев каби миллатчи-аксилинқилобчиларнинг рўйхатини бердим. Шундан кейин Собиров 1930 йили қамоққа олинган «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотининг раҳбарлари Муннаввар қори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва Абдуваҳоб Муродийнинг тақдири ва ҳозир уларнинг қаерда эканликлари билан қизиқди, мен унга Абдурашидов ва Тиллахоновнинг қаерда эканликларини билмайман, Муродий эса сургунда, аммо унинг қаерда эканлиги менга номаълум дедим [10].

Шундан кейин Собиров мендан Тошкентга бормоқчи эканлигини айтиб, Тошкентда эски ишончли жадидлардан кимлар билан алоқа ўрнатиш мумкинлигини сўради.

Орадан анча вақт ўтиб, Тошкентда яшаётганимда Мусаев уйимга келиб, бир уйгурнинг келгани ва унга Син-Цзянга қочиб бориб, ўша ерда ишлашни таклиф этганини айтди. Мен Мусаевнинг СССРдан қочиб кетиши лозимлиги ҳақидаги фикрга қўшилдим, аммо бордию

чегарада ушлаб қолишса, қаттиқ жазоланиши ҳақида огоҳлантирдим. Мусаев билан учрашган уйгурнинг белгиларидан Собировнинг ўзи эмас, балки Ҳусанбоевнинг ўғли келганини билдим.

С а в о л: Сиз билан Тошкентда Ҳусанбоевнинг ўғли алоқа боғладими?

Ж а в о б: Йўқ, у мен билан Тошкентда алоқа боғламаган.

С а в о л: Собировга жосуслик характеридаги яна қандай маълумотларни бергансиз?

Ж а в о б: Мен Москвада Халқ Комиссарлари Советида таржимон бўлиб ишладим, қонунчиликка доир турли-туман ҳужжатларни таржима қилдим. Собиров мендан Совет ҳукумати қандай қонунларни чиқараётганини сўради ва мен унга шу ҳақида гапирдим. Собировнинг айнан қандай қонунлар чиқарилгани ҳақида сўрагани ёдимда йўқ. Бундан ташқари, мен Ўзбекистондан, Ғози Юнусдан очлик тўғрисида, Тошкент кўчаларида одамларнинг ўлиб ётганлари ҳақидаги маълумотларни олардим, Собировга шулар ҳақида сўзлаганман [11].

Бундан ташқари, мен Собировни СССР ХКС таржимони Далетшоев ва созанда Миракаримов билан таништирганман, улар ўртасида қандай муносабатлар бўлган – бундан беҳабарман.

С а в о л: Аксилинқилобий гуруҳ қатнашчилари Фитрат билан Ғози Юнус асарларидаги аксилинқилобчилик-миллатчилик ҳақида кўрсатма беринг.

Ж а в о б: Мен Фитратнинг «Темур саганаси», «Ўғузхон», «Чин муҳаббат», «Ҳинд ихтилолчилари», «Арслон», «Уторуд юлдузи», «Ўзбек адабиёти тарихи» (нашр этилмаган) ва бошқа совет жамоатчилиги томонидан қораланган аксилинқилобий миллатчилик руҳидаги қатор асарлар ёзганини биламан.

Ғози Юнус аксилинқилобчи-миллатчи сифатида маълум, бир замонлар эски жадид муаллифларининг асарларини таржима қилган. Ғози Юнус кейинги вақтда бир пьеса ёзди ва унинг саҳна юзини кўришига рухсат берилди.

Шуни айтишим керакки, Ғози Юнус ЎзКП(б) МК котиби Икромовдан ранжиб, Маллабоев билан Хонсуворовни эса кўкларга кўтариб



юрибди. Ғози Юнуснинг Икромовдан ранжиши мафкура майдонида кураш бошланган пайтда бошланган, ўшанда Икромов аксилинқилобчи-миллатчиларни, жумладан, Ғози Юнусовни фош этган эди.

Мен Москвадан келганимдан сўнг Ғози Юнусга Икромовга мурожаат этишни ва ундан ўзига иш бериш ҳақида илтимос қилишни таклиф этганман. Аммо Ғози Юнус таклифимни қатъий рад этиб, ҳеч қачон Икромовнинг олди-га ялиниб бормаслигини айтган.

Ғози Юнусов менга 1930 йили икки татарнинг уйига келиб, аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлишни таклиф қилганини айтган, узунқулоқ гапларга қараганда, улар қамоққа олинган [12].

С а в о л: Сизнинг аксилинқилобий гуруҳингиз – сиз, Фитрат, Ғози Юнусов ва бошқалар қатнашчиси бўлган «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий-миллатчилик ташкилоти фаолияти тўғрисида кўрсатма беринг.

Ж а в о б: Мен фақат 1931 йилда Заҳириддин Аъламдан «Миллий иттиҳод» йигилишида Наби Расулевнинг мени аксилинқилобий ташкилотга жалб этиш масаласини кўтаргани, аммо Мунаввар қори гўё менинг номзодимни рад этганини эшитганман.

Бундан ташқари, менга маълумки, Бухорода «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий-миллатчилик ташкилоти мавжуд бўлган ва Файзулла Хўжаев билан Фитрат унга аъзо бўлишган. 13 Дарвоқе, Фитратни аксилинқилобий ташкилот раҳбарларига фойдали маслаҳатлар берадиган энг ақлли аъзоси деб ҳисоблашган.

С а в о л: Бухорода «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилоти мавжуд бўлганлигини кимдан эшитгансиз?

Ж а в о б: Буни менга ким айтганини ҳозир эслай олмайман.

И з о ҳ л а р:

1. Чўлпон бирорта ҳам аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотига аъзо бўлмаган. У кўнгли бўш, сир сақлай олмайдиган, жисмонан заифроқ шахс бўлган. Шунинг учун ёр-дўстлари уни эҳтиётлаш мақсадида 20 – 30-йилларда ташкил этилган аксилшўровий ва аксилинқи-

лобий ташкилотларга таклиф этишмаган. Чўлпоннинг тергов бошларидаёқ ўзига ўзи туҳмат қилиши унинг 1937 йил 14 июлда қамоққа олинганидан то 23 июлгача бўлган даврда бир неча марта терговга чақирилиб, калтаклангани натижасидир. У шундай жисмоний қийноқлар ва ҳақоратлардан кўра ўзига ўзи туҳмат қилиб, аксилинқилобий-миллатчилик ташкилотининг аъзоси сифатида жазоланишни афзал билган.

2. Кўрсатмада тилга олинган ёзувчилар совет давлатининг гайримиллий ва гайридемократик давлат эканлигини яхши билган бўлсалар ҳам, унга қарши кураша оладиган аксилинқилобий ташкилотни тузиш мақсадини ҳеч қачон ўз олдиларига қўйишмаган. Аммо НКВД терговчилари олдида қўйилган вазифа, гарчанд тарих ҳақиқатига зид бўлса ҳам, шундай ташкилотлар тузилганлигини зиёли (ёзувчи) лардан тасдиқлатиб олиш ва уларни шундай ташкилотлардан бирининг аъзолари сифатида қамаш ва йўқ қилиш эди. Шунинг учун НКВД терговчилари маҳбусларнинг тергов пайтида берган кўрсатмаларини ўз мақсадлари йўлида истаганларича талқин қилишган. Карцер, 42-хона сингари НКВД дўзахларига кириб чиқиб, иродаси синдирилган маҳбусларда бу тергов баённомаларини тасдиқлашдан бошқа чора қолмаган.

3. «Балжувон» шеъри назарда тутилмоқда. Чўлпон Анвар Пошанинг «босмачилик ҳаракати»га келиб қўшилиши натижасида шу ҳаракатнинг кучайиб, Ўзбекистоннинг мустақил республика бўлиши мумкинлигига катта умид қилган. Анвар Пошанинг Балжувонда ҳалок бўлиши Чўлпон умидларини саробга айлантирган ва у тушкун руҳий ҳолати таъсирида «Балжувон» шеърини ёзган. Бу шеър Чўлпон ҳаётлик чоғида ўзбек матбуотида эълон қилинмаган.

4. Тергов баённомасида сарлавҳаси «Азы» деб кўрсатилган шеърнинг асл сарлавҳасини аниқлаш имкони бўлмади.

5. Файзулла Хўжаев – Чўлпон ва Фитратга меҳр-оқибат кўрсатган кишилардан бири. Чўлпоннинг терговда Ф.Хўжаевнинг ўзига, яъни «пантуркист шоир»га ҳомийлик қилганини айтиши кимларгадир сотқинлик бўлиб туюли-



ши мумкин. Аммо шуни унутмаслик керакки, биринчидан, Чўлпоннинг кўрсатмалари терговчилар томонидан обдан таҳрир қилинган. Қолаверса, НКВД терговчилари 1937 йилда маҳбуслар бермаган маълумотларни ҳам улардан қийноқ кўрсатмалар сифатида баённомаларга киритаверишган. Бундан ташқари, 30-йилларда маҳбуслар ўртасида «қабул қилинган» қоидага кўра, улар озодликда юрган ҳамкасбларини ўз ортларидан «эргаштирмасликлари» лозим эди. Шунинг учун улар ўзларига қўйилган айбни тан олибгина қолмай, НКВД қамоқхоналаридаги тақдири аллақачон ҳал бўлган юртдошларига қарши маълумот бериш «ҳуқуқига ҳам эга бўлишган».

6. *«Мени ва Фитратни фаол аксилинқилобчилар сифатида билганига қарамай...»* – терговчилар томонидан қўшилган ибора. Баённомадаги шу руҳдаги бошқа «эътирофномалар» ҳам терговчилар «ижоди»нинг маҳсулидир.

7. Уйғур миллатига мансуб Акбар Собиров ва қуйироқда тилга олинган Нажмиддинов тўғрисида Чўлпон ҳаётига бағишланган илмий-оммабоп ва мемуар адабиётда бирор маълумот учрамайди.

8. *«Син-Цзян вилоятига бориб юрган отамни билган»* – Чўлпон бу маълумотни Акбар Собировдан олган. Бу маълумотга қараганда, Чўлпоннинг газмол савдоси билан шуғулланган отаси 1917 йилдаги инқилобий воқеаларга қадар Син-Цзян савдогарлари билан яқин алоқада бўлган.

9. Японларнинг «Осиё осийликлар учун!» деган шиори ўтган асрнинг 20-йилларида ўзбек истиқлолчиларини ҳам мустақиллик учун курашга рағбатлантирган. «Миллий иттиҳод» ташкилоти японлар билан шу масалада алоқа ўрнатиш мақсадида Японияга ўз вакилларини юборишга уринган, аммо иттиҳодчиларнинг икки кишидан иборат вакиллари СССР-Хитой чегарасига яқин жойда ГПУ айгоқчилари томонидан ушлаб қолинган.

10. Акбар Собировнинг Чўлпонни шоир сифатида била туриб Абдулла Қодирий, Шоҳид Эсон Мусаев сингари «аксилинқилобчилар» рўйхати, қамоққа олинган Мунаввар қори Абдурашидов, Салимхон Тиллахонов ва Абдуваҳоб Муродийнинг ҳозир қаердалиги, Тошкентдаги қайси «эски ишончли жадидлар» билан алоқа ўрнатиш мумкинлиги масалалари билан қизиққани ва ундан шу масалалар бўйича маълумот беришни сўраганига ишониш қийин. Зеро, Чўлпон сиёсий жиҳатдан етарли даражада ҳушёр киши бўлган. Мусаевнинг Син-Цзянга кетаётган чоғида чегарада қўлга тушиб, мушкул бир аҳволда қолиши мумкинлигини билган Чўлпон Акбар Собировнинг Хитой жосуси эканлигини била туриб у билан «ҳамкорлик» қилиши асло мумкин эмас. Бу Чўлпонни нафақат аксилинқилобий ҳаракат ва миллатчилик, балки жосусликда ҳам айблаш учун терговчилар томонидан тўқилган тузоқдир.

11. Чўлпон Москвада таржимон сифатида хизмат қилган йилларда СССР ҳукумати қандай қонунларни қабул қилган бўлса, шу қонунларнинг барчаси матбуотда эълон қилинган. Шунинг учун унинг бу қонунлар ҳақида А.Собировга берган (агар берган бўлса!) «маълумоти» ҳам, очарчилик вақтида Тошкент кўчаларида одамларнинг ўлиб ётганлиги ҳақида айтган (агар айтган бўлса!) сўзлари ҳам уни жосусликда айблашга имкон бермайди.

12. Шу ҳақида бирор маълумотга эга эмасмиз.

13. Бухорода ва Ўзбекистоннинг бошқа айрим йирик шаҳарларида «Миллий иттиҳод» ташкилотининг бўлимлари бўлган. Аммо бу бўлимлар ГПУ-ОГПУнинг қаттиқ назорати остида ишлашга мажбур бўлгани учун ўз олдида турган муҳим вазифаларни бажариш имконига мутлақо эга бўлмаган. Шу сабабли улар 20-йиллар ўрталарида ўз фаолиятларини тугатган. Ф.Хўжаев ва Фитрат Бухородаги «Миллий иттиҳод» ташкилотига аъзо бўлишмаган.



ЎЗБЕКИСТОН ҚУЛОҚ, ПОСЁЛКАЛАРИДА ТИББИЙ ХИЗМАТНИНГ АҲВОЛИ

М.Ғ.Абдуллаев, тарих фанлари номзоди, доцент, Андижон давлат университети

«Қулоқлар сургун»нинг дастлабки йилларида, яъни 1930 – 1931 йилларда сургун қилинганлар жойлаштирилган махсус посёлкаларнинг тиббий-санитария ҳолати фавқулодда огир эди. Бу огир ҳолатни «қулоқларни синф сифатида тугатиш» сиёсати ва сургун қилишнинг репрессив методлари юзага келтирган эди.

Қулоқ оилаларини сургун қилиш «инқилобий фаоллик» билан ўтказилди. Улар юк эшелонларида ҳар бир вагонга юзтадан жойлаштирилиб сургун жойига юборилган. Вагонларда зарур шароит бўлмаган, ҳатто ичимлик суви ҳам етишмаган. Қайнатилган сувнинг йўқлиги, вагонларда одамларнинг тиқилинч ҳолда узоқ йўл юриши натижасида сургунга юборилганлар орасида йўл давомидаёқ эпидемик ва ошқозон-ичак касалликлари тарқалган. Эшелонларда тиббий-санитария хизмати кўрсатилмаган. Йўл азобидан кўплаб қариялар ва болалар сургун жойига етиб келмасданоқ ўлиб кетган.

Сургун жойларидаги аҳвол ҳам гоят огир эди. Кимсасиз жойларда пала-партиш қурилган муваққат баракларда яшаш учун энг оддий шароитлар ҳам бўлмаган. Тураржойлар етишмаслиги боис ҳар бир баракка 50 – 60 тадан киши аралаш ҳолда жойлаштирилган. Айрим жойларда эса сургун қилинганлар очиқ даладаги чайлаларга ёки ертўлаларга жойлаштирилган. Махсус посёлка деб аталган бу маконларда даст-

лабки пайтларда касалхоналар, тиббий пунктлар, дезинфекция камералари, малакали тиббий ходимлар деярли бўлмаган. Ҳатто кўпгина посёлкаларда ҳаммомлар ҳам бўлмаган.

Ўрта Осиё республикаларидаги қулоқлар сургун қилинадиган махсус посёлкалар ўзлаштирилмаган чўл-дашт зоналарида, аҳоли пунктларидан олис маконларда ташкил қилинган. Илк пайтларда посёлкаларда тураржойлар деярли бўлмаган, сургун қилинганлар ташландиқ биноларга, чайла ва ертўлаларга жойлаштирилган. Бундай чекка ҳудудларда тоза ичимлик сув ҳам бўлмаган. Бундай огир аҳвол сургун қилинганлар орасида турли касалликларнинг кўпайишига олиб келган. Айниқса, ёз мавсумида терлама, безгак каби юқумли касалликлар, ошқозон-ичак касалликлари кўп тарқалган.¹

Сургун қилинган қулоқ оилаларини жойлаштириш ва ҳўжалигини ташкил этишга масъул бўлган маҳаллий ижроия органлари сургундагиларнинг ночор аҳволига бефарқлик билан қараган. 1931 йилда сургун қилинганларга тиббий хизмат кўрсатишлари учун сургун минтақаларига 100 та врач ва 250 та фельдшер юборилган.² Бу пайтда мамлакат бўйича сургунда 1,5 миллион киши бўлиб, ажратилган тиббий ходимлар жуда оз эди.

Сургуннинг дастлабки йилларида махсус посёлкалардаги эпидемия, оммавий касалланиш ва юқори ўлим даражаси сургун қилинганлар ҳаётида одатий ҳолга айланган эди. 1930 – 1931

¹ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви (ЎзР ИИВА). 32-фонд. 1-руйхат. 4-иш. 72 – 73-варақлар.

² Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930 – 1940. В 2 кн. Кн.2. / Отв. ред. Н.Н.Покровский, В.П.Данилов, С.А.Красильников. Л.Виола. – М.: РОССПЭН, 2006. – С.457.



йилларда махсус посёлкаларда бевақт ҳаётдан кўз юмганларнинг аниқ ҳисоби олинмаган. Лекин айрим минтақалардаги қулоқ посёлкаларида ўлим даражаси сургун қилинганлар умумий миқдорининг 30 фоизигача етган.³

Ўрта Осиё республикаларидаги махсус посёлкаларда ўлим даражаси бу қадар юқори бўлмаган. Чунки бу минтақадаги махсус посёлкаларга аксарият маҳаллий қулоқ оилалари сургун қилинган бўлиб, уларнинг табиий шароитларга мослашуви бирмунча осон кечган. Иккинчи томондан, Ўрта Осиё республикалари махсус посёлкаларининг асосий контингенти 1932 – 1934 йилларда сургун қилинган қулоқ оилаларидан иборат бўлиб, совет ҳукумати ва унинг жазо муассасаси бўлимиш ОГПУ органлари мамлакатнинг совуқ минтақаларида 1930 – 1931 йилларда юз берган фожиалардан хулоса чиқарган ҳолда кейинги йиллардаги оммавий сургун масалаларига, хусусан, қулоқ оилаларини жойлаштириш, ҳўжалигини ташкил этиш, шунингдек, тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига бирмунча эътибор қаратган эди. 1930 – 1931 йилларда сургун минтақаларидаги махсус посёлкаларда эпидемик касалликлар ва юқори ўлим даражаси фавқулодда тангликни юзага келтирган, бу ҳолат ҳукуматдан мавжуд аҳволни яхшилашга доир чора-тадбирлар кўришни талаб этарди.

СССР Халқ Комиссарлари Совети 1932 йил 21 февралда №185/38сс сонли «Махсус кўчирилганларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва санитария ҳолати тўғрисида» қарор қабул қилади.⁴ Қарорда махсус посёлкалардаги умумий яшаш шароитларини яхшилаш, эпидемик касалликларнинг олдини олиш ва болалар ўлими даражасини камайтиришга қаратилган бир қатор тадбирлар белгиланган. Бунга кўра, эпидемия тарқалган махсус посёлкалар жойлашган минтақаларда ўлка (область) ишчи-деҳқон инспекцияси вакили, ОГПУ мухтор ваколатхонаси вакили, соғлиқни сақлаш бўлими вакилларида иборат махсус комиссия тузиш, унинг зиммасига эпидемияни тугатиш бўйича зарур чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

³ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. 1930 – 1954 гг. – Мурманск, 1996. – С.219.

⁴ Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930 – 1940. В 2 кн. Кн.1. / Отв. ред. Н.Н.Покровский. – М.: РОССПЭН, 2005. – С.508 – 510.

Сургун қилинганлар меҳнатидан фойдаланётган комиссарликларга 1932 йил 1 апрелгача зарур тураржойларни қуриб битказиш, сургун қилинганларни жон бошига 3 кв метр нормада тураржой билан таъминлаш мажбурияти берилди. Соғлиқни сақлаш комиссарлигига бир ой муддатда сургун районларига 100 та кўчма дезинфекция камераларини жўнатиш, шунингдек, марказий минтақалардан малакали тиббий ходимларни сургун манзилгоҳларига юбориш вазифаси қўйилди.⁵

СССР ҳукумати яқин 6 ой ичида сургун қилинганларнинг 8 ёшгача бўлган болаларини қўшимча овқатлантириш чораларини кўришни зарур деб топди. Бунга йўлга қўйиш жойлардаги Матлубот кооперацияси ва ОГПУ органлари зиммасига юкланди.

1932 йил 23 февралда алоҳида қарор билан сургун қилинганларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадлари учун ХКС резерв фондидан 16 миллион сўм, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш учун эса 5 миллион сўм ажратилди.⁶

СССР ҳукуматининг бу қарорлари маҳаллий совет органлари, соғлиқни сақлаш бўлимларининг махсус посёлкалардаги эпидемик ҳалокат олдини олиш ва тиббий-санитария муассасалари тизимини барпо этиш борасидаги фаолиятида қатта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети 1932 йил 2 апрелда юқоридаги қарорга мувофиқ №283/с сонли «Махсус кўчирилганларнинг маданий-маиший ва санитария шароитларини яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилган.⁷ Қарорда республика «Совхозхлопок» трести тасаруфидаги совхозларда сургун қилинганларнинг яшаш шароитлари қониқарсиз экани очиқ тан олинган. Жумладан, сургун қилинган қулоқларнинг тураржой билан таъминланиши «Ҳазорбоғ» махсус посёлкасида 52,7%, «Боёвут» посёлкасида 47,9%, «Нарпай» посёлкасида 34,1%, «Ангор» посёлкасида 30,8%, Қуйи Чирчиқ посёлкасида эса 22% бўлган.⁸ Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб қарор-

⁵ Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930 – 1940. Кн.1. – С.509.

⁶ Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев. – С.221.

⁷ ЎзР МДА. 837-фонд. 26-руйхат. 384-иш. 5 – 7-варақлар.

⁸ ЎзР МДА. 837-фонд. 26-руйхат. 384-иш. 4-варақ.



да махсус кўчирилганлар тураржой таъминоти, тиббий-санитария хизматини изга солиш бўйича «Совхозхлопок» ва бошқа масъул ташкилотлар зиммасига тегишли вазифалар юкланган. Жумладан, «Совхозхлопок» трестига ўн кун муддатда махсус кўчирилганларни белгиланган нормада (жон бошига 3 кв. метр) тураржой билан таъминлаш режасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган.⁹ Қурилишлар режасига касалхона, амбулатория, санизолятор, ҳаммом, кир ювиш жойлари, сартарошхоналар, тозалик хоналари ва бошқа ёрдамчи бинолар қурилиши киритилиши кўрсатилди. Шунингдек, янги ташкил этилган «Ҳазорбоғ», «Боёвут», «Нарпай», «Ангор» ва «Қуйихон» совхозларида тураржойлар билан бирга махсус кўчирилганларга хизмат кўрсатувчи маданий-маърифий муассасалар ҳамда болалар богча-ясиларини барпо этиш зарурлиги қарорда алоҳида қайд қилинди.¹⁰

ЎзССР Соғлиқни сақлаш комиссарлигига эса махсус посёлкаларда қаттиқ тиббий-санитария назоратини ўрнатиш, махсус кўчирилганларнинг тураржойларда санитария қоидалари бўйича жойлашувини таъминлаш, совхозлар қошида тиббий пунктлар очиш, уларни зарур тиббий ходимлар ва жиҳозлар, дори-дармонлар билан таъминлаш вазифаси юкланди. Бунда 150 кишига камида 2 та койка ҳисобида касалхоналар ташкил этиш, махсус посёлкаларга 2 – 2,5 км оралиқда амбулатория пунктларини очиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.¹¹

СССР ХКСнинг 1932 йил 26 февралдаги қарорига мувофиқ, сургун қилинганларнинг 8 ёшгача бўлган болаларига бепул нонушталар ташкил этиш мақсадларига қўшимча фонд ташкил қилиш Ижтимоий таъминот комиссарлиги ва «Ўзбекбирлашув» трести зиммасига юкланди. Болаларни қўшимча овқатлантириш махсус посёлкалардаги болаларнинг камида 20 фоизини қамраб олиши лозимлиги қарорда кўрсатиб берилди.¹²

ЎзССР ҳукуматининг юқоридаги қарорида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича тегишли ташкилотлар томонидан маълум ишлар амалга оширилган. Чунончи, ЎзССР Ижтимоий

таъминот комиссарлиги 1932 йилнинг 22 апрелида ЎзССР ХКСнинг қарори бўйича махсус посёлкалар ташкил этилган районлар ижтимоий таъминот бўлимларига фармойиш юбориб, унда тегишли районлардаги махсус посёлкалардан касалманд қарияларни ва ногиронларни аниқлаш ҳамда уларни райондаги ёки районга яқин масофадаги ногиронлар уйларига жойлаштириш чора-тадбирларини кўришни билдирган.¹³

Лекин Ўзбекистон ССР ҳукумати қарорида белгиланган асосий вазифалар, яъни махсус кўчирилганларни тураржой билан етарли даражада таъминлаш ва тиббий хизматни қониқарли йўлга қўйиш боши берк кўчага кириб қолган. ЎзССР ХКС Ижроия ҳайъатининг 1932 йил 11 майдаги йигилишида (қатнашганлар: ЎзССР ХКС масъул котиби Конобеев, Шенковский (УСА-ЗИТЛ¹⁴*), Муҳамедов, Фурман (Соғлиқни сақлаш комиссарлиги), Семиградский (Прокуратура), Алиев, Смелов (Совхозхлопок), Мельников (Садвинтрест) ЎзССР ХКСнинг 1932 йил 2 апрель қарори бажарилиши муҳокама қилинган. Унда махсус посёлкалар жойлашган пахтачилик ва богдорчилик совхозларида тураржойлар қурилиши ҳалигача бошланмаганлиги, тиббий-санитария муассасалари тизимини барпо этиш ҳам ўлда-жўлда ётгани айтиб ўтилган. Жумладан, 1932 йилнинг майигача махсус посёлкаларда қурилиши лозим бўлган касалхона, амбулатория, ясли, ҳаммом, кир ювиш жойлари, санизолятор, дезинфекция камералари ва сартарошхоналарнинг сони ва нуқталари аниқланган, лекин бу қурилишларни молиялаштириш учун шартномалар ҳануз тузилмаган.¹⁵

«Совхозхлопок» трести томонидан ишлаб чиқилган режа асосида махсус кўчирилганлар учун тураржойлар ва тиббий муассасаларни қуриб битказиш ҳамда жиҳозлаш тегишли совхоз директорларига 1932 йилнинг 27 августидан топширилганига қарамай, бу борадаги ишлар ноябрь ойида ҳам бажарилмаган. Махсус кўчирилганлар яшаш шароитларининг ночорлиги ва тиббий хизмат даражасининг ўта пастлиги боис улар ўртасида оммавий қочиб кетишлар авж олган, ўлим даражаси, айниқса, болалар

⁹ ЎзР МДА. 837-фонд. 26-руйхат. 384-иш. 5-варақ.

¹⁰ Ўша ерда.

¹¹ ЎзР МДА. 837-фонд. 26-руйхат. 384-иш. 6-варақ.

¹² ЎзР МДА. 837-фонд. 26-руйхат. 384-иш. 7-варақ.

¹³ ЎзР МДА. 837-фонд. 26-руйхат. 384-иш. 4-варақ.

¹⁴ * УСАЗИТЛ – Ўрта Осиё меҳнат-тузатув лагерлари бошқармаси.

¹⁵ ЎзР МДА. 837-фонд. 26-руйхат. 384-иш. 12-варақ.



ўлими кўпайган.¹⁶ Қиш мавсуми яқинлашгани боис махсус кўчирилганларнинг қочиби кетишлари ва ўлим даражаси янада кўпайиши мумкинлиги ЎзССР ХКСнинг 1932 йил 31 октябрдаги фармойишида айтиб ўтилган.¹⁷

Махсус посёлкаларда яшаш шароитларини яхшилаш ва тиббий хизмат кўрсатишни қониқарли йўлга қўйишга қаратилган бир қанча ҳукумат қарорлари ва кўрсатмалари бўлишига қарамай, бу борада сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилмаган. Махсус посёлкалардаги тиббий хизмат даражаси кейинги йилларда ҳам ночорлигича қолаверган.

Махсус посёлкаларда сургун қилинганларга тиббий хизмат кўрсатиш даражаси эркин аҳолига нисбатан жуда паст бўлган. Ўзбекистондаги мавжуд посёлкаларда биттадан тиббий пункт бўлиб, улар тиббий ходимлар, асбоб-анжом ва дори-дармонлар билан етарлича таъминланмаган. Тиббий хизмат кўрсатиш ўта қониқарсиз аҳволда бўлган. Сургундагилар посёлкаларда кўнгилдагидек тиббий ёрдам ололмаганлари боис яқин шаҳарлардаги тиббий муассасаларга яширинча бориб ёрдам сўраганлар. Чунки махсус посёлкалар комендантлари сургун қилинганларга рухсатсиз шаҳарга бориш ва шифохоналар хизматидан фойдаланишни қатъий тақиқлаб қўйган.¹⁸

Посёлкаларда санитария-гигиена хизматининг йўлга қўйилмаганлиги, ҳаммом ва кирхоналарнинг қониқарсизлиги сабабли ҳам баъзи мавсумларда, айниқса, қиш ойларида юқумли эпидемик касалликлар кўпайиб кетган. Юқумли касалликлар, айниқса, ёш болалар орасида жуда кўп бўлган. 1938 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларида ич терлама, цинга, трахома, туберкулёз, тиф, ўткир ичак яллигланиши ва бошқа юқумли касалликлар билан хасталанган 4592 киши қайд қилинган ва уларнинг 96 нафари вафот этган. Мазкур йилнинг иккинчи чорагида эса бундай касалликларга чалинганлар 6425 тани ташкил этган ва 118 киши вафот этган.¹⁹

Меҳнат посёлкаларида болалар касалликлари, малярия, ошқозон-ичак касалликлари,

асосан, туберкулёз жуда кўп учраганки, бундай касалликларни махсус даволаш зарур эди. Меҳнат посёлкаларидаги тиббий пунктлар бунга қодир бўлмаган. Шу боис бундай касалликларга чалинган меҳнат кўчиндиларини марказий шифохона ва диспансерларга жўнатиш учун юқори органлардан рухсат олингунга қадар касаллар аҳволи жуда огирлашиб кетган, баъзи ҳолларда ҳаётдан кўз юмган.²⁰ Энг ачинарлиси, турли касалликларга чалинганлар ва унинг оқибатида вафот этганларнинг аксарият қисmini ёш болалар ташкил қилган. Умуман, 1938 йилнинг 1-ярмида меҳнат посёлкаларида жами 11017 киши турли касаллик билан огриган. Улардан 334 таси касалхонага ётқизилган, 214 таси вафот этган. Касалланганлар 11017 киши бўлгани ҳолда улардан фақат 334 таси (3%) касалхонага ётқизилган, қолганлар касалликни муолажасиз ўтказган. Бу ҳолат меҳнат посёлкаларида тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг ўта ночор аҳволда бўлганини кўрсатади. Бунинг устига, уй шароитида даволанадиган оддий касалликларни ва енгил жароҳатларни даволаш учун ҳам оддий дори-дармонлар етишмаган. Ҳолбуки, иш жараёнида меҳнат кўчиндиларининг турли даражада шикастланиши ва жароҳатланиши доимо содир бўлиб турган.²¹

Меҳнат посёлкаларида тиббий хизмат кўрсатиш даражасининг қониқарсизлиги кейинги йилларда ҳам ўз таъсирини кўрсатган. 1941 йилнинг 1-ярмида меҳнат посёлкаларида турли касалликлардан 162 киши ўлган. Уларнинг 113 таси 1 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар эди.²²

Мамлакат бўйича сургун минтақаларида бевақт ҳаётдан кўз юмган махсус кўчирилганларнинг аниқ миқдори маълум эмас. Чунки 1930 – 1931 йиллардаги сургун жараёни ва жойлаштириш ишлари тартибсиз олиб борилган, бу борада изчил назорат ва бошқарув бўлмаган. Айниқса, бу йилларда сургун қилинганлар орасидаги ўлим даражаси бўйича статистик маълумотлар юритилмаган. Ваҳолонки, айнан шу йилларда йўл азоби ва бегона жойларнинг экстримал шароитлари оқибатида жуда кўплаб сургун қилинганлар ўлиб кетганлар. Балки, шу

¹⁶ ЎзР МДА. 837-фонд. 26-руйхат. 384-иш. 68-варақ.

¹⁷ ЎзР МДА. 837-фонд. 26-руйхат. 384-иш. 69-варақ.

¹⁸ ЎзР ИИВА. 32-фонд. 1-руйхат. 4-иш. 97-варақ.

¹⁹ ЎзР ИИВА. 32-фонд. 1-руйхат. 4-иш. 98 – 99-варақлар.

²⁰ ЎзР ИИВА. 32-фонд. 1-руйхат. 4-иш. 100-варақ.

²¹ ЎзР ИИВА. 32-фонд. 1-руйхат. 4-иш. 101-варақ.

²² ЎзР ИИВА. 32-фонд. 1-руйхат. 11-иш. 71-варақ.



сабабли ҳам ОГПУ органларининг 1930 – 1931 йиллардаги ҳисоботларида махсус кўчирилганлар орасидаги ўлим даражаси ҳақидаги маълумотлар келтирилмаган.

ГУЛАГ Махсус посёлкалар бўлими маълумотларига кўра, 1932 – 1940 йилларда мамлакат бўйича «қулоқлар сургуни»да 389521 киши ўлган.²³ Жумладан, 1932 – 1934 йилларда Ўрта Осиё махсус посёлкаларида 1041 киши тугилгани ҳолда, ўлганлар 8143 тани ташкил этган.²⁴ Яъни бу йилларда тугилишга нисбатан ўлим даражаси қарийб 8 баробар юқори бўлган. Айниқса, 1933 йилдаги очарчилик Ўрта Осиё махсус посёлкаларидаги қулоқлар тақдирида ҳам мудҳиш из қолдирди. 1933 йилда Ўрта Осиё республикаларидаги махсус посёлкаларда жами 29559 махсус кўчирилганлар бўлиб, посёлкалардаги тугилиш 241 тани, ўлим эса 3469 тани ташкил этган.²⁵ Бошқача айтганда, 1933 йилда тугилишга нисбатан ўлим даражаси 14,3 барабар юқори бўлган.

Сургун қилинган қулоқларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳам СССР ХКСнинг 1931 йил 16 августдаги қарорига киритилган эди. Бу қарорга асосан, СССР Меҳнат Халқ Комиссарлиги «Махсус кўчирилганларни ижтимоий суғурталаш ва меҳнатини муҳофаза қилиш ҳақида» йўриқнома ишлаб чиққан.²⁶ Бу йўриқномага мувофиқ, ОГПУ органлари ва ҳўжалик ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар асосида ёлланиб ишлаётган махсус кўчирилганларга ҳам амалдаги меҳнат ҳақидаги қонун умумий асосда татбиқ этилган. Бундан ташқари, 1931 йил 1 августидан «Махсус кўчирилганларни ижтимоий суғурта қилиш ҳақидаги Низом» ҳам амал қила бошлади. Бунга кўра, махсус кўчирилганлар эркин фуқаролар қатори вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик учун, фарзанд кўрганлик учун нафақа олиш ҳамда ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.²⁷

²³ Земсков В.Н. Судьба «кулацкой ссылки». 1930 – 1954 гг. // Отечественная история. – М., 1994. №1. – С.124 – 125.

²⁴ Россия Федерацияси давлат архиви (РФДА). 9479-фонд. 1-руйхат. 89-иш. 208 – 210-варақлар.

²⁵ РФДА. 9479-фонд. 1-руйхат. 89-иш. 209-варақ.

²⁶ Қаранг: История Сталинского ГУЛАГа. Конец 1920-х – первая половина 1950-х годов. Собрание документов в 7-ми томах. Т.5. Спецпереселенцы в СССР / Отв. ред. и сост. Т.В.Царевская-Дякина. – М.: РОССПЭН. 2004. – С.122.

²⁷ Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930 – 1940. Кн.2. – С.273 – 274.

Бутуниттифоқ Касаба уюшмалари совети котибиятининг 1936 йил 27 июлдаги «Махсус кўчирилганларни ижтимоий суғурта қилиш ва меҳнат шартлари тўғрисида»ги қарори асосида махсус кўчирилганларга эркин ёлланиб ишлаётган ишчи-ходимларга белгиланган имтиёзлар ҳам татбиқ этила бошлади.²⁸

1939 йилнинг 3 июнида СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг «Сургун қилинган ногиронларни озод қилиш ҳақида»ги буйруғи чиқди.²⁹ Бу буйруққа биноан, меҳнат посёлкаларидаги ишга яроқсиз қариялар, врач ҳулоасига кўра доимий ногиронлар (агар меҳнат посёлкасида қаровчисини бўлмаса) НКВД Меҳнат посёлкалари бошқармаси рухсати билан озод қилина бошладилар. 1939 йилнинг ўзида «Ҳазорбоғ» меҳнат посёлкасида 13 нафар кексалар озод қилиниб, Чиноздаги қариялар уйига юборилган. «Боёвут» меҳнат посёлкасида эса 14 нафар кексалар Самарқанддаги қариялар уйига юборилган, 14 нафари эса қариндош-уруғлари қарамоғига берилган.³⁰

Махсус посёлкалардаги тиббий муассасалар фаолияти ва тиббий-санитария хизмати аҳволини таҳлил қилиш асосида ҳулоса чиқариш мумкинки, сургуннинг илк йилларида бу масалада юзага келган вазият ўта аянчли эди. Махсус посёлкаларда зарурий инфратузилмаларнинг йўқлиги, биринчи навбатда, тиббий муассасалар ва тиббий ходимларнинг етишмаслиги оқибатида сургун қилинганлар ўртасида турли юқумли касалликлар тарқалиб, бевақт ўлимлар кўпайган. Ёш болалар ўлими даражаси, айниқса, юқори бўлган. Махсус посёлкалардаги тиббий-санитария шароитларининг огирлиги ва хизмат кўрсатиш даражасининг қониқарсиз аҳволи «қулоқлар сургуни»нинг охиригача сақланиб қолди. Тиббий хизмат даражасининг пастлиги оқибати ўлароқ Ўрта Осиё махсус посёлкаларида ўлимнинг тугилишга нисбатан юқори даражаси 1930 йилларнинг охиригача давом этди.

²⁸ Қаранг: Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930 – 1940. Кн.2. – С.639 – 640.

²⁹ ЎзР ИИВА. 32-фонд. 1-руйхат. 3-иш. 5-варақ.

³⁰ ЎзР ИИВА. 32-фонд. 1-руйхат. 3-иш. 6 – 8-варақлар.



«РАССТРЕЛЯННЫЙ» БЕЗ СУДА И СЛЕДСТВИЯ...

ЖЕРТВА «БОЛЬШОГО ТЕРРОРА» ТОРОКУЛ АЙТМАТОВ

Гулида Охунова (Ош)

В период «Большого террора» по отношению к искренне преданным своей стране и не совершившим никаких преступлений людям была допущена высочайшая несправедливость со стороны государственной системы. В их числе был и отец Чингиза Айтматова, Торокул Айтматов. Он оказался в числе жертв сталинских репрессий, в 1937 году он был арестован НКВД по ложному обвинению в участии в контрреволюционной организации Социал-Туранской партии, ставившей своей целью свержение Советской власти, отторжение Кыргызстана от СССР и образование буржуазно-националистического государства под протекторатом одного из иностранных государств. Торокул Айтматов был приговорен к высшей мере наказания – расстрелу – с конфискацией всего лично принадлежащего ему имущества. Заседание закрылось. Всего 20 минут потребовалось судьям, чтобы приговорить «врага народа» к расстрелу. Так оборвалась жизнь одного из выдающихся сыновей кыргызского народа. 1938 году он был расстрелян и захоронен в Чон-Таше вместе с другими погибшими.

В конце 20-х годов в Кыргызстане, как и в других республиках, начались репрессии по отношению к «врагам народа». В 30-х годах репрессии усилились. Все больше принципиальных честных государственных деятелей подвергалось арестам. 1 декабря 1934 г. был убит С.М.Киров. Начался новый виток репрессий. Особенного размаха эти репрессии достигли в 1937 – 1938 гг. (годы «Большого террора»), когда органами НКВД было арестовано 1,58 млн человек и приговорено расстрелу 682 тыс. человек (часть приговоров была вынесена по уголовным статьям) [10].

В это же время было получено указание – «выявить и репрессировать в Кыргызстане 10 тысяч врагов народа». По приблизительным оценкам в целом по Кыргызстану было репрес-

сировано более сорока тысяч человек.¹ Перефразирую известный афоризм: «Судьба сорока тысяч – это статистика, судьба одного – это трагедия». И действительно, легко произнести «сорок тысяч», а если вдуматься, то жизнь каждого из них была ценна не только для общества: у этих людей были семьи, дети, близкие люди, которым они были бесконечно дороги. Более того, процесс не завершался наказанием только репрессированных личностей. Преследованию подвергались их семьи. Детей называли детьми «врагов народа», и это клеймо сопровождало их на протяжении многих лет [1].

¹ В последнее время называется число 80 тысяч, а в газете «Рух кенчи» за ноябрь 2008 года говорится, что количество подвергшихся сталинским репрессиям по Кыргызстану составляет более 100 тысяч человек (по данным Всероссийской переписи 1924 года население Кыргызстана составляло всего 798 770 человек).



В 1937 году руководителем НКВД (Народно-го комиссариата внутренних дел) Кыргызстана был назначен полковник Лоцманов. Человек жестокий и беспощадный, он старался выслужиться перед руководством своим усердием в уничтожении людей. С его приходом репрессии приобрели массовый характер. Лучшие люди Кыргызстана тайно, без суда и следствия исчезали в застенках тюрем [9]. Эта жестокая участь постигла большинство образованных, известных людей республики – государственных деятелей, ученых, акынов, писателей и других. В их числе был и отец Чингиза Айтматова, Торокул Айтматов...

В 2018 году исполняется 115 лет со дня рождения видного государственного и общественного деятеля Торокула Айтматова. Он родился в ауле №5 (Шекер) Кукурьевской волости Аулие-Атинского уезда Семиречинской области. Учился в русско-туземной горной школе (1916 – 1918), до ее расформирования; учился 8 месяцев в т.н. «Единой трудовой школе» (1918 – 1919) г. Аулие-Ата, в Аулие-Атинском реальном училище (1919).

– Окончил 3-месячную партийную школу (1921), г. Ташкент. Окончил Коммунистический университет трудящихся Востока им. И.Сталина (1921 – 1925).

– В мае – июле 1923 (командирован на летние каникулы) – политработник полит секретариата Туркестанского фронта в Андижане.

– В июле – августе 1923 – политработник-уполномоченный по работе среди местного населения в Ферганской области. Трудовую деятельность начал секретарем волисполкома, в 1925 году становится членом ВКП (б). И с этого года становится член бюро комсомольской ячейки КУТВ.

– В 1924 – 1925 – инструктор Агитационно-пропагандистского отдела оргбюро Кыргызского обкома ВКП(б).

– В июне – августе 1924 – лектор-преподаватель общественных наук Национальной коммунистической школы.

– В марте – ноябре 1925 – зам. заведующего Агитационно-пропагандистским отделом Кыр-

гызского обкома ВКП(б). 5 марта 1925 Бюро Киробкома «временно» назначен лектором АПО Киробкома.

– В ноябре 1925 – 8 мая 1926 – зав. АПО Киробкома ВКП(б).



– В 8 мая 1926 – 13 марта 1927 – ответ. секретарь Каракольского окружкома ВКП(б). В г. Караколе судьба сводит Торокула и Нагиму. 3 сентября 1926 г. они регистрируют свой брак.

– В 13 марта 1927 – 1929 – ответ. секретарь Джалал-Абадского кантонного комитета ВКП(б).

– В январе – ноябре 1929 – нарком промышленности и торговли Кыргызской АССР.

– В ноябре 1929 – апреле 1931 – пред. Центрального совета народного хозяйства (ЦСНХ) Кыргызии.

– В апреле 1931 – 1933 гг. – 1-й секретарь Араван-Буринского райкома ВКП(б).

– 1934 г. – 2-й секретарь ЦК Компартии Кыргызии.

– В 1935 г. он зачисляется в состав слушателей высших курсов марксизма-ленинизма при ЦИК СССР и в 1936 году поступает в Институт красной профессуры в Москве.

– С 1935 по 1937 год Торокул Айтматов учится в Москве, в Институте красной профессуры, где готовились кадры партийных и советских работников. Слушатели института проживали



со своими семьями в центре Москвы, на ул. Воровского, 25 [1].

На всех постах он много работал, отдавая силы и энергию развитию экономики, народного образования, культуры в республике. Т.Айтматов был одним из инициаторов перевода письменности кыргызского народа с арабского на латинский алфавит, инициатором организации печатных органов республики, в частности принимал участие в создании газеты «Эркин Тоо» и был ее активным внештатным сотрудником [3].

Т.Айтматов возглавлял комиссию по изданию книг по истории гражданской войны в Кыргызстане, принимал активное участие в проведении земельно-водной реформы 1927 – 1928 гг. на юге республики. Невозможно перечислить все заслуги Торокула Айтматова. Все это свидетельствует о том, что это был человек большого таланта, который не успел полностью раскрыться. Он оказался в числе жертв сталинских репрессий – в 1937 году он был арестован НКВД по ложному обвинению. Ему было предъявлено обвинение в участии в контрреволюционной организации Социал-Туранской партии, ставившей своей целью свержение Советской власти, отторжение Кыргызстана от СССР и образование буржуазно-националистического государства под протекторатом одного из иностранных государств [3]. В течение целого года велись допросы, очные ставки, пытки, истязания. Т.Айтматов во Фрунзенской тюрьме оказался позже всех. К тому моменту, когда его привезли из Москвы, уже все арестованные под пытками признались в несовершенных ими преступлениях и дали показания друг против друга, в том числе и против Айтматова. По известным причинам он также вынужден был признаться в несовершенных им преступлениях и дать показания против тех, кто уже находился в тюрьме и уже «сознался» [1]. Но все же основная цель НКВД заключалась в том, чтобы он назвал новые имена. Это дало бы возможность увеличить число осужденных и казненных и лишний раз выслужиться перед Москвой. Од-

нако, вопреки их ожиданиям, Т.Айтматов не назвал ни одного нового имени.

– В Москве я никакой контрреволюционной работы не вел, – отвечал он категорическим отказом на требование назвать новых сообщников из Москвы. Несмотря на допросы с особым «пристрастием», которым подвергался Т.Айтматов, он не назвал ни одного человека с «воли», ни один по его вине не был арестован [2]. 4 ноября 1938 года Т.Айтматова знакомят с содержанием обвинительного заключения, которое было утверждено лично самим наркомом Внутренних дел Кыргызской ССР полковником Лоцмановым и помощником Главного военного прокурора РККА военюристом I ранга Шульцем. Ниже приводится этот клеветнический документ [1, 4.] (его копия была найдена при раскопках в Чонташской могиле): «Органами НКВД Кыргызской республики ликвидирована антисоветская, националистическая, террористическая, диверсионно-вредительская организация, существовавшая в блоке с правотроцкистской террористической организацией. Указанная организация, так называемая «Социал-Туранская партия», ставила целью путем вооруженного восстания, террора, вредительства и диверсии свержение Советской власти, отторжение Кыргызии от Советского Союза и создание буржуазно-националистического государства с ориентацией на Англию [11].

Следствием в отношении преступной деятельности Айтматова Тюрюкула установлено:

1. Обвиняемый Айтматов, являясь выходцем из антисоветской бай-манапской среды, в 1926 году был завербован в «Социал-Туранскую партию» Исакеевым Баялы, работавшим в то время в Каракольском ВКП(б).

2. Айтматов был осведомлен Исакеевым и другими участниками организации о проводимой контрреволюционно-террористической, шпионской деятельности «Социал-Туранской партии», и он разделял эти формы и методы борьбы.

3. По заданию Исакеева обвиняемый вербовал из среды антисоветски настроенных лиц новых участников организации...



4. По указаниям руководящего центра организации в лице бывшего председателя СНК Кыргызской ССР Исакеева, обвиняемый, работая на ответственных постах в районах и республике, проводил вредительство в сельском хозяйстве, в особенности в области хлопководства и оседания кочевых хозяйств».

Ознакомившись с этим документом, Торокул сразу же заявил о том, что он отказывается от своих показаний, данных на предварительном следствии. Сейчас можно предполагать, что он взял копию обвинительного заключения и готовился к своей защите на суде, который должен был проходить на другой день [4].

5 ноября 1938 года в 23 часа 05 минут под председательством бригадвоенюриста Алексева на закрытом судебном заседании Выездной сессии Военной коллегии Верховного суда СССР началось рассмотрение следственного дела. Торокул был привлечен к уголовной ответственности по пунктам 1, 4, 7, 10, 11 статьи 58 Уголовного Кодекса. Новому следственному делу был дан номер №4418.

В зале находились только суд и обвиняемый. Свидетелей по делу на суд не вызывали. Вещественных доказательств по делу нет. Т.Айтматов заявил, что виновным себя не признает и от своих показаний, данных ранее, отказывается. Но на вопрос, почему же на него дали показания другие заключенные, ответить не смог. Заседание объявляется законченным. В последнем слове подсудимый просит вынести справедливое решение. Суд удаляется на совещание [1].

В 23 часа 25 минут оглашается приговор: Торокул Айтматов приговорен к высшей мере наказания – расстрелу с конфискацией всего лично принадлежащего ему имущества. Заседание закрылось. Всего 20 минут потребовалось судьям, чтобы приговорить «врага народа» к расстрелу. До конца суток еще оставалось 35 минут. Этого вполне хватило для приведения приговора в исполнение. В архивных материалах есть справка о том, что «Приговор о расстреле Айтматова Тюрякула приведен в исполнение в г. Фрунзе 5.XI.1938 г.» [1].

Так оборвалась жизнь одного из выдающихся сыновей кыргызского народа. 1938 году он был расстрелян и захоронен в Чон-Таше вместе с другими погибшими.

Т.Айтматов прожил короткую, но яркую жизнь. Но он успел много сделать для становления и развития Кыргызстана. Он навечно вошел в память народа наряду с другими государственными деятелями, которые стояли у истоков зарождения молодой республики.

Таким образом, увы, печальная политическая судьба Торокула Айтматова, действительно много обсуждавшего и говорившего о национальном самоопределении с отдельными своими единомышленниками и расстрелянного за это в 1938 году как «враг народа», оставила очень глубокий трагический след в истории этой легендарной семьи, в личной и творческой биографии Чингиза Торокуловича. Это была такая отметина судьбы, был такой тяжелый крест, причем совершенно незаслуженный, потому и крайне болезненный и чрезвычайно обидный. Чингиз этот крест вынужден был нести в детстве, затем в годы учебы, да и очень долгое время после. Так было до первой и немыслимо громкой писательской славы, что буквально обрушилась на его голову в конце 50-х и начале 60-х годов XX века, когда публиковались в Москве его первые культовые повести.

И все же эта крайне нерадостная полоса его жизни осталась с ним практически навсегда. Она не исчезла даже в годы зенита его феерической славы, яркого творческого взлета, а когда в 1990 году были найдены, наконец, останки Торокула Айтматова в урочище Чон-Таш близ Бишкека, в братской могиле сталинских репрессий, этот факт превратился в некий ореол фортуны [7] в основную линию айтматовской жизни и творческого пути. Эту трагическую страницу жизни ему так и не удалось перевернуть и забыть. Он плакал, но без слез, беззвучно, когда в первый раз возлагал цветы к могиле отца, нашедшего вечный покой в общей братской могиле Ата-Бейит (название, между прочим, было предложено Чингизом Торокуловичем) [4]; лицо его было очень бледным, пол-



ным глубокого страдания, хотя ясно было, что он все же успокоился, зная, что отец, наконец, найден; известно, где он лежит. Потом он на одном из мероприятий по поводу тех же репрессированных, в том же Ата-Бейите, скажет, что отец его все-таки счастливый человек, что лежит в таком изумительном месте, откуда виден Бишкек, кругом удивительная тишина и т.д. Конечно, это были слова мудрости, внутреннего успокоения, вернее, умиротворения, а также человеческой покорности воле Всевышнего [4]. Угодно было судьбе, чтобы там же, в Ата-Бейите, в Национальной усыпальнице политических репрессированных, нашел вечный упокой он сам, великий писатель земли кыргызской, наша национальная гордость и слава, Чингиз Торокулович Айтматов. Счастье репрессированных детей в том, что они не сломались, выдержали оскорбления, унижения.

Пока мы выросли, претерпели много препятствий, но никто из нас не стал плохим человеком, так как в наших корнях заложено, что мы дети великих людей, которые в своё время восстанавливали республику».

Выводы:

1. Известно, что в 30-е годы советское государство в отношении партийных и советских работников проводило репрессии, которые имели массовый, тотальный характер. Наказанию подвергались не только государственные деятели, виновные в каких-то вопросах, но и невинные, преданные советской власти люди независимо от занимаемой должности, пола,

национальности, религиозных взглядов, социального положения и т.д.

2. Торокул Айтматов приговорен к высшей мере наказания – расстрелу с конфискацией всего лично принадлежащего ему имущества.

3. Расстрел Т.Айтматова оставил глубокий трагический след в истории этой легендарной семьи.

Список использованной литературы:

1. Айтматова Р. Белые страницы истории. – Бишкек, 2013. – С.267.
2. Абдрахманов Б. Две недели в июле // Торокул Айтмат уулу. – Бишкек, 1993.
3. Абдрахманов Ю. Дневники. – Фрунзе: Кыргызстан, 1991.
4. Воспоминания Чингиза Айтматова // Детство. – Бишкек, 2012.
5. Наумов Л. Сталин и НКВД. – М., 2007.
6. Кип Д., Литвин А. Эпоха Иосифа Сталина в России. Современная историография. – М., 2009.
7. Плоских В. Торекул Айтматов. – Бишкек, 1993.
8. Сарсенбаев Б.С. Вестник КРСУ. Политические репрессии против кыргызской и казахской элиты в 1930-х гг. и их последствия. 2015. №3. Том 15.
9. Массовые репрессии в СССР / Ответственные редакторы С.Верт, В.Мироненко. – М., 2004.
10. Хелимская Р. Тайна Большого камня. 1994.
11. Хлевнюк О.В. 1937. Сталин, НКВД и советское общество. – М., 1992.



ҲОЗИРҒИ ДАВРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР: РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕЦИЯЛАРИ

С.Н.Юсупова, АнДДУ таянч докторанти

Резюме

Мазкур мақолада Фарғона водийсининг демографик ривожланиш жараёнлари ва уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири масаласи хусусида фикр юритилади.

Калит сўзлар: демографик жараён, аҳоли, миллатлараро тотувлик, қадрият, бағрикенглик.

Резюме

В этой статье рассматриваются демографические процессы развития в Ферганской долине и их влияние на межнациональные отношения.

Ключевые слова: демографический процесс, население, межнациональная гармония, ценность, толерантность.

Resume

This article examines the demographic processes of development in the Ferghana Valley and their influence on interethnic relations.

Key words: demographic process, population, interethnic harmony, value, tolerance.

Жаҳон ҳамжамиятида ўзига яраша юксак салоҳият ва нуфузга эга бўлган Ўзбекистонда турли миллат вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда. Дунёда миллатлар кўп, лекин улар орасида буюк тарихга эга бўлган ўзбек миллатига ўхшаш миллатлар кам учрайди. Жаҳон аҳли Ўзбекистонга, хусусан, ўзбек халқига қараб миллат сифатидаги қиёфамизни, бағрикенглигимизни ва менталитетимизни кўради. Шунинг учун ҳам миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик миллий мафкурамизнинг асосий гояларидан бири ҳисобланади. Республикамизнинг 130 дан ортиқ турли миллатга мансуб, ҳар хил динга эътиқод қилувчи халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ришталари ривожланиб бормоқда. Респуб-

ликада ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг ҳукм суриши, ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти барпо этиш соҳасидаги ҳаракатлар Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ислохотлар ўтказиш учун мустаҳкам шарт-шароит яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: «...мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳроқибат муҳитини кўз қорачигидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзимнинг устувор вазифам деб ҳисоблайман»¹, – деб таъкидлагани

¹ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.8 – 9.



бу борада кенг имкониятлар яратиб берилаётганидан далолатдир.

Эл-юрт осойишталиги, тинчлиги, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳар қандай давлат равнақини, унинг келажагини белгилаб берувчи асосий омиллардан бири бўлиб келган. Шу боисдан ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда турли миллатларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиб беришга, миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар»², – деб белгилаб қўйилганлиги кўпмиллатли халқимиз ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун яратилган заминдир. Мустақил Ўзбекистонда шаклланган замонавий демографик вазиятга илмий ёндашув жараёни кенгайди.

Ўзбекистонда юритилаётган демократик сиёсат ҳамда амалга оширилаётган кенг қўлланми ишлар таҳлилига доир илмий-услубий асосга таянган бир қатор илмий асар, рисола ва мақолалар чоп этилганини таъкидлаш лозим. Шунини алоҳида айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистондаги демографик жараёнлар масалалари билан шу вақтгача иқтисодчилар, географлар, социологлар шуғулланиб келган бўлсалар, эндиликда ушбу соҳани тарихийлик нуқтаи назаридан ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Д.Бобожонова томонидан яратилган «Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари»³ ҳамда «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70 – 80-йиллар мисолида)»⁴ номли монография-

ларида Ўзбекистон аҳолисининг 70- ва 80-йилларнинг биринчи ярмидаги демографик тарихига ҳолисона баҳо берилган ва республика ҳудудлари каби Фарғона водийси аҳолисининг салоҳияти, унинг зичлиги ва миграция ҳаракатлари, тиббиёт муассасалари фаолиятидаги камчиликлар, аҳолининг иш билан бандлиги бўйича муаммолар ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтган ва таҳлил қилган.

Шунингдек, Р.Муртазаева томонидан бағрикенглик тамойилларининг тарихий жиҳатлари ёритилган «Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик» мавзусидаги ўқув қўлланмаси, «Миллатлараро тотувлик – бағрикенглик ва тараққиёт омили»⁵ ҳамда «Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт»⁶ номли монографиялари яратилди. «Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик»⁷ ўқув қўлланмаси шу жиҳати билан аҳамиятлики, унда Ўзбекистон ҳудудларида бағрикенглик тамойилларининг тарихий жиҳатлари, унинг энг қадимги даврдан то ҳозирги кунга қадар намоён бўлгани илк бор илмий маълумотлар асосида ёритиб берилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳудудида кўпмиллатлилигининг шаклланиши ҳамда ўзбек халқи орасида бошқа халқ ва миллат вакиллариининг тараққий этиш жараёни кўрсатиб берилган. Ушбу жараёнлар республиканинг барча ҳудудлари сингари Фарғона водийси вилоятларида ҳам намоён бўлаётгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Л.Максакованинг «Миграция населения: проблемы регулирования»⁸ монографиясида аҳоли миграцияси, уни бошқариш услублари; Ўзбекистонда миграция ҳаракатларининг ўзига хос жиҳатлари ва ҳуқуқий асослари; меҳнат миграцияси ва уни бошқариш масалалари кенг ўрин олган. Айниқса, «Миграция населения

(70 – 80-йиллар мисолида). – Тошкент: Шарқ, 1999. – 122 б.

⁵ Муртазаева Р. Миллатлараро тотувлик – бағрикенглик ва тараққиёт омили. – Тошкент: Академия, 2005. – 5.21.

⁶ Муртазаева Р. Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 5.18.

⁷ Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик: Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2007. – 124 б.

⁸ Максакова Л. Миграция населения: проблемы регулирования. – Ташкент, 2001. – 5.5.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б.9.

³ Бобожонова Д. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1995. – Б.93.

⁴ Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар

Республики Узбекистан»⁹ номли асарида республика аҳолисининг миграция йўналишлари социологик тадқиқот материаллари асосида ёритиб берилган. Ушбу асарларда Фарғона водийсидаги миграция ҳолати, аҳолининг зичлиги муаммолари ҳамда тадқиқот натижалари ҳам баён этилган.

Юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг кафолатланиб, диний багрикенглик муҳити тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Мамлакатимизда этник ўзига хослиги, тили, урф-одат ва анъаналарини ҳар томонлама ривожлантириш, ўзаро бойитиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган турли миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб яшамоқда, улар дўстлик ва иноқликда ҳаёт кечириш баробарида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, Ватанимизни янада раванг топтириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада ошириш мақсадида барча соҳаларда кенг қўлланма ўзгаришларни амалга ошириш йўлида улар ўзларининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Юртимизнинг қайси бир ҳудудига назар ташламайлик, барча жойда аҳиллик, ўзаро илиқ муносабатнинг гувоҳи бўламиз. Ана шундай масканлардан бири Фарғона водийсидир. «Ўрта Осиё дурдонаси» бўлган Фарғона водийси Ўзбекистоннинг шарқий қисмида жойлашган. Уни теварак атрофдан тоғлар ўраб олган. Шимоли-гарбда Чотқол, шимоли-шарқда Фарғона, жанубда Олой ва Туркистон, гарбда Қурама тизмалари чегаралаб туради.

Маъмурий жиҳатдан Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари, Қирғизистон Республикасининг Жалолобод, Ўш ва Баткент областлари, Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти Фарғона водийси ҳудудидан ўрин олган.

Фарғона водийси аҳолиси кўп миллатли бўлиши билан бирга мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан аҳолиси зич. Хусусан, 5557,6 минг киши ёки аҳолининг 61,2 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Республика бўйича

эса жами шаҳар аҳолисининг 32,3 фоизи ушбу минтақага тўғри келади.¹⁰

Фарғона водийси аҳолиси зич жойлашиши билан бирга кўп сонли ҳамдир. Минтақада 9019,2 мингдан ортиқ аҳоли ёки жами республика аҳолисининг 28,6 фоизи истиқомат қилади.¹¹ Водий вилоятлари аҳоли сонига кўра мамлакат ҳудудлари орасида етакчи ўринларда туради. Масалан, республика вилоятлари орасида Фарғона вилояти иккинчи (аҳолиси 3505,3 минг киши ёки республика аҳолисининг 11,1 фоизи), Андижон вилояти тўртинчи (аҳолиси 2910,5 минг киши ёки республика аҳолисининг 9,2 фоизи) ва Наманган вилояти олтинчи (аҳолиси 2603,4 минг киши ёки республика аҳолисининг 8,2 фоизи) ўринни эгаллайди.¹²

Минтақа ер майдонининг нисбатан кичиклиги, аynи пайтда, табиий шароитининг қўлайлиги аҳоли сони ва унинг зичлиги ортишига жиддий таъсир кўрсатган бўлиб, аҳоли зичлиги 1 км² га 487 кишидан ортиб кетди.¹³

Андижон вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил этилган. Андижон шаҳри вилоят маркази ҳисобланади. Вилоятнинг ер майдони 4,3 минг км² тенг бўлиб, бу ерда 14 та туман, 11 та шаҳар ва 96 та ҚФЙ мавжуд.¹⁴

Минтақа аҳолиси динамикасида, республикада бўлгани каби, умумий хусусиятлар мавжуд. Шу билан бирга, минтақа аҳолиси сонининг ўзгаришига фақат ўзигагина хос бўлган омиллар ва шарт-шароитлар ҳам таъсир кўрсатган. Ушбу минтақа ҳақида Президент Шавкат Мирзиёев: «Андижон вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида жуда муҳим, айтиш мумкинки, стратегик ўрин тутди. Бу замин кўпгина соҳалар бўйича энг илгор ва салмоқли улушга эга ҳудудларимиздан бири ... Айниқса, кейинги йилларда бутун мамлакатимиз каби Андижон вилояти

¹⁰ Қаюмов А., Якубов Ў., Абдуллаев А. Аҳоли географияси ва демография асослари. – Тошкент: Фан ва технологиялар. 2011. – Б.160.

¹¹ Қодиров Р. Фарғона минтақаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Тошкент: Навруз. 2016. – Б.168.

¹² Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. Статистик тўплам. – Тошкент. 2016.

¹³ Ўша ерда.

¹⁴ Мустақил Ўзбекистон ва дунё давлатлари. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2016. – Б.67.

⁹ Максакова Л. Миграция населения Республики Узбекистан. – Ташкент: Эльдинур. 2000. – С.53.



ҳам юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Албатта, «ўсиш», «ривожланиш» деганда биз фақат рақамларни, миқдор кўрсаткичларни эмас, балки уларнинг сифат кўрсаткичларига айланиб, халқимизнинг кундалик ҳаётига, унинг рўзгори ва дастурхонига қандай таъсир кўрсатаётганига алоҳида эътибор берамиз»¹⁵, – деб юсак баҳо беради.

Мустақиллик йилларида барча минтақалар сингари Фаргона водийси ҳам барча соҳалар бўйича улкан ютуқларни қўлга киритди. Аҳоли сони 1991 йили 5555,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 9019,2 минг кишига тенг бўлди. Тадқиқ этилаётган даврда, яъни деярли чорак аср ичида минтақа аҳолиси сони қарийб 3463,8 минг кишига ёки 1,6 баробар ўсишга эришди. Бу даврда аҳоли ўсиш суръатларидаги тафовутлар яққол кўзга ташлана бошлади. Масалан, Наманган вилояти аҳолиси 4,25 фоизга кўпайгани ҳолда, Фаргона вилояти аҳолиси атиги 2,0 фоизга ўсди, холос. Аҳоли динамикасидаги бундай фарқлар, биринчи навбатда, аҳолининг миллий таркиби, ташқи миграция ва урбанизация билан чамбарчас боглиқ. Негаки Фаргона вилоятида рус ва русийзабон аҳоли қўшни вилоятларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади, шу билан бирга, урбанизация даражаси ҳам юқори. Бу вақтда ташқи миграциянинг ўрни сезиларли даражада бўлди. Чунончи, вилоятга XX аср ўрталарида кўчириб олиб келинган рус ва русийзабон аҳоли, қрим татарлари, месхети турклари ва бошқа халқлар, собиқ Иттифоқ парчалангач, ўз юртларига кўчиб кетишди. Натижада вилоят аҳолиси сони Наманган ва Андижон вилоятларига нисбатан секин кўпайди.

Фаргона вилояти 1938 йил 15 январда тузилган бўлиб, маркази Фаргона шаҳри ҳисобланади. Вилоятда 15 та туман, 9 та шаҳар, 156 та ҚФЙ мавжуд.¹⁶ Наманган вилояти 1941 йил 6 мартда тузилган. Вилоят маркази Наманган шаҳри ҳисобланади. Вилоятда 8 та туман, 8 та шаҳар, 99 та ҚФЙ мавжуд.¹⁷ Мазкур минтақа ҳақида Пре-

зидент Шавкат Мирзиёев шундай фикр билдиради: «...Наманган вилояти деганда, аввало, гўзал ва бетакрор бир ўлкани, мана шу табаррук заминга улкан меҳр ва садоқат билан яшаётган, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва Ватанимизни янада равнақ топтириш йўлида тиним билмасдан меҳнат қилаётган, фидойи ва бағрикенг инсонларни кўз олдимизга келтирамиз».¹⁸

Республикадаги бошқа минтақаларга нисбатан Фаргона водийси аҳолиси тезлик билан ўсганлигини кузатиш мумкин. Мисол учун, 2000 – 2016 йиллар мобайнида бу минтақа аҳолиси 7016,4 минг кишидан 9019,2 минг кишига етди ёки 2002,8 минг кишига кўпайди. Аҳоли сони миқдор жиҳатдан кўпайган бўлса-да, ўсиш суръати 2,8 фоизга тенг бўлди. Бундан кўринадики, демографик жараёнлар фаоллашиб, табиий ўсиш суръатлари юқорилашиб бормоқда. Яқин келажакда ҳам бундай жараённинг сақланиб қолиши кузатилади.¹⁹

Бугунги кунда Фаргона водийсида 100 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилади. Улар орасида туб миллат вакиллари мутлақ етакчилик қилади. Жумладан, 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, ўзбек миллатига мансуб аҳоли 8,0 млн га яқин бўлиб, уларнинг улуши 90,2 фоизга тенг бўлган. Тожики миллати вакиллари 463,7 минг кишига тенг бўлиб, уларнинг ҳиссаси 5,2 фоизни ташкил этган. Миллий таркибига кўра кейинги ўринни қирғизлар эгаллайди, уларнинг сони 191,5 минг киши ёки улуши 2,2 фоизга тенг. Рус ва русийзабон аҳоли сони ва унга боглиқ ҳолда улуши нисбатан паст. Жумладан, руслар 75,6 минг (0,9 фоиз), татарлар 14,9 минг киши ёки 0,2 фоиз, корейслар 12,2 минг киши ёки 0,1 фоизни ташкил этади. Шунингдек, украинлар (7359 минг киши), яхудиylар (3186 минг киши) кўп сонли миллат вакиллари ҳисобланади.²⁰

Фаргона водийсида аҳоли сони XX аср 90-йилларгача тез суръатлар билан ўсди. Бунда тугилиш ва табиий ўсиш суръатининг юқорилигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бозор

¹⁵ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.11.

¹⁶ Мустақил Ўзбекистон ва дунё давлатлари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б.69.

¹⁷ Кўрсатилган манба. – Б.68.

¹⁸ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.73.

¹⁹ Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. Статистик тўплам. – Тошкент, 2016. – Б.103 – 104.

²⁰ Ўша жойда.



иқтисодиёти аҳоли сони, унинг динамикаси, жойлашуви ҳамда таркибига катта таъсир кўрсатди, натижада аҳолининг табиий ўсиш суръатлари бироз пасайиб, аҳоли сони динамикаси бирмунча барқарорлашди. Минтақада аҳоли сони тез суръатлар билан ўсиб боришининг асосини табиий ўсиш ташкил этади.

Мамлакатда 2016 йил туғилиш коэффициенти 23,5 фоизга тенг бўлгани ҳолда, Фаргона водийси аҳолисининг демографик кўрсаткичлари республикага нисбатан паст бўлган. Хусусан, Андижон (24,1 фоиз) ва Наманган (24,0 фоиз) вилоятларида туғилиш бироз юқори, Фаргона вилоятида эса паст (22,8 фоиз) эканлиги характерлидир.²¹ Таъкидлаш керакки, минтақа шаҳар ва туманларида табиий ўсиш деярли бир хил, улар орасида катта тафовут кўзга ташланмайди.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, ўлим коэффициенти республика бўйича 4,9 фоизга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич Фаргона вилоятида (5,5 фоиз) ва Андижон вилоятида (5,2 фоиз) нисбатан юқори, Наманган вилоятида эса (4,7 фоиз) паст бўлди.²²

Аҳолининг табиий ўсиши республика бўйича 18,6 фоизни ташкил этди. Мамлакат ўртача кўрсаткичига нисбатан Наманган вилоятида (19,3 фоиз) нисбатан юқори, Андижон вилояти (18,9 фоиз) деярли тенг бўлгани ҳолда, Фаргона вилоятида (17,3 фоиз) республика ва қўшни икки вилоятга нисбатан сезиларли даражада паст эканлиги билан тавсифланади.

2011 – 2015 йиллар мобайнида Ўзбекистонга ташқаридан 755,0 минг киши кўчиб келган бўлса, 936,9 минг киши хорижга йўл олган. Ташқи миграция сальдоси манфий, яъни 182,0 минг кишига тенг бўлган, шундан 6,5 фоизи ёки 11,8 минг киши Фаргона минтақасига тўғри келади. Ташқи миграцияда Андижон вилояти аҳолиси фаол иштирок этган. Жумладан, вилоятда иммигрантлар сони 29,5 минг кишига, эмигрантлар сони 36,3 минг кишига, ташқи миграция сальдоси эса манфий – 6,8 минг кишига тенг бўлди. Бу кўрсаткич Фаргона вилоятида ҳам сезиларли даражада юқори эканлиги билан тав-

сифланади, яъни вилоятда иммигрантлар сони 65,2 минг кишини ташкил қилади.

Мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун барча ҳуқуқий асослар ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Бағрикенглик маданиятини шакллантириш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. ЮНЕСКО Бош конференцияси 1995 йил 16 ноябрдаги 28-сессиясида «Бағрикенглик тамойиллари» тўғрисидаги декларация қабул қилинди. Мазкур декларацияда таъкидланганидек: «Бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди».²³ Динлараро бағрикенглик гоёси нафақат диндорларнинг, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутди ҳамда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шarti ҳисобланади. Кўп миллатли республика-мизда диний бағрикенгликнинг юксак анъаналарига амал қилинаётгани, тотувлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бу борада Биринчи Президент И.А.Каримов: «Бугун мана шундай хавфли, таҳликали, ўта нотинч бир даврда, жаҳон молиявий инқирози ҳали-бери давом этаётган бир пайтда эл-юртимиз нимаики натижаларни қўлга киритган бўлса, буларнинг барчаси юртимизда тобора мустаҳкам бўлиб бораётган тинчлик ва осудалик, миллатлар, динлар ва фуқаролараро тотувлик ва аҳиллик, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром ҳисобидан десак, ўйламанки, ҳеч қандай хато бўлмайди»²⁴, – деб таъкидлаб ўтган эди. Ушбу фикрнинг мантикий давоми сифатида Президент Ш.М.Мирзиёев шундай деди: «Ўзбекистон ва унинг бағрикенг халқи тинчликсевар сиёсат юритиш, миллий ва умминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустаҳкам туриб келмоқда. Лекин, зарур бўлса, биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уринишга

²¹ Ўша жойда.

²² Кўрсатилган манба. – Б.117 – 118.

²³ Бағрикенглик тамойиллари декларацияси. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. – Тошкент: Адолат. 2004. – Б.92.

²⁴ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Тошкент: Ўзбекистон. 2011. – Б.48.



кескин зарба беришга қодирмиз. Шунинг учун мен халқимизга мурожаат қилиб шуни айтмоқчиманки, бу масалада ҳеч кимда ҳеч қандай иккиланиш ва шубҳа бўлмаслиги лозим. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етарли».²⁵

Бугунги кунда жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш ҳукуматимизнинг доимий диққат марказидир. Улар ўртасига нифоқ соладиган экстремистик ва радикал гояларни тарқатишга мамлакатимизда умуман йўл қўйилмайди. Миллатлараро муносабатлар ва диний бағрикенглик тамойилларининг яхши йўлга қўйилганлиги, миллий анъана ва қадриятларни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган эзгу ишлар, кўрсатилаётган улкан эътибор ва гамхўрликлар, яратилаётган барча имконият ва шароитлар бугунги ҳаётимизда яққол акс этмоқда.

Яхши қўшничилик ва инсонпарварлик ўзбеклар табиатидаги тугма миллий ва диний фазилат ҳисобланади. Барча замонларда Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб келган ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Тинчлик, ижтимоий адолат ва миллий тотувлик гоялари бизнинг аجدодларимиз қолдириб кетган маънавий мероснинг чуқур илдизларига бориб тақалади. Юртимизда асрлардан бери давом этиб келаётган мана шу маънавий қадриятлар ва бой маданий мерос давлатимизнинг буюк келажигига замин бўлиб хизмат қилади.

Республикада истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлашга, миллатлараро тотувликни сақлаб қолишга эътибор қаратилаётганлиги натижасида Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «мустақиллик йилларида биз эришган энг катта ва бебаҳо бойлик – кўпмиллатли халқимизнинг ҳар қандай қийинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, унинг за-

монавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигининг юксалиб бораётгани, атрофимиздаги воқеаларга дахлдорлик туйғуси, жамиятимиздаги ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитидир»²⁶. Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини уйғунлаштириш республикада барқарор сиёсий мувозанатни вужудга келтиришнинг энг муҳим шартларидан биридир. Ўзбек халқи ўлкамизда яшаб келаётган барча миллатларга, шу билан бирга, қўшни мамлакатлар халқларига ҳаммаша иззат-ҳурматда бўлиб келмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев буни шундай изоҳлайди, «...халқимизнинг ана шундай фазилатларини ўзида мужассам этиб, уларни асрлар давомида асраб-авайлаб ва бойитиб келаётган Фаргона аҳли, Фаргона вилояти бу йўлда бизга тоғдек таянч бўлади».²⁷

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юртимиздаги миллатлараро тотувликни сақлашга доир юксак инсонпарварлик сиёсати, жамиятдаги барқарорлик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, мурувват ва шафқат, саховат каби фазилатлар дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун намуна бўлишга арзигулиқдир. Шу билан бирга, Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаб айтганидек: «Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда».²⁸ Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик тинчлик, маърифат, юксак ахлоқ-одоб ифодаси сифатида вақт ўтган сайин юлдуздек ярқираб, чирой очаверади, фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий мезонларидан бири бўлиб қолаверади, келажакда буюк баркамол авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда муҳим омил ҳамда юртимиз тараққиёти ва тинчлигининг гарови сифатида хизмат қилаверади.

²⁶ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.67.

²⁷ Кўрсатилган манба. – Б.70.

²⁸ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.9.

²⁵ Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришган тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.9.



МАЪРИФАТПАРВАР ИБРАТ ВА ОЗОДЛИК КУРАШЧИСИ НОСИРХОНТЎРА ТАҚДИРИГА ДОИР

Рустамбек Шамсутдинов, Дилшодбек Хомидов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 7 июль куни Наманган вилоятидаги учрашувлардан бирида миллий уйғониш даврида Фарғона водийсидан чиққан тараққийпарвар, маърифатчи, ўз даврининг етук зиёлиси, юртнинг озод бўлиши учун кураш олиб борган сиймолардан бири Жунайдуллаҳўжа ўғли Исҳоқхон Ибрат ҳақида тўхталиб, бу атоқли маърифатпарвар аجدодимиз ўзига Ибрат тахаллусини бежиз танламагани, унинг элу юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугун ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлаб, бу кишига атаб замонавий боғ яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва «Ибрат мактаби»ни ташкил қилиш ташаббусини илгари сурган эди. Бу таклиф жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланиб, ҳозирги кунда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ибрат номидаги боғ ва унинг музейи яратилмоқда.

Бу тараққийпарвар, жаҳонгашта сиймо жуда мураккаб шароитда, Чор Россияси ва совет мустақилчилиги давридаги зулм ва адолатсизлик ҳукмрон бўлган муҳитда яшаб ижод этди. Унинг бой ва кўркем меросини ўрганиш, тарғиб этиш мустақиллик йилларида кенг йўлга қўйилди. Бироқ бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар талайгинадир. Тарихий адабиётда Исҳоқхон Ибратнинг советлар томонидан қатагон қилиниши тафсилоти ҳозиргача ёритилгани йўқ. Қуйида шу пайтгача эълон қилинмаган, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архивида сақланаётган ОГПУ органлари томонидан амалга оширилган қатагон сиёсати ва амалиёти билан боғлиқ ҳужжат, материал, фотосуратлардан айримларини биринчи бор шарҳлашни лозим деб билдик.

1937 йил 7 февралда Андижон округи Шаҳрихон (Сталино) қишлоғида Шаҳрихон район ички

ишлар бўлими бошлиғи давлат хавфсизлиги лейтенанти Дамин-Зубов (Павел Васильевич – Р.Ш.) Сталин (Шаҳрихон) райони Юқори Шаҳрихон қишлоқ совети Тумор қишлоғида Тўрақўргон қишлоғидан келиб яшаётган Аббосхон Тўра Исҳоқхон Тўраев тўғрисида тушган материалларни кўриб, Аббосхон Тўра доимий равишда қишлоқдаги колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб боргани, яқин вақтларда урушнинг бўлиши муқаррарлиги ва шу муносабат билан аҳолини Совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий чиқиш қилишга чақирганликда айбланиб, ЎзССР Жиноий процессуал кодекси 49 – 51-моддаларига асосланиб ҳибсга олишга қарор қилди. Маҳбус Андижон турмасига жойлаштирилди. Маҳбус имзолаган анкетадан маълум бўлишича, Аббосхон Тўра Исҳоқхон Тўраев 1879 йили Косонсой райони Тўрақўргон қишлоғида туғилган, доимий яшаш жойи Шаҳрихон райо-



ни Тумор қишлоғи бўлган, 1929 йилгача мулксий, ижтимоий ҳолати – хизматчи, ижтимоий келиб чиқиши – ўртаҳол деҳқон, миллати ўзбек, партиясиз, маълумоти ўрта, соғлом, оила аъзолари – отаси Исҳоқхон Жунайдуллаев, хотини Отахонова Нуринос 45 ёшда, уй бекаси, ўғли Рашид 3 ёшда, ўғли Карим 11 ёшда, ўғли Миха 19 ёшда, укаси Ваққос 54 ёшда, укаси Фаёз 36 ёшда, синглиси Парида 26 ёшда, синглиси Васида 20 ёшда.

7 февраль куни Шаҳрихон шаҳрида П.В.Дамин-Зубов Аббосхонтўра Исҳоқхонтўраев устидан айблов тўғрисидаги қарорни тақдим этган. Унда Аббосхонтўра – миллати ўзбек, саводли, волость қозисининг ўғли, революцияга қадар ва ундан кейин ҳам қулоқ хўжалиги бошлиғи, 1930 йили қулоққа тортилган, Шаҳрихон қишлоқ совети Тумор қишлоғига келиб яшай бошлаган, ўзи ва оила аъзолари колхозга аъзо эмас, қишлоқ имоми экани қайд қилинган. Унга қуйидагича айблар қўйилган: 1) Юқори Шаҳрихон қишлоқ советидаги Тумор қишлоғида руҳонийларнинг махфий йиғилишида фаол қатнашган; 2) бошқа мамлакатларнинг Совет ҳокимиятига қарши уруш очиши муқаррарлиги ҳақида мағлубиятчилик тарғиботини олиб борган, уруш бошлангудек бўлса, Совет ҳокимиятига қарши курашиш мақсадида аҳоли орасида тарғибот олиб борган, шахсан ўзи колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борган ва бошқаларни ҳам бу ишга даъват этган, булардан келиб чиқиб Аббосхонтўра Исҳоқхонтўраев ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси 2-банди ва 67-моддаси билан айбланганини эълон қилади. Уни Андижон турмасида ҳибсда сақлаш шаклидаги эҳтиёт чораси ўз кучида қолдирилишига қарор қилинган. Тер-

говчи қийноқлар воситасида Аббосхонтўрадан отаси Исҳоқхонтўра Жунайдуллаевнинг «аксилинқилобий» характердаги фаолияти тўғрисида маълумот олишга эришади. Оқибатда Исҳоқхонтўра ҳам ҳибсга олиниб Андижон турмасига ташланади. Бундан ташқари, Убайдулла Махсум Отабой Аъламов, Жабборхон Султонхонов, Умарали Жумабоев, Деҳқонбой Сўфи Дўсматов, Ниёзов Акбарали, Султонхонов Мўтабархоннинг «аксилинқилобий» фаолияти ҳақида маълумотлар олинади ва улар ҳам ҳибсга олиниб тергов қилинади, қийноқларга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архивида Андижон округи Сталин

Полномочия органа МВД.

А.А.А.А.А.

АНКЕТА АРЕСТОВАННОГО.

СОБРОСЫ:

ОТРАТЫ.

1/ ФИО, *Жунайдуллаев Исак-хан*

2/ Кем отчество.

3/ Год и место рождения

Родился в *1861* г.

Кварт. 24 Октябрь. С.А.А.А.А.

4/ Постоянное место жительства/ адрес: *Мухоморова р-на*
5/ Место службы и должность *не определенная замесити*
или род занятий.

6/ Профессия, род занятий.

нет

7/ Мужество о поведении в момент ареста/ перечислить по дорожке находясь в плену мое имущество востройки, следы и прочие *в хол. орудия, но имущество собственное, а также количество скота, до швей и прочее, сумки, наборы о/ков и иные принадлежности, если юд)овники у меня имущество поделено до наступления в плену, время поступления в плену.*

7/ Там до 10/30 года *Кисел. дом, Земли 16 тит. одну лес*

8/ Там до 10/17 года *дом, Аташ, орбу, и другие принадлежности*

10/ Сопольное положение в момент ареста. *индивидуальный*

11/ Служба в царской армии *нет*

12/ Служба в Красной армии *нет*

13/ Служба в царской армии *нет*

14/ Военная деятельность. *нет*

15/ Социальное происхождение. *из крестьян. дворян*

16/ Политическое признание. *нет*

17/ Национальность к глас *г-н. А.А.А.А.А. Узбек*

17/ Политическая принадлежность *нет*

8/ Место рождения *нет*

парлиги, шунда уруш бош-
ланиши биланоқ аҳолини
совет ҳокимиятига қарши
аксилинқилобий чиқишлар-
рини ташкил этиш, урушда
совет ҳокимиятининг маг-
луб бўлиши учун курашиш
зарурлиги ҳақида тарғибот-
ташвиқот олиб бораётгани
айтилган. Шунга асосланиб
Ўзбекистон ССР Жиноят
процессуал кодексининг
49 – 51-бандига амал қилиб
Жунайдуллаев Исҳоқхонтў-
рани ЎзССР Жиноят кодек-
сининг 66-моддаси 1-қисми
билан айблаб, Андижон
турмасида ҳибсда сақлаш
талаб этилган. Давлат хавф-
сизлиги катта лейтенанти
Лисицин 10 февраль куни
қамоққа олиш ҳақида санк-
ция берган. Исҳоқхонтўра
Жунайдуллаев 1937 йил 10
февраль куни 6-сонли ордер
билан қамоққа олиниб Ан-
дижон турмасига ташлан-
ган.

Махбус анкетасида 1861 йили Тўрақўргон райони 2 октябрь даҳаси Сайрам маҳалласида тутилгани, яшаш жойи ўша манзилдалиги, ўз

шахсий уйига, битта сигир ва битта отга эгалиги, арава, 16 таноб ери борлиги қайд этилган. Ҳибса олинган пайтдаги ижтимоий аҳволи мулкдор, ижтимоий келиб чиқиши йирик деҳқон, миллати ва фуқаролиги – СССР фуқароси, ўзбек, партиясиз, маълумоти олий, мадрасани битирганлиги, ревматизм билан оғриётганлиги, оила аъзоларидан ўғиллари: Аббосхон – 57 ёшда, машғулоти аниқ эмас, Ваққосхон – 35 ёшда, колхозчи, Фаёзхон – 31 ёшда, деҳқончилик қилади, Ротибхон – 7 ёшда, қизлари: Зарифахон – 18 ёшда, Турсунхон – 16 ёшда, Апинахон – 13 ёшда. Ишқоқхонтўра анкетани имзолашга мажбур қилинган.



ЎзССР НКВД Андижон сектори 4-бўлим оператив вакили, давлат хавфсизлиги сержанти Деревянченко тайёрлаган ва ЎзССР НКВД Андижон сектори 4-бўлим бошлиғи, давлат хавфсизлиги сержанти Лацис билан келишилган, ЎзССР НКВД Андижон сектори бошлиғи давлат хавфсизлиги лейтенанти Лисицин 1937 йил 20 февралда тасдиқлаган айблов қарори билан маҳбус Исҳоқхон Жунайдуллаев таништирилган ва маҳбус буни имзолаган.

Исҳоқхонтўра Жунайдуллаевни айблаш бўйича 2580-сонли тергов иши материалларида маҳбуснинг ўзбек миллатига мансублиги, маълумоти олий, араб, форс, турк, афғон, ҳинд ва рус тилларини билганлиги, инқилобгача 10 йил давомида қозилик мансабида бўлгани, совет ҳокимияти томонидан қатагон қилингани, 1926 йили ер майдонини сотиб олгани учун суд ҳукми билан бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилгани қайд қилинган.

Исҳоқхонтўра 1936 йил август ойида руҳонийларнинг 2 та махфий йиғинида иштирок этгани, бу йиғинларда СССР билан бошқа давлатлар ўртасида уруш бўлишлиги ва бу урушда совет ҳокимияти мағлуб бўлиши масалалари кўрилгани, йиғилишларда колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб боргани, бўлгуси урушда совет ҳокимиятининг ҳалок бўлиши муқаррарлиги тўғрисида игволар тарқатгани айблов қарорида келтирилган.

Совет ҳокимияти билан кураш олиб борадиган аксилинқилобий унсурларни уюштириш мақсадида Андижон округи Сталин райони Юқори Шаҳрихон қишлоқ совети Тумор қишлоғидаги 2 та йиғилишда қатнашгани, урушнинг бўлиши ва совет ҳокимиятининг ҳалокати муқаррарлиги, юртни мусулмонобод қилиш зарурлиги тўғрисида нутқ сўзлаганликда айбланган. Булардан келиб чиқиб фуқаро Исҳоқхонтўра Жунайдуллаевни ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-банди ва 67-моддаси билан айблаш, мазкур қарор билан прокурор ва секторнинг 8-бўлимини таништириш кераклиги айtilган.

ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитети Андижон области Андижон шаҳри бўйича бошқармаси катта тергов-



Наманган шаҳар қозиси Исҳоқхон Жунайдуллахужа ўғли Ибрат Наманган уезди бошлиқлари ва қозилар даврасида (утирганлардан чапдан учинчи, миллий либосда Ибрат икки ҳарбий-маъмурий рус мулозими ўртасида, сурат илк бор эълон қилинмоқда)

чиси капитан Лисенко имзоси билан 1959 йил 21 августда берган маълумотномада Андижон турмасидаги учлик Жунайдуллаев Исҳоқхон иши юзасидан унинг ўлими сабаби ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлиги айtilган, Андижон шаҳридаги 4-сонли турма архивида Жунайдуллаевни дастлабки тергов қилиш вақтида унинг ҳисоб карточкасида 1937 йил 19 июнда вафот этгани қайд этилган. Аслида, ЎзНКВД Андижон сектори бўлимининг собиқ бошлиғи Макаревич шахсан Исҳоқхонтўра Жунайдуллаевни тергов қилган. Тергов жараёнида Макаревич «айби»ни бўйнига олувчи кўрсатма, маълумот олиш ва тергов материалларини сохталаштириш мақсадида маҳбусга азоб берган, жисмонан қийнаган, оқибатда 76 ёшли кекса Исҳоқхонтўра даҳшатли қийноқларга бардош беролмай турма камерасида жон таслим қилган. Бу мутафаккир, маърифатчи олим, жадидчилик ҳаракатининг пешқадам вакили, шоир, тилшунос, янгича усулда мактаб очган, ўқув дастурига рус тилини киритган, ўз қишлоғида «Матбааи

"УТВЕРЖАЮ"

НАЧАЛНИК НКВД Уз
ГЕНЕРАЛ ГОСУДАРСТВЕННОЙ
(КУЛИНЧЕВ)

ОБВИНИТЕЛЬНОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Судья. Ахмедов
Уткин
Протур
по делу. А. Ахмедов

По следству Андижанского Сектора НКВД Уз. № 2580 по обвинению:

- 1) УБАЙДУЛЛА МАКСУМ АТАБАЙ - АЗИЗОВА.
- 2) ИСАКХАН ТЮРЯ ДУЛЛА ДУЛЛА -
- 3) АБАСХАН ТЮРЯ ИСАКХАН ТЮРЯ - ЕВА, и других, всего 8 человек, по ст.ст. 66 ч. II и 67 УК УзССР.-

Андижанским Сектором НКВД Уз в Январе-Феврале и-це 1937 г. в Сталинском районе ликвидирована контрреволюционная, националистическая повстанческая группа (ячека), ранее ликвидированная в контрреволюционной повстанческой организации мусульманства в Балхашском, Уч-Курганском, Ленинском и др. районах Ферганской области. Обвиняемые ликвидированной контрреволюционной организации были привлечены к уголовной ответственности по делу № 2692/2519.

Ликвидированная контрреволюционная ячека в Сталинском районе, ставила своей целью свержение советской власти и установление в Узбекистане "Мусульманбада" путем оказания помощи басмаческим бандам-интервентам, при выступлении последних против СССР.

По настоящему делу привлекаются к ответственности организаторы и участники контрреволюционной группы: УБАЙДУЛЛА МАКСУМ АТАБАЙ (АЛЯМОВ), ИСАКХАН ТЮРЯ ДУЛЛА ДУЛЛА, АБАСХАН ТЮРЯ ИСАКХАН ТЮРЯ, ЖАББОРХОН СУЛТАНХАНОВ, САКБАР-АЛИ НИЯЗОВ, УМАР-АЛИ ДУЛЛАБАЕВ, УТА-ВАРХАН СУЛТАНХАНОВ, ДЕХАНБЕК СУФИ ДУСМАНОВ.

Произведенным расследованием по делу установлено:

Исхоқия» номли босмахона ташкил этган, Туркия, Болгария, Греция, Италия, Афғонистон, Саудия Арабистони, Ҳиндистон давлатларида бўлган, араб, форс, инглиз, ҳинд ва урду тиллари ўрганган, энциклопедик маълумот соҳиб-и Исҳоқхонтўра Жунайдуллаҳўжа ўгли Ибрат жанозасиз, кафансиз Андижондаги қатлгоҳга яқин тепалик жойга ярим кечаси яширинча қўмилган, бу ҳақда акт тузилган.

Аббосхонтўра Исҳоқхонтўраев (1879 йилда тугилган, Тўрақўрган районида, ўзбек, савод-

ли, СССР фуқароси, ҳибсга олинганга қадар Андижон округи Сталин райони Тумор қишлоғида яшаган, доимий равишда яширин йигилиш-мажлислар ўтказиб қўзғолон қилиш характеридаги антисовет тарғиботни тизимли тарзда олиб борган) 1937 йил 10 августда отувга ҳукм қилинган.

Шу 2580-сонли иш бўйича **Убайдулла Махсум Отабой Аъламов** (1880 йили тугилган, Косонсой райони Тергачи қишлоғидан, саводли, собиқ қулоқ, 1922 йили босмачилар тўдаси билан алоқадалиги ва ёрдам берганлиги учун 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган, 1930 йили аксилинқилобий фаолияти учун 5 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилган, 1937 йили 10 августда отувга ҳукм этилган);

Жабборхон Султонхонов (1908 йили тугилган, Наманган шаҳридан, ўзбек, собиқ қулоқнинг ўгли, руҳоний, ҳибсга олинган арафасида Сталин райони (Шаҳрихон) Саховат қишлоғида яшаган, аксилинқилобий исёнчи гуруҳда бўлиб, гуруҳнинг нолегал йигилишларида иштирок этган, гуруҳ кўрсатмаси

бўйича колхозчилар оммавий тўпланган жойларда тарғибот олиб борганлиқда айбланган, ЎзССР НКВД уқлигининг қарори билан Жиноят кодексининг 67- ва 66-моддалари 2-банди билан отувга ҳукм қилинган);

Умарали Жумабоев (1893 йили тугилган, Юқори Шаҳрихон қишлоқ совети Саховат қишлоғида яшаган, ўзбек, собиқ қулоқнинг ўгли, собиқ босмачининг ўгли, ҳибсга олинган олдидан аниқ машғулоти бўлмаган, аксилинқилобий исёнчи гуруҳнинг фаол иштирокчилари



91

билан боғланиб, гуруҳ топириги билан таргибот олиб борганликда, варақалар тарқатганликда айбланган, ЎзССР НКВД учлигининг қарори билан отувга ҳукм қилинган);

Акбарали Ниёзов (1899 йили туғилган, Юқори Шаҳрихон қишлоқ совети Тумор қишлоғидан, 1933 йили миллатчилиги учун ВКП(б) сафидан чиқарилган, ҳибсга олиниши олди-дан «Большевик» колхозида мироб бўлиб хизмат қилган, аксилинқилобий исёнчи гуруҳ иштирокчиси сифатида колхозчилар орасида аксилинқилобий, исёнчилик тарғиботи олиб борганликда айбланган, ЎзССР НКВД учлигининг қарори билан 10 йил МТЛга ҳукм қилинган);

Дехқонбой Сўфи Дўстматов (1875 йили туғилган, ўзбек, Сталин райони Юқори Шаҳрихон қишлоқ совети Тумор қишлоғидан, ҳибсга олиниши арафасида масжид сўфиси, аксилинқилобий, исёнчи гуруҳ иштирокчиси бўлиб, унинг барча яширин йигилишларида исёнга тайёргарлик кўриш ва Ўзбекистонда «Мусулмонбод» бунёд этиш масалалари муҳокама қилинганда иштирок этганликда айбланган, ЎзССР НКВД учлигининг қарорига кўра отувга ҳукм қилинган);

Мўътабархон Султонхонов (1873 йили туғилган, Наманган шаҳри Тўрақўргон қишлоғидан, ўзбек, собиқ қулоқнинг ўғли, руҳоний, кейинги вақтларда Андижон райони Сарой қишлоқ совети Олтинқул қишлоғида яшаган,

"УТВЕРЖАЮ"
Нач. АС НКВД Уз.ССР
Полковник Гусев
(подпись)

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
пред"явления обвинения).

г.Андижан 1937 г.Февраля 20 дня.Л.Опер.Упол.4 Отд.АС НКВД Уз.ССР Секрет Госбезопасности ДЕРЖАВЧЕНКО рассмотрел следственное производство по делу № 2580 по обвинению ИСААХАНА ТЮРА ДУШИЯДУЛЛАЕВА - рождения 1861 г., уроженец Тюр-Курганского района, по нац.узбек, гр-н СССР, образование высшее-духовное, владеет арабским, сарыиоки, турецким, афганским, ин-ди-оки и русским языками. До революции на протяжении 10 лет был Казн, ~~который~~ подвергался репрессиям соввласти. В 1926 был судим за покупку земельной площади, по суду приговорен к 1 году лишения свободы - освобождается в том, что:

- В Августе месяце 1936 г.участвовал на 2 секретных собраниях духовников, на которых обсуждалось вопросы неизбежности во"ен СССР с другими государствами и порожения совла-сти в этой войне.На этих же собраниях было принято решение о проведении контрреволюционной агитации среди колхозников и распространении провокационных слухов о неизбежной войне и гибели соввласти.

С целью организации контрреволюционного элемента для борьбы с соввластью в кишлаке Тумар Шахри-Шахриханского сель совета Сталинского района, так-же участвовал на двух совеща-ниях, на которых лично выступил с заявлениями о необходимости во"ен и борьбы с совла-сти и борьбы с необходимостью создания мусульманбада.

Руководствуясь ст. 40 УЛК Уз.ССР

ПОСТАНОВИЛ:

Гр-на ИСААХАНА ТЮРА ДУШИЯДУЛЛАЕВА привлечь в качестве обвиняемого, пред"явив ему обвинение по ст.ст.86 ч.1 и 87 УЛК Уз.ССР, меру пресечения оставить прежнюю.Копие" настоящего постановления уведомить Прокурора по наблюдению за следствием АС НКВД Уз.ССР и 8-е Отделение Сектора.

Опер.Упол.4 Отд.АС НКВД Уз.ССР
Секрет Госбезопасности

ОСНОВАН: Нач.4 Отд.АС НКВД Уз.ССР
Полковник Гусев
(подпись)

Постановление вне об"явлено:
" февраля 1937 г.

ҳибсга олиниши арафасида аниқ машғулотли бўлмаган, аксилинқилобий, исёнчи гуруҳга аъзо бўлиб, унинг нолегал йигилишларида иштирок этган, гуруҳ кўрсатмаси бўйича колхозчилар оммавий тўпланган жойларда тарғибот олиб борганликда айбланган, ЎзССР НКВД учлигининг қарорига кўра 10 йил МТЛга ҳукм қилинган) ҳам ҳибсга олинган.

Исҳоқхон Жунайдуллаҳўжа ўғли Ибротнинг 1930 йилда туғилган ўғли Ротибхоннинг 1959 йил 28 майида Ўзбекистон ССР Олий Советига



Исҳоқхонтӯра Жунайдуллаҳужа ўғли Ибрат (1861 – 1937)
Андижон турмасида



Аббосхонтӯра Исҳоқхонтӯраев
(1879 – 1937)



Убайдулла Махсум Отабой Аъламов
(1908 – 1937)



Жабборхон Султонхонов
(1908-1937)

йўллаган аризасини келтириш билан кифояланамиз. «Менинг отам «Ибрат», Анисий тахаллуси билан асарлар ёзган прогрессив олим Исҳоқ Жунайдуллаев 1862 йилда Тўрақўрғоннинг қишлоғида ўқимишли хонадонда туғилиб, ёшлик даврида Тўрақўрғон, Наманган ва Бухорода билим олган. Ўз ҳаётида билим қидирган отам Россиянинг кўп шаҳарларида, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ҳамда Хитой давлатларида бўлган. Рус тилида ўқиш, ёзиш ва таржималар қилишни мукаммал билган. Кезган мамлакатларининг тили ва маданиятини ўрганиб, улар ҳақида асарлар ёзган, улар ҳозиргача сақланган, «Жомул хутид» (Хатлар йиғиндиси), «Фарғона тарихи», «Маданиятлар тарихи», «Етти тилда луғат» ва бошқа майда асарлари билан маълумдир. Бу манбалар Тошкентда Шарқ қўлёзмалари институтида ва ёзувчилар союзининг Наманган область бўлимида сақланмоқда.

Отам билим тарқатувчигина бўлиб қолмай, маърифатпарвар, маданиятга ундовчи шахс бўлган. Революциядан илгари Наманганда «Исоқия» номли типо-литография ташкил қилиб, ўз асарлари ва халқни маърифатга чақирувчи бошқа асарларни босиб турганки, ҳозирда Намангандаги «Ударник» босмахонаси собиқ «Исҳоқия» литографияси базасида ташкил бўлган.

Отам 1924 йилгача халқ судлиги лавозимида ишлаб келганлиги ҳақида замондошлари маълумот берди. Кейинчалик қарилик туфайли ишдан қолган.

1937 йилнинг февраль ойида отамни тўсатдан қамоққа олишган ва 75 ёшда 1937 йил май ойида Андижон турмасида вафот этган. Мен 1930 йилда туғилиб, отамнинг қамалиш сабабини билолмаганман. Ушбу аризам билан отамнинг қамалиш сабабини ва унинг сўнгги вақтда оқланганми, йўқми, шу ҳақида маълумот бериб



Деҳқонбой Суфи Дўстматов
(1875 – 1937)

мени ўз биографиямда отам ҳақида тўлароқ ёзишимга имкон беришингизни сўрайман».

Шу ариза бўйича ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг Андижон области бўйича катта терговчиси капитан Лисенко томонидан 1959 йил 5 сентябрда архив тергов иши бўйича ХУЛОСА тайёрланган. Хулоса ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг Андижон области бўйича бўлим бошлиғи А.Сичев томонидан тасдиқланган. Бу ҳужжатга кўра, 1937 йил 10 августда ЎзССР НКВД ҳузуридаги учлик қарори билан Аъламов Убайдулла Махсум Отабой, Тўраев Аббосхон тўра Исҳоқхон Тўраев, Жабборхон Султонхонов, Умарали Жумабоев, Деҳқонбой Дўстматов ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 2-қисм ва 67-моддалари қўлланиб отувга ҳукм этилган. Ҳукм ижро этилган. Акбарали Ниёзов, Мўътабархон Султонхонов 10 йил муддат билан меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинганлар. Хулосада бу айбланувчилар ҳибсга олингани ва суд қилиниб жазога тортилгани асоссиз эканлиги кўрсатилган. Бошқача айтганда, улар реабилитация қилинган.

Ўзбекларда қилмиш-қидирмиш деган фалсафий фикр авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Шу ўринда буюк маърифатчи Исҳоқхонтўра Ибрата Андижон турмасида азоб бериб, унинг жонига завола бўлган совет чекисти Макаревич ўзининг разил ишлари учун жазо топди.

НКВД Андижон сектори ходимлари, секторнинг собиқ бошлиғи Стасин, унинг ўринбосари Кулиничев, 4-бўлим бошлиғи Макаревич 1938 йилда жиноий ишларни сохталаштириб, тер-

гов ҳужжатларини имзолаб, тасдиқлаб, кўплаб маҳбуслар тўғрисида ноқонуний ҳукм лойиҳалари тайёрлаганликлари учун Ўрта Осиё Ҳарбий округи ҳарбий трибунали томонидан олий жазога ҳукм қилинган.¹

Ибрата домлани ҳибсга олган, тергов қилган, айблов хулосасини тайёрлаган чекист П.В.Дамин-Зубов қатағон кампаниясида фаоллик кўрсатгани советлар томонидан қадрланиб, ҳатто 70-йилларда «Ленин» ордени билан тақдирланиб, Андижон вилоятида турли тарихий, тантанали мажлислар ҳайъатида гуруҳ билан ўтирганини шахсан ўзимиз кузатган эдик. Бундай адолатсизликлар совет режими шароитида кўпдан-кўп бўлганига тарих шоҳиддир. Буюк истиқлолнинг одилона шабадаси тарихимиздаги бу каби адолатсизликларни учуриб юборганига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

НОСИРХОНТЎРА ТАҚДИРИГА ДОИР

Туркистон мухторияти тарихи, жумладан, бу миллий демократик ҳукуматни ташкил этган ва унинг фаолиятига раҳбарлик қилган тарихий шахслар советлар даврида фақат салбий томондангина қайд қилиб ўтилган. Уларнинг барчасига аксиланкилобий унсурлар деган қора тамга босилган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг тарихимизни янгича англаш, қадрлаш, бузилган, сохталаштирилган воқеаларни ўз жойига қўйиш жараёни бошланди. Аммо тарихий аҳамияти, бўй-басти юксак бўлган Туркистон мухторияти давлати тарихи ҳали-ҳанузгача кенг ва атрофлича тадқиқ этилгани йўқ. Айниқса, Туркистон мухторияти билан бевосита боғлиқ бўлган тарихий шахслар ҳаёти ва тақдири тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортмаганлиги афсусланарлидир.

Туркистон мухторияти маориф вазири Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳам ўрганилмай келди. Тўғри, бундан чорак аср аввал Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги комитети архивидан олинган бу инсон ҳақидаги айрим маълумотлар эълон қилинган эди.²

¹ Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1938 йил февраль, сентябрь). Бешинчи китоб. – Тошкент: Sharq, 2009. – Б.9.

² Шамсутдинов Р.Т. Тарихий меросимизга бир назар. – Андижон:



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати архивида бўлиб, Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг ҳаёти, тақдири, қисмати ўз аксини топган 18 жилддан иборат 25412-сонли фонд ҳужжат ва материаллари билан танишиб чиқдик. Бу ҳужжатлар билан 1989 – 1990 йилларда ҳам қисман танишиш имконига эга бўлган эдик, айрим ҳужжат ва материаллардан илмий мақолаларимизда, китобларимизда иқтибослар келтирган эдик. Орадан шунча вақт ўтишига қарамай, биз ва бошқа тадқиқотчилар шу фонддан фойдаланиб истиқлол курашчиси Носирхонтўра ҳақидаги бор ҳақиқатни тарихимиз саҳифаларига битмаганимиздан хижолатдамиз. Халқимизда «Ҳечдан кўра кеч яхши» деган нақл бор. Биз ҳам кеч бўлса-да Носирхонтўра ҳаётига доир ҳозиргача илмий истеъмолга киритилмай келган айрим ҳужжат ва материаллар асосида маълумотлар келтиришни лозим топдик. 1930 йил 20 июль санаси қўйилган Носирхонтўранинг русча (кирил имлосида) ва ўзбекча (араб имлосида) аризасини аслидек келтирамыз.

«Я, Насырхан Камалов, признаю, что с середины 1929 года принимал участие в организации вооруженного выступления против Советской власти с целью её свержения (Мое участие на совещание курбашей в Шокапtare, на котором включены лозунги мои предложения, подготовка касансайских джигитов, мое личное участие в бандах).

Встав я на путь борьбы с Советской властью вследствие убеждении мусульманина и преданности религии ислама, принципиальная непримиримость которой с коммунизмом и определяло мое активное участие в борьбе.

Признаю также, что после непродолжительного перерыва, вызванного разгромом банд, я в начале 1930 года вновь принимал участие вместе с Истамбеком в организационной работе по подготовке нового вооруженного выступления против Советской власти, вербуя для этих целей джигитов в ряде кишлаков Андижанского округа. Программа тайной организации (Меджлис) составлено и написано мною зимой 1930 года. Насыр Камалов. 20/VIII – 30 г.»³

Мерос. 1994. – Б.36 – 37.

³ ЎзР ДХХА. Ф-25412. 6-жилд. 122-варақ.

ОГПУнинг Андижон бўлими бошлиги Орлов ва Андижон ГПУси ваколатли вакили Полъяковларнинг Тошкентга ОГПУнинг Ўрта Осиё доимий вакилликига, Самарқандга, Ўзбекистон ГПУсига йўллаган «**Эшон Носирхонтўра Камолхонтўраевнинг босмачилик ташкилотчиси ва раҳбари тўғрисида**»ги маъруза тафсилотини шарҳлаймиз. Бу инсон 1873 йили Андижон округи Косон райони Косон қишлоғида туғилган, унинг отаси Саид Камолхонтўра шу қишлоқдан чиққан, «сайидлар» қавмидан, Наманган шаҳридаги таниқли мударрис, 2 та уйи, 100 таноб суғорма ери бўлган.

Дастлабки тарбия ва диний таълимотни Носирхонтўра Наманган шаҳрида ўз отасининг мадрасасида олган ва уни Бухоро шаҳрида давом эттирган. Отаси вафот этгач, у мударрис вазифасини эгаллаган, отаси каби эшонлик мақомидан фойдаланган. 1924 йилгача бўлган мулкида 80 таноб суғорма ери, 5 – 6 таноб боғи, 2 та уйи бўлган. 1913 йили хорижга чиқиб, Макка ва Мадинада ҳаж амалларини адо этган. Инқилобгача бўлган даврдаёқ Наманганда таниқли мударрис ва эшон сифатида руҳонийлар, бойлар ва бутун аҳоли орасида жуда катта обрўга эга бўлган. Носирхонтўра Фаргона водийсидагина эмас, ҳатто бошқа округларда ҳам жуда айёр ва ақлли кишилардан бири ҳисобланган. У катта келажакни кўзлаган, у Фаргона водийсидаги миллий ҳаракатнинг раҳбари бўлишга ҳаракат қилган ва бунга қисман эришган ҳам. Керенский ҳукумати сиёсий саҳнага келган пайтда у Наманган шаҳрида бўлган ва 1917 йил Наманган шаҳрида «Шўрои ислом» ташкилотини асослаган ва раҳбари бўлган, Қўқон мухторияти ҳукумати даврида Носирхонтўра Наманган уездидан шу ҳукумат таркибига сайланган ва маориф вазири вазифасини эгаллаган. Бу даврда Қўқондан Наманган шаҳрига тез-тез келиб турган, бу ерда мухториятчиларнинг оммавий митинги ва намойишларини ўтказиб, ўз кучини кўк байроқлар билан намойиш қилиб турган. Барча намойиш ва митинглар Қуръон тиловатлари билан олиб борилган. Кейинча Совет ҳокимиятига қарши фаол иштирок этади, Қўқонда унинг иштирокида мухториятчиларнинг Қўқон қалъасига ҳужум қилиш режаси



ишлаб чиқилади, оқибатда Қўқонда қонли воқеалар содир бўлади.

Мухториятчилар маглуб бўлгач, у икки йил давомида яшириниб юради ва босмачиликнинг асосий рағбатлантириб турувчиларидан бири бўлиб қолади, ўша вақтда ҳаракатдаги Мулла Эргаш ва Мадаминбек йигитларини гоёвий жиҳатдан қўллаб туради.

1920 йили Носирхонтўра Совет ҳокимиятидан афв олади ва шу даврдан яшириниб Косон қишлоғида ва Наманган шаҳрида яшайди. Шу вақтдан бошлаб Совет ҳокимиятига қарши норасмий, лекин яширин кураш олиб боради. Наманганда «Маҳкамаи Шаръия» диний бошқармасини ташкил этади ва унинг раиси лавозимида 1923 йилгача фаолият кўрсатади. Бу диний бошқарманинг орқасида, аслида, «Миллий иттиҳод» яширинган бўлиб, унинг раҳбари Носирхонтўра бўлган.

1920 йилдан 1923 йилгача Носирхонтўра босмачиликни гоёвий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бир вақтнинг ўзида бошқа шаҳарлардан, масалан, Қўқондан Тўраҳон Махсум, Тўра Шайх Исломов, Миён Қудрат, Муса Набиев ва бошқалар билан алоқа ўрнатган. «Миллий иттиҳод – Ислон» ташкилотига прогрессив миллий ёшлар кира бошлаган.

Босмачилик даврида Носирхонтўра таниқли кўрбошилар билан, хусусан, Дадабой, Мадумар ва Истанбеклар билан алоқа ўрнатади ва уларга ўз «ривоятлари»ни, Советларга қарши кураш ҳақидаги даъватларини бериб туради. «Миллий Иттиҳод» ташкилотининг тор-мор этилиши сабабли 1923 йили Носирхонтўра қисқа вақт ичида ўз фаолиятини тўхтатади.

Шуни қўшимча қилиш керакки, инқилобий йилларда ва ундан кейинги даврларда Носирхонтўра Намангандаги энг таниқли мударрис бўлган, ўз қўлидан кўплаб шогирдлар чиқарган, кейинчалик улар унинг давомчилари бўлиб етишдилар. Кўплаб шогирдлари Чустдан бўлган, унинг аҳли аёли чустлик эди.

Мазкур ҳужжатда 1923 – 1925 йилларда Косондаги қўзғолон ва ўзаро гуруҳ курашида Носирхонтўранинг роли кўрсатилган. 1923 – 1924 йиллар охирида босмачилик тугатилиши билан Наманган уездига «Қўшчи» ташкилотлари

фаол ишга киришган, батракларни топиш ва уларни бирлаштириш, Косонда батрак артелини тузиш ҳаракати юз берган. Ўша артелнинг раиси Тўхтаҳўжа Абдурахмонхўжаев бўлган. Бу ташкилот «бойларнинг бутун ерлари бизнинг еримиз бўлиши керак» деган сиёсат олиб борган. Косондаги йирик қулоқ Мир Катта Саид Орипов батраклар эртами-кеч ерни олишларини ҳис қилиб батракларни ташкил этишнинг ёрдамчиси бўлади. Шу мақсадда Тўхтаҳўжа Абдурахмонхўжаевни ўз таъсири остига олади, уни моддий жиҳатдан таъминлайди, уй, от ажратади, у нимаики сўраса, муҳайё қилади. Артел учун 40 таноб ер ажратади, хуллас, батракларнинг амалдаги бошлиги Мир Катта Саид Орипов бўлади. У Тўхтаҳўжа ва бошқалар орқали ҳаракат қилади. Совет ходимларининг «Ернинг ҳаммаси сизларники» деган тарғиботи натижасида босмачилар орасида ерга бўлган хоҳиш-истак ортиб кетади, вақф мулкларига ҳам ҳужум бўлади. Носирхонтўра унга қадар ҳам Мир Катта билан яхши эмасди. Уларнинг шахсий ҳисоб-китоблари бор эди. Батраклар Носирхонтўрага қарашли ерларни олиб қўйишга уринадилар. 1924 йил 23 февралда батраклар йигилиши ва унинг қатнашчилари Носирхонтўра олдида «Яна нима қилишимиз керак?» деган масала қўяди. Носирхонтўра уларга: «Совет ҳокимияти уюштирган батраклар иттифоқини тугатиш керак, шу билан бойларнинг ерлари ва вақф ерларини олиб қўйишга чек қўйилиши керак», – дейди.

27 ва 28 февралда Носирхонтўра 2 та йигилиш ўтказиб, очикдан-очик қўзғолонга тайёргарлик кўриш масалаларини муҳокама қилган. Кимлар ўлдирилиши бўйича рўйхат ҳам тайёрланган. 24 февраль куни 500 кишилик оммавий ошкора чиқиш бўлади. Батраклар калтаклана бошлайди, маҳаллий милиция аралашади, айримлар қамоққа олинади, оломон ҳайқиреқлар қилади. Райижроқум маъмурий бўлим бошлиги келиши билан қўзғолон тўхтайдди. Буни ташкил этганларнинг айримлари қамоққа олинади. Носирхонтўра яшириниб олади. Косондаги батракларга қарши очикдан-очик ҳужум ижобий натижа бермаган. 1924 йил августда Носирхонтўра Косонга тез-тез келиб



туриб, ўз тарафдорлари, шогирдларини ёнига олиб партия, совет ва жамоатчилик аппаратларини обрўсизлантиришга ҳаракат қилади. Наманган уезд-шаҳар партия комитети Косонга комиссия юборади. ОГПУ коллегияси қошидаги махсус кенгаш 1925 йил 10 июлда Мир Катта Саид Орипов ва Носирхонтўрани ўзининг яқин фаол шерикларидан Самара шаҳрига уч йил муддатга сургун қилишга қарор қилади. Сургун муддатини ўтаб келгач Носирхонтўра Авлиё Отага бориб фаолият кўрсатади. У ердан Косонга келиб, 15 кун давомида Косон ва Янгикўргон районлари қишлоқлари бўйича айланиб чиқади. Наманган шаҳрида шогирдлариникида бўлади. 1928 йил 16 августда Носирхонтўра Чустга келади. Кўршермат билан яқин алоқада бўлган Муҳаммаджон Ёқубов билан учрашади ва уни босмачилик сафига тортишга ҳаракат қилади.

1928 йил 28 сентябрда Авлиё Ота шаҳридан Наманган шаҳрига ўша ерлик мударрислар Муборхон ва Олтинхонлар келишади; Муборхон ҳозир Авлиё Отада яшаётган мударрис Мулла Охуннинг уйида қолади, Олтинхон эса Носирхонтўранинг шогирди Мадамин қори Солижоновнинг уйида тўхтади. Носирхонтўрани Наманган шаҳридан топа олмаган Олтинхон 1929 йил 30 сентябрда Косон шаҳрига борган ва у ерда 4 кун Носирхонтўранинг меҳмони бўлган. Наманганга қайтишда Наманган шаҳридаги айрим руҳоният вакиллари билан бўлган суҳбатда унинг Наманганда қолишини Носирхонтўра тақиқлаганини айтган. Авлиё Ота мударрисларининг келишининг расмий қисми яқиндагина вафот этган Маматхонтўра ва Собитхонтўраларнинг мазорларини тавоф қилиш бўлган. 16 октябрда яна Чуст шаҳрига борган. Бу ердан Кўқонга ўтган ва Косонга қайтмасдан, Самарқандга ўгли ва бир муллавачча билан бирга кетган. 1928 йил 8 ноябрда Самарқандга етиб бориб у ерда бир неча кун турган, қатор мазорларга борган, Дагбит қишлоғи ва Хўжа Исмоил мазорини зиёрат қилади. Самарқанддан Бухорога ўтади. Бухородан Китоб шаҳрига ўтади. Ноябрь охирида Кўқонга келади ва бу ердан Косонга қайтиб келади. 1928 йил 5 декабрда Наманган район ижроқўмидан даволаниши учун Москва шаҳрига боришга рухсат сўрайди,

лекин рухсат ололмайди. 1929 йил январида унга яқин бўлган шогирди Мадумар қўрбошининг ҳомийси Убай қори Саидусмонов ҳузурида бўлади. Бу ердан Авлиё Отага – Сирдарёга кетади. ОГПУ бўлими Носирхонтўранинг 1 мартда Авлиё Отадаги ўзининг собиқ шогирди имом Олтинхон Эшонхоновнинг уйида тўхтагани, даволаниши зарурлигини сабаб қилиб кўрсатгани, шу жойда 2 десятина ер ижарага олиб деҳқончилик билан шугулланмоқчи бўлганини айтиди. ОГПУ агенти 21 июлда Носирхонтўра яна Косонга келганини хабар қилган.

1929 йил 24 октябрда ўз шогирди, қорақирғиз йигитлари билан бирга турган Атантой Сотилганов билан учрашади, улар бирга Мозор қишлоғига келади, танишиникида қолади. Икки-уч кундан кейин номаълум йўналишга йўл олади. Чекистлар уни ё Тошкент атрофида, айримлари қўрбоши Жонибекка қўшилиб кетган, ё Маргилонда бўлиши мумкин, лекин турган жойи ҳақида аниқ маълумот йўқ деб қайд этишган.

Носирхонтўра яшириниши мумкин бўлган барча жойлар тегишли маълумотлар билан таъминланган ҳолда тайёрлаб қўйилганини, унинг Мозор қишлоғидан кейин қаерда тўхташи мумкинлиги ҳақидаги маълумотни аниқлаш учун ишлар олиб борилаётгани қайд этилган.

Бундан ташқари, ҳужжат охирида Носирхонтўра бўйича меморандум ва у бўйича ишловчи тармоқлар рўйхати қўшимча равишда жўнатилиши кўрсатилган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги ваколатли органи тайёрлаган резолюцияни, хулосаларни ўз ичига олган 26 бетдан иборат ҳужжатда Носирхонтўра ва у билан бирга 92 нафар маҳбусга қўйилган айбномалар келтирилган:

1. **Носирхонтўра Саид Камолхонтўраев** 65 ёшда, Косон райони Косон шаҳридан, тожик, ЎзССР фуқароси, ер-сув ислоҳотида ҳўжалиги тугатилган, таниқли мударрис, Февраль революциясидан Октябрь революциясигача бўлган даврда Наманган шаҳар думаси аъзоси, аксинкилобий Кўқон мухторияти ҳўкуматининг собиқ вазири, Наманган диний бошқармасининг собиқ раиси, уйланган (хотини 4 та). ОГПУ Коллегияси қарори бўйича антисовет фаолияти учун 1925 йилдан 1928 йилгача сургунда бўлган:



а) 1929 йил ўрталаридан аввал ҳаракатда бўлган босмачилар тўдаларини фаоллаштириш бўйича фаол аксилинқилобий иш олиб борган, ўзининг вазифаси қилиб босмачилик фаолияти базасида Фаргона водийсида совет ҳокимиятини ағдариш мақсадида исёнчилик ҳаракатини ривожлантиришни қўйган;

б) шу мақсадларда Истамбек, Дадабой, Мадумар ва бошқа босмачилар кўрбошиларини жалб этган, улар билан махсус кенгашларда босмачилик фаолиятига раҳбарлик қилишни ўз зиммасига олган ва босмачилик ҳаракатининг синфий-сиёсий вазифаларини аниқ белгилаб олган: Совет ҳокимиятининг қишлоқдаги таянч нуқталарини тугатган, кооперация ва давлат савдосига моддий зарба берган ва қишлоқ фаоллари ва коммунистларидан ўч олган;

в) бевосита фаол босмачилик ҳаракати бошланишидан олдин анча яхши шароитлар яратиш мақсадида шахсан ўз агентураси орқали қатор районлардаги аксилинқилобчиларга муносабатлар ёзган ва тарқатган, аҳолини совет ҳокимиятига қарши курашга даъват қилувчи хитобномалар тарқатган;

г) 1929 йил сентябрь – октябрь ойлари давомида Фаргона водийсида босмачи тўдалар ҳаракатига раҳбарлик қилган ва шахсан ўзи Косон шаҳрига ҳужум қилган. Натижада қатор совет ва жамоат ташкилотлари яқсон қилинган;

д) 1929 йил октябрида ҳаракатдаги босмачи тўдалар тор-мор этилганидан сўнг яширин ҳолатга ўтади ва 1930 йил июнигача Истамбек ва Отантой Сотилганов босмачи кўрбошилар билан биргаликда аксилинқилобий ташкилотнинг кенг тармоғини яратадилар, совет ҳокимиятини йўқ қилиш, унинг ўрнига имом Амир бошчилигида мусулмон теократик давлатини тузиш учун ҳаракат қилган;

е) аксилинқилобий ташкилотнинг раҳбари ва гоаявий илҳомчиси сифатида шахсан ўзи аксилинқилобий ташкилотга аъзоларни ёллаган, бундай ёллашнинг йўл-йўриқлари, услубини кўрсатган, аксилинқилобий ташкилотнинг дастурини ёзган, унинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаб берган;

ж) босмачилар кўрбошиси Истамбек ва собиқ офицер Гумбин билан ҳамкорликда интер-

венцияга умид қилган ҳолда кўзголоннинг батафсил режасини ишлаб чиққан ва кўзголонни 1930 йил майида бошлашни белгиланган;

з) собиқ офицерларни, кўзголончилар отрядларини ҳарбий мутахассислар ва ўқ-дори билан таъминлаш учун ўқ-дориларни тайёрлаш бўйича усталарни ёллашни Игнат Гумбинга топширган;

и) кўзголончиларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида музокара олиб бориш учун Польшага вакил жўнатишни тайёрлаган ва бу мақсад учун пул маблағлари тўплаган;

к) аксилинқилобий ташкилотнинг гуруҳ ва ячейкалари тор-мор этилганидан сўнг Андижон округидан қочган. Аксилинқилобий фаолиятни янгилаш мақсадида 1930 йил июль ўртасида Қашқар чегарасидаги босмачилар кўрбошиси Жонибек қози ҳузурига йўл олган.

Яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 58 – 67-моддалари, РСФСР Жиноят кодексининг 58-2-, 58-11-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганлиги кўрсатилган, ўз айбларини қисман тан олган.

Гумбин, Самиулла Сафиуллаев, Мамажон Умаралиев, Саъдулла Масъудов, Тожибой Йўлдашев, Абдулаҳад Нишонбоев, Мансурбой Шергозиев, Исроилхўжа Саримсоқхўжаев, Отантой Сотилганов, Эшон Дадахон Носирхонов, Дадабой кўрбоши, Мадумар кўрбоши, Мирвали кўрбоши, мулла Фозил Бўлматов, Аббосхон Азизхўжаевларнинг кўрсатмалари билан фош этилган.

2. Отантой Сотилганов, 56 ёшда, Қизилжар райони Карвон қишлоғида яшовчи, қирғиз, Қирғизистон АССР фуқароси, уйланган, саводсиз, бой-чорвадор, ер-сув ислоҳоти даврида хўжалиги қисман тугатилган, судланмаган, у қуйидагича айбланган:

а) 1929 йил кузидан Носирхонтўра раҳбарлигидаги босмачилар ҳаракатига қўшилган ва сентябрь – октябрь ойлари давомида ҳудудни яхши билганлиги туфайли босмачиларни қизилларнинг зарбасидан бир неча бор қутқазиб қолган;

б) босмачилар тор-мор этилган 1929 йил октябрда Носирхонтўра билан бирга яширин ҳолатга ўтиб, совет ҳокимиятини ағдариш мақсадида Носирхонтўра бошчилигида кўзго-



Отантой Сотилганов

лончилар гуруҳ, ячейка ва ташкилотларини тузишда фаол қатнашган;

в) 1930 йил 2 июнда Қоратог ҳудудида қизил отрядлар билан бўлган жангда иштирок этган, жанг майдонидан ярадор бўлган кўрбоши Истамбекни олиб чиққан, уни таъқиб қилаётган отряддан яширган, яъни ЎзССР Жиноят кодексининг 58 – 67-моддалари билан айбланган. Айбдорлигини тан олган.

3. **Мулла Самиулла Сафиуллаев** – 54 ёшда, Наманган шаҳридан, татар, ЎзССР фуқароси, диний маълумот олган, собиқ катта ер эгаси ва савдогар, ер-сув ислохоти бўйича мулки қисқартирилган, оилали, судланмаган:

а) Намангандаги аксилинқилобий ташкилот аъзоси, аксилинқилобий ташкилотга фаолларни жалб этиш билан машғул бўлган;

б) Носирхонтўрани собиқ офицер ва оқ гвардиячи Гумбин билан боғлаган;

в) кўзголон режасини тузишда ва иттифокнинг марказий қисмларидан ташкилот эҳтиёжлари учун ҳарбий мутахассисларни жалб қилиш, ўқ-дорилар билан таъминлаш, шунингдек, Польшага делегат юборишни ташкил этиш мақсадида Гумбин билан музокараларда иштирок этган.

Яъни ЎзССР ЖК 58 – 67-моддалари билан айбланган. Айбларга қисман иқрор бўлган.

Ҳожихон Қаноатов, Мамазоир Шукурбоев, Гумбин Игнатий, Болтабой Ўразалиевлар кўрсатмалари билан фош этилган.

4. **Гумбин Игнатий** – 38 ёшда, Татаристон Республикаси Мамадиш кантони Комаровка қишлоғидан, чўқинтирилган, татар, РСФСР фуқароси, саводли, 1930 йил баҳорида Ўрта Осиёга келгунга қадар Волга пароходларида буфетлар ижараси билан шугулланган, революцияга қадар Чор армиясида унтер-офицер, 1917 йилда прапоршикликка ўтказилган, революциядан кейин, 1918 йилдан 1922 йилгача Мамадиш кантони ҳарбий комиссар ёрдамчиси, 1918 йилдан 1922 йилгача коммунист, оқларда сафарбарлик бўйича қисқа вақт хизмат қилган, судланган:

а) аксилинқилобий босмачи исёнчи ташкилот аъзоси;

б) кўзголоннинг умумий режасини ишлаб чиқишда иштирок этган, Наманган қалъасини босиб олиш ва темир йўл кўприklarини портлатишга раҳбарлик қилиш вазифасини ўз бўйига олган;

в) Носирхонтўра топшириги билан босмачилар отрядларига ўқ-дориларни тайёрловчи усталар ва собиқ офицерларни ёллаш учун Қозон шаҳрига борган;

г) Носирхонтўра билан ҳамкорликда босмачилардан ташкил топган делегатларни Польшага жўнатишга тайёрлаган.

Яъни ЎзССР ЖК 58 – 67-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этишда айбланган. Айбига иқрор бўлмаган.

Самиулла Сайфуллаев, Эшон Дадахон Носирхоновларнинг кўрсатмалари билан фош этилган.

5. **Эшон Дадахон Носирхонов** – 24 ёшда, Косон шаҳрида яшайди, тожик, ЎзССР фуқароси, саводли, уйланган, Носирхонтўранинг ўғли, судланмаган:



а) 1929 йил аввал ҳаракатда бўлган гуруҳларни фаоллаштириш учун ҳаракат қилган. Мадумар қўрбоши билан музокаралар олиб борган ва Шокаптарда совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолон кўтариш мақсадида ташкиллаштирилган босмачиларнинг йигилишида иштирок этган;

б) босмачи гуруҳнинг фаол аъзоси бўлган ва Носирхонтўра томонидан берилган махсус топшириқларини бажарган;

в) Жанубий Қирғизистонга Носирхонтўра билан қочишдан олдин, кейинчалик босмачилик мақсадларида фойдаланиш учун Наманганга 6 дона қирқма қуролни олиб бориб яшириб қўйган.

Яъни ЎзССР ЖК 58 – 67-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этишда айбланган. Айбига иқдор бўлган.

6. Мансурбой Шерғозиев – 63 ёшда, Наманган райони Қизилқияқ қишлоғида яшаган, ўзбек, ЎзССР фуқароси, маҳаллий масжид оқсоқоли, саводсиз, уйланган, уйи бор, аниқ машғулотга эга эмас, судланмаган:

а) босмачилик, қўзғолончилик аксилинқилубий ташкилотининг аъзоси ва ташкилотнинг Қизилқияқ ячейкаси ташкилотчиси ва раҳбарларидан бири бўлган. Ташкилотга аъзоларни жалб қилиш бўйича фаол ҳаракат қилган ва ташкилотга янги аъзоларни фаол жалб этган, ўз ўғли Охундада (отишмада ўлган)ни ташкилотга қабул қилган;

б) бир неча бор Носирхонтўра ва унинг қуролли йигитларини яширинишларига ёрдам берган ва уларни қурол-яроқ ҳамда озиқ-овқат билан таъминлаб турган.

Яъни ЎзССР ЖК 58 – 67-моддаларида белгиланган жиноятларни содир этганликда айбланган. Айбларига иқдор бўлган.

7. Қурбонбой Юсуфбоев – 60 ёшда, Наманган райони Қизилқияқ қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, саводсиз, уйланган, деҳқончилик ва даллолчилик билан шуғулланган, судланмаган:

а) ташкилотнинг Қизилқияқ ячейкаси фаол аъзоси, бир неча бор Носирхонтўра ва унинг одамларини Қизилқияқда қабул қилган;

б) ташкилотга ўзининг ўғли Мадумарни жалб этган, у орқали босмачи қўзғолончи ташкилотга янги аъзоларни ёллаган.

Яъни ЎзССР ЖК 58 – 67-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир этганликда айбланган. Айбига иқдор бўлган.

8. Ҳожихон Қаноатов – 37 ёшда, Янгиқўргон райони Кушан қишлоғидан, ўзбек, ЎзССР фуқароси, эшоннинг ўғли, уйланган, уйи бор, судланмаган:

а) Носирхонтўра ва Истамбекларнинг босмачи қўзғолончи ташкилотининг Кушан ячейкаси аъзоси бўлган;

Нам очень нравились уроки самого директора по таджикскому языку и литературе, учителя Ходжаева по географии и кавалера ордена Ленина Абдукаюма Самадова (нашего соседа по «со-тых» №5), который преподавал естествознание.

А как толково вёл урок русского языка Николай Павлович (фамилию учителя забыл). Именно благодаря ему, я сносно стал говорить

по-русски, от всего сердца полюбил этот могучий язык.

Я в 1939 году окончил эту школу с аттестатом неполного среднего образования.

Перед войной в здании школы разместились МТС, школу закрыли в связи с резким сокращением контингента учащихся.

Вновь вернусь к описанию и характеристике внутреннего устройства детдома №26 Ставропольского края.

В духовной жизни коллектива большую роль играл радиотрансляционный узел, расположенный в самом центре детдома. В 30-е годы, когда в стране ещё неразвита была культурная индустрия, а в Николо-Александровске отсутствовали библиотеки, киоск «Союзпечати», телефонная связь, амбулатория и тому подобные вещи, дающие людям свет и духовную пищу, установка радиотрансляционного центра, конечно, была серьёзным достижением.

Штат узла состоял из одного лица, звали его Абдумаджидом, родом, кажется, был из Бухары, среднего возраста, среднего роста, среднего телосложения, кучерявый, грудь и руки густо покрыты волосным покровом, чуть рябое лицо, весёлые глаза, мягкий тенор. Одна из его превосходств заключалась в том, что он чисто, без акцента говорил на русском языке, а где этому научился – никто не знал.

Абдумаджид слыл в детдоме прекрасным музыкантом, кроме гармони, он виртуозно играл на русской трёхструнной балалайке. В любое время дня, когда проходил мимо радиузла, всегда слышал приятную слуху трель балалайке.

Моему брату очень понравилось это искусство своего приятеля и он попросил, даже умолял Абдумаджид, чтобы тот научил меня играть на каком-нибудь инструменте. Мне не хотелось забавляться музыкой, но брат заставил меня учиться игре на балалайке, и мне пришлось стать учеником радиста. Первые уроки музыки дались мне очень трудно, сильно волновался, даже боялся, почему-то шибко стеснялся, а мой учитель не знал, как ему быть: отказать от преподавания – мой брат, его друг мог-бы сильно обидеться, не отказать, значить



брать на себя муки Танталя. Когда сердился на меня учитель, говорил примерно такие слова: у тебя, Гафуржон, не обижайся, отсутствует слух и дар к музыкальному искусству, тебе на ухо слон наступил. Тогда я не понимал смысла этих слов и не придавал им значения, продолжая брэнчать на балалайке, зубрить наизусть подсказки учителя.

Постепенно вошёл во вкус, моё «музыцирование» не очень стало раздражать Абдумаджид, через некоторое время я научился членораздельно исполнять отдельные мелодии, а учитель по-прежнему не радовался моим успехам. Почему – не знаю до сих пор. Вконец, не закончив полностью «курс» обучения, мы расстались с ним. Однако, как бы там ни было, благодаря нескольким музыкальным урокам, полученные у радиста Абдумаджид, я неплохо стал играть на балалайке легкие народные напевы, как «Краковяк», «Ту степь», «Метелица» и некоторые танцевальные мелодии.

Если когда-нибудь или кто-то спросит меня, есть ли у меня музыкальное образование – отвечу утвердительно, ссылаясь на «музыкальную школу маэстро Абдумаджид», которую я с горем пополам окончил.

Но главный результат моего «музыкального образования» заключался в том, что я полюбил музыку, этот божий дар, благодаря которому гораздо милее стало мировосприятие, более радужными стали казаться цвета окружающего мира, на душе стало легче, хотя я не стал профессиональным музыкантом, но без музыки, мелодии, напева не могу жить по сию пору.

На всех застольях и вечеринках, устраиваемых моей гостеприимной супругой, где обычно собиралось много родных и друзей, я поддерживал песнопения компании. Поэтому я наизусть знаю немало русских народных песен.

Мы с женой уделяли серьёзное внимание музыкальному образованию наших детей.

Старшего сына Виталия (ему было семь или восемь лет) устроили в детскую музыкальную школу по классу «аккордеон». Мне лично очень хотелось, чтобы он вырос «первым парнем на деревне», но из этого ничего не вышло.

Купил ему недешёвый инструмент немецкого производства, следил за домашними занятиями будущего музыканта, помогал, сколько мог, но всё тщетно. Помню, как сажал его на пол своего рабочего кабинета, сидел рядом с ним, чтобы поддержать тяжёлый аккордеон (маленького Виталия не было видно за ним), пиликали до-ре-ми, ребёнок потел от изнеможения, но я настаивал, чтобы он продолжал играть.

Мои желания и старания были напрасными, хотя кое-что он подыгрывал когда повзрослел и этим утешаю себя, что мои труды не пропали даром.

Зато наша прелестная дочурка Лара обрадовала семью своими музыкальными успехами. Она на «отлично» закончила Ленинабадскую детскую музыкальную школу по классу «пианино», на экзаменах, выпускном концерте и других аудиториях продемонстрировала замечательные музыкальные способности.

На пианино чешской марки «Шельзе», которое я ей подарил в честь окончания музыкальной школы, темпераментно играла и классические, и современные музыкальные произведения. Имела ряд похвальных грамот.

Я её приглашал на факультетские художественные мероприятия. Студенты приходили в восторг от блестящего исполнения юной пианисткой не только европейских, но и таджикских мелодий.

Лариса на всех семейных сборах своей игрой радовала и веселила гостей. Оказывается, следует считать чудом, когда имеется хотя бы один музыкант в семье.

Абдумаджид своё основное дело знал на «пятёрку». На столбы лазал как кошка с «кошкой» на ногах: быстро, ловко, цепко. Благодаря его усилиям все объекты детдома были радиофицированы, в каждой комнате ученических общежитий были установлены радиоплафоны, благодаря которым мы были в курсе всех событий, происходивших не только на Ставрополье, но и в стране.

Почти на окраине детдома, далеко за чертой физкультурной площадки находился скотный двор. Я изредка бывал там, когда в качестве дежурного вёз туда воду и своими глазами видел



тамошную живность: растили поросят, держали овец, птиц и т.п., в летнее время мы помогали готовить корм и зимний фураж для этой фермы.

На пути к скотному двору стояло небольшое здание бани и прачки. Мы банились поочерёдно, по 5 – 7 человек, т.к. баня была крохотной (хозяин хутора её построил, разумеется, для своей семьи), поэтому банные дни в детдоме продолжались целые недели.

Для детдома, острее, чем баня, считалась проблема с парикмахерской. Последняя отсутствовала и поэтому ребята ходили страшно обросшими, похожими на мохнатых орангутанчиков. Обыкновенной стригущей машинки не только в детдоме, даже во всём Николо-Александровске днём с огнём нельзя было сыскать.

Дирекция решила пригласить для бритья ребят переселенца-цирюльника, живущего в узбекском сотыхе села. Этот бездарь и нечистоплотный человек, не соблюдая элементарное правило гигиены (дезинфицируя бритву в спиртном или водочном растворе) брил головы ребят подряд. Эта затея очень дорого обошлась нам. Спустя два дня на головах большинства ребят появились болячки, в том числе и на моей. От страшного зуда глаза лезли на лоб, начал до крови чесать и раздражать кожу головы, болячки превратились в сплошную кровавую массу – это была парша, дело рук пройдохи-цирюльника. Наше страдание трудно было передать словами. Мы ночи напролёт не спали, а ревели. Воспитатели не знали, как помочь нашей беде.

Руководство детдома приняло экстренное решение – отправить больных ребят в больницу города Пятигорска.

Там мы пробыли две недели. Процесс лечения парши, как сама болезнь, оказался очень не простым: путём рентгеновских лучей «скосили» до единой всю головную «поросль» и вместе с кровавой массой содрали с головы, а затем густо смазали йодом. От невыносимой боли я готов был прыгнуть до потолка, но двое санитарок крепко прижимали меня к стулу. Израненную голову каждый раз заматывали бинтом. Адская боль ожидала меня на следующее утро: женщина-врач с помощью санитарки резко и бесцеремонно рвала с моей головы запёкшиеся за ночь

бинты, а потом густо мазала её йодом. Самая страшная боль заключалась в другом, а именно, когда нещадная врачиха с пинцетом выдёргивала оставшиеся «в живых» волосинки.

Через неделю мы почувствовали облегчение – кризис болезни миновал, а спустя другую – нас выписали. За нами приехали воспитатели, и мы вернулись в «родимый» дом.

Прошло столько лет, но из памяти не улетучились дни пребывания в «преисподней ада», куда привела меня паршивая парша.

Вот так, вкратце, выглядел детдомовский комплекс, а в нём «ахиллесовой пятой» считалась проблема общежития для воспитанников.

Дело в том, что до 1936 года в детдоме единого общежитского корпуса не было, дети жили разобщенно, в нескольких старых избах, раскиданных вокруг основного двора. В этих хатах, видимо, жили наёмные рабочие фермера-хозяина, а после революции они долгое время вышли из-под зрения местных властей. В каждом этом, так называемом «общежитии», кроме чухлого здания и заброшенного сарайчика, ничегошеньки не было для сносного быта – ни воды, ни туалета, ни освещения (зато был радиопродуктор). Зимой мёрзли, т.к. не хватало топлива для «буржуйки». Воспитатели изредка навещали нас, но никаких культурно-увеселительных и воспитательных мероприятий не проводили, дети предоставлены были самим себе, бродили вокруг да около, всех одолевала скука.

Можно и нужно было привлечь ребят к различным занятиям, кружкам, втянуть их в тимуровское движение, охватившее пионерию страны, что-то строить и конструировать и т.д. К сожалению, всем было до «лампочки». Я всё это пишу с душевной болью, потому что лично на себе испытал бездушие людей, окружавших нас.

Меня как-то осенила мысль построить парашют. Большими усилиями достал для этого «стройматериал», состоящий из выброшенного кем-то папье-маше и клубочка нитки. Полдня провозился над задуманным «проектом». Одолжил у одного ножницы, у другого шило и приступил «конструировать». Первым делом



изготовил круглый «купол» парашюта, затем продырявил вокруг него штук двадцать дырочек, просунул в них в несколько раз намотанные ниточки (за неимением шнур), а внизу соединил их воедино и привязал к нему пустую спичечную коробочку, не поленился покрасить «купол» голубой акварелью, нарисовать на другой стороне три цветочка – и дело с концом.

Чтобы испытать своё «изобретение» полез каким-то образом, без лестницы, на камышовую крышу избы и запустил его вниз. Я думал, что сейчас начнётся чудесное зрелище – «парашют» плавно полетит и сделает мягкую посадку на земле, а вместо этого он стремглав полетел вниз и рухнул об землю. Такого конфуза я не ожидал и никто из старших товарищей не подсказал и не показал мне правильного решения парашютного дела, а жаль. Если моё «парашютное конструирование» принесло бы мне радость, а не разочарование, я, наверное, не стал бы историком, а избрал стезю Сергея Ковалёва – главного конструктора страны.

В 1936 году благодаря строительству большого типового здания под общежитие – острейшая проблема быта воспитанников детдома нашла своё решение.

Стройка велась методом народного хашара, т.е. с участием всего населения Николо-Александровска. Кто чем мог, тем и помог, по принципу пословицы: «С миру по нитке и голому рубашка».

Этот метод имеет глубокие корни в истории жилищного строительства народов Средней Азии. Спецпереселенцы из Ходжента и их родственники принимали горячее участие в народных хашарах по строительству шелкового и консервного комбинатов, в сооружении здания первой советской школы имени Бехбуди (ныне лицея №1), в прокладке железнодорожной ветви от станции Ходжент к двум названным комбинатам и т.д. И здесь, в краю далёком, пригодился опыт отцов.

Мне хорошо запомнилась в памяти эпопея строительства общежития. Десятки сельчан добровольно работали на стройке. Труднее всего было делать кирпичи, потому что они требо-

вали много воды. Водовозы не успевали подвозить её, ибо артезианский колодец находился на довольно далёком расстоянии. Для стройки нужны были десятки тысяч кирпичей, поэтому его изготовлением было занято огромное количество людей. Земля, вынутая из котловины будущего здания, шла на изготовления кирпичей. На другом углу стройплощадки работали мастера по дереву, чуть дальше – кровельщики и т.д. Строительный лес везли на телегах из соседнего Зеленокумска, где росли не только тучные луга, а также имелся густой лес. На пилоустановках из бревен выпиливали строительные доски для дверей, рам, пола и потолка, а также строгали плинтуса и рейки.

Мы – пионеры, помогали строителям чем могли. Так, сложение кирпичей в ромбики и штабеля для сушки, а затем перенесение их ближе к фундаменту будущего здания и другие мелкие поручения прораба выполняли с большой охотой.

Сушка кирпичей и завоз камней для фундамента отняли много времени. В середине лета приступили к воздвижению здания, прилагали усилия для того, чтобы к началу учебного года завершить все работы.

Ради прочности и внешней красоты здания приняли форму, напоминающую букву «Г», одно его крыло параллельно стояло на радиальной улице, идущей к оврагу, а второе смотрело в сторону административного центра детдома.

Общие усилия участников хашара, строителей, дизайнеров, деревообделочников, жестянщиков, печников, столяров, маляров, нас – пионеров увенчались большим успехом – общежитие на 100 человек было сдано в срок. Это было большим подарком для сирот.

Здание олицетворяло собой народную любовь к детям, памятник доброты и человечности последующим поколениям среднеазиатских, в том числе таджикского народов.

Нужно заметить, что без народной поддержки едва ли можно было построить такое прекрасное общежитие, уповая надежду лишь на скудный бюджет детского дома.

Давоми келгуси сонларда



БИРПЎСТИН – ҚАДАМЖО, ЗИЁРАТГОҲ, САЙИЛГОҲ

Р.Т.Шамсутдинов, М.Саидхонов, Ш.Қаҳҳоров

Истиклол шарофати билан маданий ва тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлар, зиёратгоҳ ва қадамжолар, қишлоқлар тарихини илмий жиҳатдан ўрганиш, археологик қазилмалар орқали кўмилиб ётган тарих ҳақиқатларини англаш ва тиклаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев гоёси асосида мамлакат тарихида биринчи бор янги **«Обод қишлоқ»** лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу орқали мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгариши аниқ. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрки ва таровати ошмоқда. Андижон шаҳрининг чеккасида жойлашган, яқин-яқинларгача Хакан қишлоғи таркибидаги, бугунда шаҳар ҳудуди саналмиш тарихий Бирпўстин манзилгоҳи ҳам йилдан-йилга чирой очиб, аҳолининг дам олиш маскани вазифасини бажариб келмоқда. Бирпўстин ҳавас қилса арзийдиган узок ва яқин тарихга эгадир.

Қирғизистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори Кушбек Усенбаевнинг асарларида XIX асрнинг иккинчи ярмида Чор Россияси мустамлакачилигига қарши Фаргона халқининг матонатли кураши тарихи ёритилган. Жумладан, Мамир ботирнинг кураши ва фожиаси тафсилотида унинг қаҳрамонона фаолиятига алоҳида ургу берилган. Бу халқ қаҳрамони рус маъмурлари томонидан 1879 йили қўлга олиниб, 41 ёшида

Андижон бозорида дорга осилгани, майитни Бирпўстин қишлоғига кўмдириб, рус аскарларига қўриқлатишгани, орадан маълум вақт ўтгач Мамир ботирнинг қариндошлари ва унинг яқин шогирдлари Бирпўстин қабристонида майитни олиб, Қўлут қишлоғининг кунботиш тарафидаги Айгиржал деган дўнгтепадаги мазорга қўйганлиги ёзилган. Бундан маълумки, 1870 йилларда ҳам ҳозирги Мирпўстин Бирпўстин номи билан аталган.

XIX асрда яшаб ижод этган Андижон фарзанди, шоир ва тарихчи олим, Ожизий таҳаллуси билан ижод қилган Аббос Халфага мансуб «Девони Ожизий Соҳиб» номли шеърӣ, тарихӣ китоб унинг садоқатли шогирди, таҳаллуси Надим бўлган андижонлик Бозорбек ўғли Баҳром ва жалолободлик яна бир шогирди, шоир Муҳйининг саъй-ҳаракатлари билан 1911 – 1912 йилда Қўқон шаҳрида С.М.Шумаков литографиясида босилиб чиққан. Ожизийнинг ўзи 1892 йили вафот этган. Бобо Саъиддин қабристонида дафн қилинган. Ожизийнинг ушбу китобида Андижондаги машҳур мазорлардан бири – Бир Пўстин ота масжиди биносининг тарихи битилган. Ўрта Осиёнинг XIV – XV асрлар даври тарихида, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида гоёт катта ўрин тутган Хўжа Аҳрор Валий томонидан бу муборақ зот Андижонга жўнатилгани Ожизийнинг китобида қайд этилган. Ожизий Мир Пўстин масжидини ўз сармоёси ҳисобидан тахминан 1882 йили таъмирлатган саховатпеша Маҳмудалига бағишлаб шеър ёзган. У форсчадан ўзбекчага ўтирилган ҳолда биринчи бор эълон қилинмоқда:



Кимки дунёни яхши кўрса, у мард эмас,
Агар яхши кўрса дўст учун яхши кўради.

Қадим ва хушҳаво Андижон шаҳрида
Ҳар ер машойих, ҳар тараф мозорлар.

Ҳар бири ўзгача азиз ва файзбахш,
Лекин бу азизлардан бири хушнамо.

Бир Пўстин ота номи билан машҳур,
Унинг қабри серфайз, нурли, футуҳли.

Кимки сидқидил билан у остонага борса,
Жаннат исли хокидан мақсудини топади.

Мозорининг ёнида бир хароба масжид бор эди,
Масжидни янгидан таъмирлаш айтилди.

Лекин одамлар орасида олийҳимматлик билан
Таъмирини зиммасига оладиган ҳеч ким топилмади.

Ниҳоят, замондошлар орасидан бири чиққан,
Маҳмудали эди исми, ҳамма ишлари хайрли.

Масжид, ҳаммом, мадраса бинолари қурган
Ўш, Андижон ва ҳар бир яхши мавзеларда.

Бир Пўстин масжидига қадам қўйган эди,
Унга икки тарафдан инсонлар, жинлар ёрдамга келди.

Ҳиммат қилиб ўртага кумуш ва тилло сочди,
Атрофга ортиги билан юзлаб ҳадя тарқатди.

Қўйлар сўйилди ...
Нон, қанд, писта, майизлар, тўй бўлди.

Кимки хайрли ишга шундай ҳиммат қилса,
Ҳар бир хайрли иши етти юзта ўрнига ўтади.

Хуллас, бино тўрт ойда тамом бўлди, унинг
Ҳиммати шарафи ва Ҳақнинг яратишидан деб айт.

Масжид мусаффо Каъбадек хайрли, файзли бўлди,
Унинг саҳни футуҳли, нурли бог каби бўлди.

Ризвон агар ҳавосининг авжига назар солса,
Ўзига айтади: бу жаннатдан энди умидингни уз.

Унинг меъмори уста Нишондир,
Ҳар тарафни қидир, ундан яхшироги йўқ эди.

Йил тарихини айтиш учун ақл билан изладим
Номдор чилтан мозори богида.



Айни вақтда Маҳмудалибой ҳижрий 1303 йилда, яъни 1889 йили Андижон Эски шаҳаридаги Жомеъ масжиди ва минорасини таъмирлагани Ожизий томонидан ёзилган бўлса,

унинг Надим таҳаллуси билан шеърлар ёзган шогирди Баҳром Бозорбек ўғли томонидан «Маҳмудалибой вафотига марсия» ёзилган. Бу марсиянинг таржимасини келтирамиз:

Кимки бу харобот саройида вужудга келса,
Қазо қўлидан ўлим шароби унга қуйилади.

Дунё ҳеч доимий яшаш жойи бўлмайди,
Сароб устидаги бино албатта бузилади.

Минг алам заҳридан ич, у муҳайёдир,
У соз нагмасидан хушнудлик ноласи келади.

Ҳақ ризоси – унинг талабидан ўзгани дилдан чиқар,
Шунда лутф бўлиб раҳмат кириб келади.

Буқаламун бу дунёнинг алдов ва ҳийласига учма,
Шу тариқа йўл юргинки, сенга фойда келади.

Чунончи, ҳодиса рўй берди бу Ҳангом,
Эҳсон, фазл ва саховат маъдани вафот этди.

Унинг ўлиmidан дунёга фиғон-йигилар ёгилди,
Саховатга самога кўтарилиш келди.

Андижонда қиёмат қўзғалишидек бўлди,
Кўзлардан кўз ёшлари қон бўлиб оқди.

Надим ўз шеърининг охирида насрий равишда Маҳмудалибойнинг вафотини ҳижрий 1324, милодий 1906 йил деб белгилаб, унинг жанозаси Жомеъ масжидида ўқилгани ва шу масжид яқинига дафн этилганини айтади.

1923 йил майида СССР қуролли кучлар бош қўмондони, Ҳарбий-инқилобий кенгаш раиси Сергей Сергеевич Каменев, Фаргона қўшинлар гуруҳи штаби бошлиги В.Д.Соколовский (кейинчалик Совет Иттифоқи маршали бўлган), Фаргона fronti қўмондони А.И.Тодорский, Туркистон АССР Марказий Ижроия Комитетининг раиси Иномжон Хидиралиев ва бошқалар бронепоезд билан Андижонга келадилар. Бу ташрифдан мақсад Андижон уезди бўйича «босмачилар» курашига чек қўйиш, уларнинг раҳбарлари билан музокаралар олиб бориш,

зарур бўлса, уларни афв этиш, уездда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, кенг аҳолини советлар таъсирига оғдириш, маҳаллий совет органларини янгитдан ташкил этиш ва уларни мустаҳкамлаш, аҳоли орасида ўзбек тилида тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллатиш каби вазифалар қўйилган эди. Шу мақсадда Андижон ҳарбий-инқилобий кенгаши ташкил қилинди. Унинг раиси этиб А.И.Тодорский тайинланди. Айни вақтда, Исҳоқжон Ғозиев раислигида, Абдуразоқов, Степаненко, А.И.Тодорский, Куприянов, Ёрмуҳаммедов, Темурбек Казбеков, Абдугофур Раҳматуллаев, Абдушоҳмедовдан иборат таркибда Андижон уезд-шаҳар инқилобий комитети ташкил этилди. Қатор йигилишлар, кенгашлар ўтказилди, чора-тадбирлар кўрилди. С.С.Каменев Андижондан



Тошкентга келиб, Туркистон Компартияси Марказий Комитети йиғилишида Андижондаги ахвол тўғрисида ахборот берди. Унинг маърузаси асосида Марказий Комитет махсус қарор қабул қилди. Унда Андижонда ўзбек тилида газета чиқариш, босмахона барпо қилиш, унга зарур бўлган жиҳозлар, анжомлар, техникалар, журналист ходимлар, матбаачиларни Тошкентдан келтиришга қарор қилинди. Туркистон Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети зиммасига Андижонга зудлик билан амалий-ташкилий ёрдам кўрсатиш, босмахона анжомлари, материаллар, асбоб-ускуналар, қоғоз келтириш вазифаси юклатилди. Туркистон ҳукумати қарори билан Андижон шаҳрида «Дархон» номли ўзбек тилида, араб имлосида газета нашр этиладиган бўлди. Бу газетага аввал Абдулхай Тожиев, сўнгра Андижон ревкоми раиси Исҳоқжон Ғозиев муҳаррирлик қилди. Марказқўм йўлланмаси билан Тошкентдан Андижонга келган Чўлпон бу газетага амалда муҳаррирлик қилган. Чунки Исҳоқжон Ғозиев ревком раиси бўлганлиги учун газета ишини тўлалигича Чўлпон зиммасига юклаган эди.

Киндик қони Андижонда тўкилган Чўлпон ўзининг бутун журналистлик маҳоратини «Дархон»га бахшида этгани газетада босилган хилма-хил мавзулар, турли таҳаллуслар (Чўлпон, Андижонлик, Шумгиёх, Қаландар, Меҳмон – таҳаллуслари, Қ., А.С. – қисқартмалари) остидаги мақола ва хабарлардан маълум. Бу ўринда унинг «Меҳмон» таҳаллуси билан «Дархон»нинг 1923 йил 18 август 15-сонида эълон қилинган «Бир Пўстин» номли араб имлосида ёзилган мақоласи ва унинг кирилл ёзувидаги матнини айнан келтирмоқдамиз:

«Андижоннинг янги шаҳар қисмини чекалаб, Ўш йўлининг жануб ёнбошидан кета берсангиз тўғри Бир Пўстинга бориб чиқасиз. Бир Пўстин – Тупроққўргоннинг орқасида кичкинагина бир қишлоқдир.

Андижон шаҳрининг теварагида бўлган бир неча қишлоққа чиқмоқ нияти менда кўпдан бери бор эди. Бурун-бурундан гўзаллиги, чиройлиқлиги дoston бўлган Фаргона қишлоқларининг бугунги бузуқ шакллари-ни кўрмак жуда лозим эди.



Бир фурсат тўғри келганда бир-икки ўртоқлар билан мен ҳам Бир Пўстин қишлоғига чиқдим. У кун жума эди. Ҳамма бўш, бекор. Андижоннинг касаба аҳллари, ишчи-хизматкорлари ҳар ҳафтада бир дам олиш учун ўшал Бир Пўстинга чиқар эканлар. Ул кун ҳам тамошочилар кўп эди.

Бир Пўстиннинг илгариги вақтларини таъриф қилдилар: Илгари бу жой бутун шаҳар халқининг бир истироҳат жойи экан. Тошкентнинг Солар бўйиси, Истанбулнинг Қоғозхонаси, Андижоннинг Бир Пўстини.

Ҳар йил кўклам чоғида ул ерда бир ой – бир ярим ой сайил бўлган. Бутун шаҳар халқи ишдан бўшаганда ҳар куни, бўлмаса, ҳафтада тайинлик бир куни шул ерга чиқиб кўнгил очқан: самоварлар, дўканлар, ўйинлар, курашлар. Ҳаммаси шунда бўлган.

Ул ер кенг, катта бир богчадан иборатдир. Қари, катта, улут қайрағочлари, баланд-пастлик ерлар, нишоб ариқлар, булоқ сувлари.

Ул ерда бир дарвиш бутун умрини бир пўстин билан ўтказган экан-да, шунинг учун Бир Пўстин қўйилган. Шул дарвишнинг қабри ҳам шунда – тепа (адир) устида хайбатлик бўлиб турадир.

Бир Пўстин қишлоқчасида бурун 2000 лаб киши бўлган. Атрофида яхши боғчалар, гузал манзаралар, унумлик экин ерлари бор бўлган.

Ҳозир боғчанинг ичи бир ёввойи чакалакзордан иборат. Одам бўйи ўт-майса. Одамни ваҳшат (қўрқув) босадир. Беш йиллик ички урушлар, бу беклик, босмачилик фалокатлари жаннат бурчакларини дўзахга айлантирган.

Ул ерда ҳозир ҳар нарса ёввойи бир вужуддан нишон берадир. Ҳар нарсада бир бузуглик, харобалиқ аломати бор.

Совуқ, муздек суви билан ер тагидан шарақлаб чиқиб турган булоқнинг сувлари билан ҳасратлашдим: Шарақлаб оқиб туриб ҳасрат қиладир, йиглайдир.

Ҳол тили билан:

– Қачон мен одамларнинг кулган юзларини яна кўрар эканман? – дейдир.

Мен тасалли бердим, юпатдим:

– Юртнинг тинчликқа қовушатурган кунлари йироқ эмас, тиниқ сув, – дедим. Айрилдиқ. «Меҳмон»

Бирпўстин манзилгоҳи кўплаб тарихий воқеаларнинг бевосита шохиди сифатида ҳам маълум ва машҳурдир. Фаргона мулки ҳукмдори Умаршайх таклифи билан темурийзодаларни ўзаро мурасага келтириш мақсадида Самарқанддан Хўжа Аҳрор Валий ва Алишер Навоийнинг устози Абдураҳмон Жомий бир неча бор Андижонга қадам ранжида қилганлиги тарихдан маълум. Умаршайх фарзанди Заҳириддинга Бобур номи қўйилиши ҳам Хўжа Аҳрор Валий, Абдураҳмон Жомий номи билан боғлиқдир. Улар ҳар сафар Андижонга ташриф буюрганларида албатта Мир Пўстин ота мазорини зиёрат қилганлар, ўтганлар руҳига атаб Қуръон тиловат қилганлар, бу табаррук манзилгоҳни ҳамиша обод сақлаш ҳақида бу ердаги мулозимларга, дин аҳлларига маслаҳат ва кўрсатмалар берганлар.

XIX аср охири – XX аср бошларида Андижонда юз берган тарихий, инқилобий воқеалар ҳам Мир Пўстин қишлоғи билан бевосита боғлиқ. Масалан, 1916 йилдаги Андижонда подшо ҳукуматининг маҳаллий аҳолидан фронт ва фронт ортидаги ишларга мардикоролди сиёсати ва амалиёти, унинг оқибатида чоризмга қарши кўтарилган миллий-озодлик қўзғолонининг ҳам Мир Пўстинга боғлиқ томонлари талайгинадир.

Архив материалларида келтирилишича, 1916 йилнинг 10 сентябрида кундуз соат 11 да мардикорликка кетаётган Андижон ўғлонлари юзбоши Мирзараҳим Рўзиматҳожиев раҳбарлигида Мирпўстин манзилига келишган. Мирбува Мирмақсудов хизмат кўрсатаётган Қозоқбой чойхонасига ўрнашишган, бир қўй сўйиб, халқни тўплаб, кетиш олдидан Андижоннинг табаррук жойи – Мирпўстин ота зиёратгоҳида эҳсон қилиб, ўтганларнинг руҳига атаб тиловат ўқиб, Аллоҳдан соғ-саломат юртга қайтиб келишларини сўраганлар.

Андижон шаҳар атрофи даҳаси маҳаллий милиция бошлигининг 1916 йил 9 августда Андижон уезди бошлигига ҳарбий ҳолат тўғрисида шошилинч йўллаган рапортида Олтинкўл волости бошқарувчиси Мулла Ҳакимбек Мулла Рўзибековнинг 2 нафар йигити билан 11 июлга ўтар кечаси ўлдирилишига сабаб аҳолини мардикорликка олиш тўғрисидаги чақириқ бўлгани, бу воқеа туфайли Сувюлдуз, Дўнқайма ва Ҳиндимозор қишлоқларида галаёнлар кўтарилиб, элликбошилардан ва оқсоқоллардан мардикорликка олинаётганлар рўйхатини талаб қилишгани, бу галаён Қўштепа, Сарой, Хўжаобод, Ўрмонбек қишлоқларида ҳам юз бергани, Қўштепа қишлоғидаги элликбоши Эсон Али Райимқулов ўлдирилгани, бу галаёнлар бўйича 74 киши ҳибсга олинганини хабар қилган. Бу галаён муносабати билан Мирпўстин қишлоғида 7 август кунини элликбоши ва оқсоқолларнинг съезди бўлади, ўзаро фикр алмашилади, элликбоши ва оқсоқоллар ҳукуматдан пул эвазига ўз аҳолисини сотаётганлиги танқид остига олинади. Андижон уезди бошлиғи 1916 йил 15 сентябрда Андижон шаҳар 2-қисм милиция бошлигига йўллаган тезкор махфий хатида шаҳарнинг Уйлуқ даҳасидан мардикорликка олинаётган биринчи 100



ликнинг юзбошиси Мирзараҳимов 10 сентябрь куни соат 11 да бошқа ишчилар билан дам олиш баҳонасида Мирпўстинга келган, Қозоқбой чойхонасида жойлашган, бу ерда қўй сўйилиб, зиёфат берилган. Уйлуқ оқсоқоли Абдуқодир ҳожи Абдугаффоров ҳам таклиф қилинган. У ўзининг мирзаси билан келади. Шунда мардикорликка ёлланган кишиларга тўланадиган маблаг кўпайтирилиши масаласи кўрилади. Абдуқодир ҳожи Абдугаффоров шундай дейди: «Тошкент шаҳрида мардикорларга 1000 рублдан берилмоқда, бу ер – Андижонда эса овсар сартлар мардикорликка бориш учун 180 рублга ҳам рози бўлиб турибди, 600 рублдан беришни талаб қилиш керак, акс ҳолда, мардикорликдан воз кечиш керак, фронт ортига кетаётган мардикорлар йиғув пунктига боришдан бош тортишлари керак». Ишчилар бундай маслаҳатдан қувонадилар, оқсоқол Абдуқодир ҳожи Абдугаффоровга тўн кийгизишади, унинг мирзасига 5 рубль, чойхоначига 10 рубль берадилар. Барча ишчилар агар 600 рублдан тўлашдан бош тортсалар, қўзғолон кўтаришга келишиб оладилар.

Ўтган асрнинг 60-йилларида шўролар томонидан мамлакат бўйлаб атеистик тарғиботнинг кучайтирилиши оқибатида Мирпўстин ота сайилгоҳига диний зиёратгоҳ тамғаси босилди ва Андижон шаҳар ижроия қўмитасининг «ташаббуси» билан Мирпўстин ота дам олиш маскани бульдозерлар ва экскаваторлар билан буздириб ташланди, мутасаддилар булоқдаги балиқларни тўппончалари билан отдилар ва қовуриб едилар. Шу тариқа Андижон вилояти аҳолиси учун хизмат қилиб келаётган салқин, сўлим, шаҳарга яқин ва қулай бўлган дам олиш маска-

ни барбод қилинди. Лекин халқнинг ушбу жойга зиёратгоҳ сифатида, дам олиш маскани сифатида, сайилгоҳ сифатида келиши тўхтамади ва ҳозир ҳам давом этмоқда.

Мирпўстин ота зиёратгоҳ-сайилгоҳи бугун

Бирпўстин маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида Андижон шаҳридаги 47-умумтаълим мактаби жойлашган, ушбу илм масканини битирган Ваққосхон Мақсудов, Озодахон Жалилова, Абдупатто Азимов, Обиджон Жалилов каби инсонлар республикамиз, вилоятимизнинг нуфузли идораларида катта лавозимларда фаолият кўрсатиш билан бирга маҳалла ободончилигига ҳам ўз ҳиссаларини қўшишган.

Шўролар даврида Мирпўстин ота масжиди фаолияти тўхтатилган. Мустақиллик йилларида маҳалла фаолларидан Обиджон Жалиловнинг ташаббуси билан масжидни қайта қуриш-





га киришилди. Ушбу маҳалла жонкуяри янги масжид лойиҳаси тайёрланганидан сўнг керакли идоралардан рухсат олди, асосан, ҳомийлар, саховатпеша кишиларнинг саъй-ҳаракатлари билан тез орада масжид биноси қад кўтарди. Аҳмаджон ҳожи Мамарасулов, Умарали Юсупов, Алижон Қаҳҳоров, Мухторжон Худойбердиев, Абдурашид Холдоров, Араббой Кибриёев, Жакбарали Раҳмонов, Исмоилжон Матмусаев, Муроджон Парпиев, Шавкатжон Жалилов, Эркинжон Азимов, Шокиржон Ибрагимов, Жакбарали Раҳмонов, Сайфутдинбек Ёқуббеков, Шарифжон Ҳамидов, Одилжон Эгамбердиев, Алишер ҳожи, уста Шавкат ҳожи, том ёпувчи уста Ойбек ва аҳолининг беминнат ёрдамлари туфайли Мирпўстин ота масжиди қуриб битказилди.

Обиджон Жалиловнинг саъй-ҳаракатлари билан масжид «жомеъ масжиди» мақомини олиб, 1992 йил 17 февралда 5-рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилди. Абдусаттор (Абдупатто) Юсупов (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) имом-хатиб этиб тайинланди. 1998 йил 22 августдаги 000017-рақамли гувоҳнома билан Мирпўстин ота масжиди қайта рўйхатдан ўтказилди.

2002 йилдан Бирпўстин ота жомеъ масжидига имом-хатиб лавозимига Сайфутдин Йўлдошев тайинлангач, у масжидни тўла таъмирдан чиқариш, ободонлаштириш ишларига бош-қош бўлиб, жуда улуғ савоб ишларни амалга ошириб келмоқда: масжид томи тўла таъмирланди, масжиднинг ҳовли қисмида намоз ўқувчилар учун соябон қуриб битказилди. Диний амалларни бажаришга ҳамма шароит яратиб берилганидан намозхонлар мамнун. Шу билан бирга, Сайфутдин ҳожи Йўлдошевнинг ташаббуси билан Соъйиб ҳожи Султонхўжаев ва Абдували ҳожи Каримжонов қабристонни ободонлаштиришга қўл урдиларки, бу каби саховатпеша кишиларнинг ғимматлари ниҳоятда улуғдир.

2017 йилда Андижон шаҳридаги чет эл капитали иштирокидаги «Ҳамкорбанк» АТ банки (бошқарувчиси Икромжон Ибрагимов) вилоятдаги қабристонлар ва қадамжоларни таъмирлаш лойиҳаси доирасида Бирпўстин масжиди ҳудудини ва қабристонини таъмирлатиб, ходимлар учун зарур маиший хоналар қуриб берди, йўлчалар асфальтланди ва ободонлаштирилди.





Ҳозирги кунда жомеъ масжидининг имом-хатиби Ботирхон Фахриддинов ҳам бу эзгу ишларни давом эттириб, ушбу масканнинг обод бўлишига, масжидда кишиларнинг эмин-эркин ибодат қилишларига, зиёратгоҳга келиб Бир Пўстин ота ҳақида маълумот олишларига бошқош бўлмоқда.

Бирпўстиндаги сайилгоҳ 2000 йилларда Алижон Мақсудов томонидан таъмирланди, вилоятимиз аҳолиси учун дам олиш маскани, чойхона, турли тадбирлар ўтказиш жойи сифатида танилди. Вилоятимиз, ҳатто қўшни вилоятлардан эркаклар, аёллар алоҳида-алоҳида келиб ушбу зиёратгоҳда дам олиб кета бошладилар, оилавий, жамоавий дам олишлар ташкил этилди.

Бирпўстин ота зиёратгоҳ-сайилгоҳининг бугунги кун талабларига жавоб бермай қолганини эътиборга олиб 2012 йилда тадбиркор Маҳмуджон ҳожи Жалилов ушбу масканни ўз ҳисобидан замонавий, қулай дам олиш зонасига айлантириш ташаббуси билан чиқди. Шаҳар ҳокимлиги ушбу ташаббусни маъқуллағач, Маҳмуджон ҳожи Жалилов қиймати 1 млрд 900 млн сўм бўлган қурилишни бошлаб юборди ва ҳозирда 20 хо-

надан таркиб топган, бир йўла 600 кишини қабул қила оладиган, шунингдек, қандолат цеҳи, ошхона, музқаймоқхона, магазин, суратхона, болалар учун компьютер ўйинлари хонасидан иборат дам олиш масканини қуриб битказди.

Бирпўстин ота дам олиш маскани миллий анъаналар билан бугунги замонавий дизайннинг уйғунлашуви асосида барпо этилган бўлиб, хоналарнинг пол остида иситилиши, ҳар бир хонага қиш-ёз учун мўлжалланган кондиционерларнинг қўйилгани, муқобил электр манбаининг ўрнатилгани ва электр токи узлуксизлигининг таъминлангани, табиий булоқнинг шаффоф сувида балиқларнинг сузиб юриши, тип-тиниқ, зилол булоқ сувининг доимий оқиб туриши – буларнинг барчаси дам олувчиларга қулай шароит яратилганидан дарак беради, уларнинг ҳавасини келтиради, ҳордиқ олишларига замин яратади.

«Минг бора эшитгандан бир бора кўрган яхши» қабилида иш тутиб Мирпўстин ота зиёратгоҳ-сайилгоҳига келсангиз, ҳордиқ чиқариб, ушбу табаррук даргоҳнинг илоҳий мадад кучини бир умр ҳис қилиб яшайсиз.



СОДИҚ ДЎСТ, ЗАБАРДАСТ ОЛИМ, ХАЙРЛИ ВА САВОБ ИШЛАР САРБОНИ

Ўзбекистон тарихи фани ривожига улкан ҳисса қўшган, ўзининг чуқур ва мукаммал илми, инсонийлик фазилатлари билан замондошлари, дўсту биродарлари, шогирдлари орасида юксак обрў-эътибор қозонган т.ф.д., профессор Сулаймон Иноятович Иноятов қутлуг 80 ёшга тўлди. Олимнинг мозий илмига қўшган ҳиссаси, ибрат олса арзигулик шахсий хислатлари, инсонийлик фазилатлари, кўп қиррали фаолияти, дўсту биродарлари, қавм-қариндошларига меҳр-оқибати, собитқадамлиги ҳақида Ўзбекистон даврий матбуотида бир қатор самимий фикрлар изҳор қилинди ва қилинмоқда.

Муштарийлар ҳамда илм намояндалари томонидан мамнуният билан қаршилланган, тарихимизнинг долзарб масалаларига бағишланган мақолалари билан республиканинг барча ҳудудларига қисқа вақт ичида доврuti етиб борган «Водийнома» журнали саҳифаларида закий олим, тарихдан дур излаб яшаётган, хайрли ва савоб ишлар ташаббускори С.И.Иноятов ҳақида сиз азиз журналхонларга дил сўзларимизни билдиришни лозим топдик.

Синчков олим, содиқ дўст, илмий янгиликларни фавқулодда илғай оладиган С.И.Иноятов «Водийнома» журнаlining дастлабки сонидан

ноқ журнал умрбоқийлиги ва унинг таҳририяти фаолиятига омад тилаб, ўз табриклари, дил изҳорларини йўллаган эдилар.

Сулаймон Иноятовнинг ҳаёт йўли, серқирра фаолияти, ибратли умр саҳифалари йирик китобга асос бўларлидир. Шу сабабли биз анъанавийлик тамойилидан бироз чекинган ҳолда олимнинг Бухоро – Андижон, Андижон – Навоий ўртасидаги илмий ҳамкорлик, умрбоқий дўстликни мустақамлашдаги хайрли ишлари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Бухорои шариф ва Навоий шаҳарларини сўлим Фаргона водийсидаги муҳташам Андижон шаҳри билан минг километрдан ортиқ масофа ажратиб туради. Бироқ халқимизда «Дўстлик масофа танламас», «Сен менга дўстинг кимлигини айт, мен сенга кимлигингни айтаман» деган нақллар кенг тарқалган.

Москва шаҳри архив ва кутубхоналаридаги фаолият заминида ўрнатилган дўстлик ришталари Бухоро ва Андижон ўртасида мустақам илм ва дўстлик кўпригини қурди. «Илм – дўстлик элчиси» эканлиги тарихчи олимлар С.И.Иноятов ва Р.Т.Шамсутдинов орқали яна бир бор ўз исботини топди. Ушбу дўстликнинг бошланиши ҳақида ёзар экан, С.И.Иноятов: «Мен бу инсон билан 30 йил олдин (2014 йилда айтилган фикр – Ш.Х.) Москвадаги архивлардан бирида учрашиб бир кўришдаёқ, биринчи суҳбатдаёқ дўстлашганмиз... Тақдирни қарангки, икки ўзбек йигити Москвада 1987 йил 7 декабрда мен, 8 декабрда Рустамбек докторлик диссертациясини ҳимоя қилганмиз. Ўзбекистонга – она юртга қайтгач илмий маслакдошимиз билан оилавий дўстлигимиз ҳамон давом этмоқда. Менинг назаримда, ҳар иккимиз



учун Андижон, Бухорою Навоий якқадамдек»¹, – деганди. Бундан 30 йиллар олдин дастлабки олтин² гишт қўйилган муҳташам дўстлик биноси ортда қолган йилларда мустаҳкамланди, янада сайқал топди.

Дўст бўлиш бир томон, уни сақлаш, умр бўйи дўстликка завола етказмай асраб-авайлаш иккинчи томон эканлигини унутмаслик керак. Шоир ёзганидек: «Ўзма дўстлик торини, бойлаш қийин, Дўст бўлиш осон, уни сақлаш қийин». С.И.Иноятлов ва Р.Т.Шамсутдинов дўстлиги йиллар синовидан муваффақиятли ўтган, ибратли ишлар, илмий ҳамкорлик, маънавий дарахдорлик, ўзаро руҳий мададкорлик, ёшларга гамхўрлик қилишга қаратилган хайр-саховат ва ўрнат олса арзигулик саҳифалар билан безак топган. Бу дўстлик Бухоро – Андижон дўстлик кўпригининг илмий-маънавий устунлари асосига қурилган тарих фани кўрғонидир. Дўстликни туташтирган, унинг янги марраларини забт этишга хизмат қилган саналарга мурожаат этсак.

1989 йил декабрида Бухоро давлат педагогика институти илмий ишлар бўйича проректори С.И.Иноятлов мазкур институт ректори Ф.Х.Қосимов (Аллоҳ раҳматиға олсин!) билан З.М.Бобур номидаги Андижон давлат педагогика институти юбилейига ташриф буюрди. Юбилей кунларида Р.Т.Шамсутдинов билан дўстлар дийдорлашиб, ўзаро илмий мусохаба ва мулоқотларда бўлишди. Бир йил ўтмай, 1990 йилда БДПИнинг 60 йиллиги, БХСРнинг 70 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро илмий анжуман дўстларни Бухорои шариф заминига юзлаштирди ва уларни янада яқинлаштирди. Профессор Р.Т.Шамсутдинов 90-йилларда Бухоро муҳандислик технология институтида Ўзбекистон тарихи фанидан давлат аттестация комиссиясига раислик қилди. 1995 йилдан тақдири Навоий шаҳри билан боғланган С.И.Иноятлов дўстининг она шаҳрида эканлигидан хабар топгач Бухорога етиб келганлиги, дўстига меҳмондорчилик ва бухоро-



ча ҳурмат кўрсатганлигига илмий жамоатчилик гувоҳ бўлган ва бу иккала дўстга ҳамиша ҳавас билан қараган.

С.И.Иноятлов кўп улуғ зотлар меҳмон бўлган Бухоро шаҳри яқинидаги Моҳи Хоса мавзесига қарашли Шехон қишлоғида Р.Т.Шамсутдинов ва унинг қариндошларини юксак эҳтиром билан кутиб олиб, азиз Андижондан ташриф буюрганлар оёғи остига қўчқор ҳам сўйган.

Р.Т.Шамсутдинов қутлуғ 75 йиллик юбилейини нишонлаганида Бухородан қор босган Қамчиқ довонидан ошиб С.И.Иноятлов қавм-қариндошлари ва фарзанди-дилбандлари билан Андижон шаҳрига етиб борди. Уч 25 ёшини нишонлаган (С.И.Иноятлов ибораси) дўсти елкасига бухороча тўн ёпилганида бу икки дўст қалбларидан қандай ширин туйғулар ўтганлиги фақат ўзлари ва Яратганга аён. Ибратли дўстлик мозий илми дунёсига ўнлаб ёшларни олиб кирганлиги, уларнинг кейинги тақдир йўллари нуралшон қилганлиги билан боғлиқ лавҳалар ҳам бисёр.

Профессор С.И.Иноятлов амалий ёрдами ва қўллаб-қувватлаши билан 90-йилларда Рус-там Қаршиев, Жумабой Нуриллаев, Холмамат Раупов Р.Т.Шамсутдинов Андижонда раислик

¹ Иноятлов С.И. Сиз қурган кўприк завола топмасин.

² Курбанов Х., Долмирзаев Э. Тарих ибратидан келажак умидига (т.ф.д., профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг 75 йиллик юбилейига бағишланади). – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б.101 – 102.

қилган Ихтисослашган Кенгашда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Турли корхоналардаги мансабларда фаолият кўрсатётган ушбу олимлар икки дўстдан абадулбад миннатдор.

Навоий давлат педагогика институти тарих факультети декани Хуршид Қурбоновнинг Андижонда аспирантура мактабини ўтаб, фан номзоди бўлишида, унга илмий раҳбар сифатида Р.Т.Шамсутдинов белгиланишида С.И.Иноятовнинг хизмати каттадир.

Профессор Р.Т.Шамсутдинов «Ўрта Осиёда совет ҳокимиятининг қулоқлаштириш, жамоалаштириш, сургун, қатагонлик сиёсати» билан боглиқ йирик тарихий мавзу устида кўп йиллардан буён самарали илмий фаолият юритиб келадилар. Ушбу йўналишда ўзига хос мактаб яратган, ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертацияларига раҳбарлик қилган олим ўз шогирдлари билан республика вилоятларида қатагон қурбонларининг хотира китобларини чоп эттириши савобли ва хайрли иш бўлди. Бухородаги 926 нафар қатагон қурбонлари ва Навоий вилоятидаги шундай ноҳақ қурбон бўлганлар номини аниқлашда профессор С.И.Иноятов ҳам андижонликлар билан қишлоқма-қишлоқ бирга юрди. Олимнинг бой илмий тажрибаси, аҳоли орасидаги ҳурмат-эътибори, кўпчилик билан ошнолиги ва биродарлиги Андижон тарих мактаби илмий ютуқлари учун йўлчи юлдуз бўлди десак хато қилмаймиз.

Илмий соҳада ҳам дўстлар ўртасидаги ҳамкорлик лавҳаларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Р.Т.Шамсутдинов ва олим шогирдларининг дарсликлари, ўқув қўлланмалари, монография ва рисоаларининг илк ўқувчиси, масъул муҳаррири ёхуд биринчи тақризчиси албатта Сулаймон Иноятовдир. Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг тўрт бор қайта-қайта нашр қилинган «Ватан тарихи» китобининг тақризчиси бўлиш С.И.Иноятовга насиб этган.

Андижонда тўқувчи оиласида туғилган Абдурахим Юсуфзода (1880 – 1937) ҳаёти ва фаолияти ҳақида Р.Т.Шамсутдинов илмий мақолалар яратди.

Тақдири Бухоро Халқ Совет Республикаси билан богланган А.Юсуфзоданинг Москвадаги элчилик фаолиятига оид илмий саҳифаларни профессор С.И.Иноятов ўз тадқиқотлари билан янада тўлдирди.

Хуллас, С.И.Иноятовнинг бекиёс садоқати, илмий салоҳияти ва этикети Андижонга, бу заминдаги профессор Р.Т.Шамсутдинов сингари ёру биродарларига меҳр-оқибати таҳсинларга сазовордир. Улуғ Юсуф Хос Ҳожибнинг «Ўткинчи дунёда тирикликка керак ишлар қил, кишиларга яхшилик қил, савоб ишлар қил» деган панд-насиҳатини дастуриламал билган содиқ дўст, забардаст тарихчи олим, хайрли ва савоб ишлар ташаббускори, тарих фанлари доктори, профессор С.И.Иноятовни 80 йиллик юбилеи билан қутлаб устозга Сулаймон пайгамбар ёшини тилаб қоламиз.